

ДИЛМУРОД ХОЛДОРОВ



# ИЖОД МОҲИЯТИ – УСЛУБ ХОСИЯТИ



## ДИАМУРОД ХОЛДОРОВ

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) Ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Илмий мақолалари Россия, Туркия, Қозоғистон ва Республика марказий матбуот нашрларида чоп этилган. “Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадий услуб муаммолари” мавзунда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

ISBN 978-9943-4920-5-9



9 789943 492059

ДИЛМУРОД ХОЛДОРОВ

# ИЖОД МОҲИЯТИ – УСЛУБ ХОСИЯТИ

34474



Тошкент

«Turon zamin ziyo»

2017

**УЎК 821.512.133**

**КБК 83.3(5Ў)**

**X-72**

**Холдоров, Дилмурод**

Ижод моҳияти – услуб ҳосияти [Матн]: илмий-адабий  
мақолалар / Д.Холдоров – Т.: Turon zamin ziyo, 2017. – 160 б.

ISBN 978-9943-4920-5-9

Мазкур тўпламда қисса жанри ва услуби хусусидаги мақола-  
лар, бугунги танқидчиликдаги долзарб муаммолар, адабий ку-  
затишлар, тақризлар, таҳлил ва талқинлар жамланган. Китоб уч  
бўлимдан иборат бўлиб, унда мақолалар хронологик тартибда  
жойлаштирилган. Китоб барча адабиётшунослар, тадқиқотчи-  
лар ва адабиёт илми билан шуғулланаётган магистрантлар ва  
талабаларга мўлжалланган.

**УЎК 821.512.133**

**КБК 83.3(5Ў)**

*Масъул муҳаррир:*

**Баҳодир Каримов,**

филология фанлари доктори

*Тақризчилар:*

**Бахтиёр Назаров,**

ЎзР ФА академиги;

**Абдулла Улугов,**

филология фанлари номзоди, доцент

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети Кенгашининг 2017 йил 26 январдаги  
йиғилишида 6-баённома билан нашрга тавсия қилинган.*

ISBN 978-9943-4920-5-9

© Д.Холдоров,

© «Turon zamin ziyo»,

Тошкент, 2017.

*Ушбу китобим боис ҳосил бўладиган савобни  
отам Эркинжон Холдоров ва  
онам Турдихон Холдороваларнинг  
ризолигига бағишлайман.*

## **I БЎЛИМ**

### **ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИ ТАДРИЖИ**

#### **Қиссалар оламига саёҳат**

Қисса жанри узоқ адабий-тарихий жараёни босиб ўтган, бадиий мукаммаллик касб этган жанр ҳисобланади. Қиссада айтилиши лозим бўлган поэтик фикр ҳар доим жанрнинг маълум бир “вакили” тилидан ҳикоя қилинади. Бинобарин, қисса баёнида ровий ва муаллиф синтезлашиб кетган ўринларда ҳам мана шу принцип ишлайверган. Яъни, бу жараён жанрнинг ички структур таркибини ташкил этиб, унинг шаклланиш ва такомил йўлини белгилаб берган. Қисса эпик турнинг ўрта жанри сифатида роман ва ҳикоя чегарасида ўз бадиий вазифасини бажарган. Адабиётшуносликда унинг жанр хусусиятлари белгиланар экан, мана шу чегаранинг қай даражада сақланганига асосий эътибор қаратилган. М.В Головкин: “Бу жанр (яъни қисса (повесть), – Д.Х.) бутунлай ўзгарувчан, қоришиқ (гибрид)дир. Повесть билан ҳикоя, повесть билан роман ўртасидаги чегаралар муттасил ўзгарувчандир”<sup>1</sup>, – деганида айнан шу жиҳатларни назарда тутди.

Д.С.Лихачев эса: “Повесть романдан кўра қисқароқ, персонажлар ҳам камроқ, уларнинг қисса қилинаётган

---

<sup>1</sup> Головкин В.М. Поэтика русской повести. – Саратов, 1992. с. 6.

тақдири узун эмас, сюжет ихчам, ҳатто кескинроқ”<sup>1</sup>, – деган фикрларни баён этар экан, қисса жанри белгиларини конкретлаштиришга уринади.

Демак, қисса бир инсон ҳаётининг маълум даври, маълум вазиятлари, маълум руҳий ҳолатлари ҳақида субъектив тарзда ҳикоя қилувчи, роман, новелла ва ҳикояга хос айрим ўзига монанд хусусиятларидан холи бўлмаган мустақил жанрдир.

Ўзбек қиссачилигига шу нуқтаи назардан қараганимизда унинг қатор поэтик омиллари ва жаҳон қиссачилигида<sup>2</sup> учрамайдиган янги услубий хусусиятлари борлигига амин бўламиз.

Дастлабки қиссалар халқ оғзаки ижодида яратилган бўлиб, оғиздан-оғизга кўчиб, кейинчалик уларни сақлаб қолиш мақсадида китобат қилинган “Қиссаи Иброҳим Адҳам”, “Чор дарвеш”, “Қиссаи Машраб”, “Зуфунун қиссаси” сингари халқ китобларидир. Дарҳақиқат, бундай китобларда бир қаҳрамон ҳаётига доир воқеаларни тартиби билан баён этиш, яъни “усули баён” етакчилик қилган.

Ёзма мумтоз қиссачилик асосан ислом дини ва шу билан боғлиқ шахслар ҳаётига доир бир ёки бир нечта воқеани талқин этишга қаратилган. Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё”, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Лисон ут-тайр” достони таркибида келадиган “Шайх Санъон қиссаси”, машҳур “Юсуф ва Зулайҳо” асарлари мана шу характердаги қиссаларга мисол бўлади. Бундай қиссалар бевосита ёзма адабий услуб йўлида ёзилиб, аниқ бадиий концепцияга таянган. Уларнинг асосида Қуръони карим ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари тургани боис муаллиф-

---

<sup>1</sup> Лихачев Л.С. Неравнодушная проза. – М.: “Художественная литература”, 1984. с.3.

<sup>2</sup> Европа адабиётида қисса жанри у қадар оммавийлашмаган. Қисса рус ва Шарқ халклари адабиётида тараккий топган. Биз мақолада жаҳон адабиётидаги наср услубини назарда тутганмиз.

нинг бадий нияти шундай мўътабар манбалар мазмунини кенгроқ шарҳлаш, оммабоп қилиб баён этиш бўлган. Бундай қиссалар услубида араб, форс анъанавий қиссачилиги таъсири, хусусан, классицизм принципи етакчилик қилади. Қиссаларнинг композицион қурилиши, сюжет тизимида ҳам мумтоз қиссачилик анъаналарини тўла сақлашга ҳаракат қилинган. Бундай қиссачилик анъаналари, мумтоз қисса қилиш услуби XX аср бошларига қадар давом этган. XX асрнинг бошларидан эътиборан кўпроқ рус адабиёти таъсирида янги қиссачилик шакли майдонга кела бошлаган.

Ўзбек қиссалари ва унинг услубий ўзига хослиги мана шундай жиддий омиллар билан бевосита боғлиқ. Гарчи тўнғич ўзбек қиссаси намунаси сифатида А.Қодирийнинг “Обид кетмон”и, профессионал қисса жанри деб А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” асари кўрсатилса ҳам, улар ўзининг мавзуси, бадий мақсади, образлари ва баён услубига кўра замонавий шўро қиссалари талабларига монандроқ келади. Бирида колхозлаштиришга нисбатан ироник муносабат, иккинчисида эса хайрихоҳлик ва уни ёқлаш руҳи акс этган бу асарлар маълум маънода анъанавий қиссачилик мезонларини четлаб ўтиши жиҳатидан ўша давр нуқтаи назаридан замонавий ҳисобланади.

Анъанага боғланганлик нуқтаи назаридан шўро даврида ёзилиб, ўзбек анъанавий халқ қиссанапислиги ва Шарқ мумтоз қиссачилиги услубини ўзида синтез қилган илк асар сифатида Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасини кўрсатиш мумкин. Агар “Обид кетмон” ва “Синчалак” асарларида рус шўро қиссачилиги анъаналарига мос ҳолда ровий вазифасини муаллиф бажарса, “Шум бола” муаллифи бу масалада халқ ва мумтоз қиссачилиги йўлини тутди. Воқеалар бошдан-охир асар қаҳрамони тилидан гоҳ халқ йўлида, гоҳ мумтоз йўлда қисса қилинади. Масалан, поччасининг қушларини ўлдириб қўйиб, қаҳрамоннинг дарбадар ҳаёти

бошланган вазиятларни тасвир этар экан, халқ қиссанавислигига доир қуйидаги баён услубига дуч келамиз: “Ҳаммасини (Аччабодлик лўлилардан зотдор қумрига айирбошлаган юкларни, – Д.Х.) елкамга қўйиб бу шаҳардан ҳам чиқиб кетдим. Олдимда катта чўли азим пайдо бўлган эди, “қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган” бу чўлда елкамда бояги юклар билан кетиб борар эдим. Узоқдан бир кишининг қораси кўрина бошлади...”. Реал қараганда шум бола тарк этган Аччабод ҳеч қандай “шаҳар” эмас. Бор-йўғи эски Тошкентнинг кичкина бир маҳалласи, холос. Аммо Ғ.Ғулом ўз қаҳрамонининг болага хос тасаввур тарзини, у дуч келган “фожиа”нинг кўламини ошириш учун шу усулдан фойдаланади. Воқеалар кўламини бўрттиришда муболаға усулига мурожаат этади. “Чўли азим” бирикмаси эса бу ўринда халқ китоблари таъсирида шаклланган ўша давр ўқувчилари англаши учун айтиш мумкин эди. Шунингдек, иқтибосда кўзга ташланадиган “Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди” ибораси ўзбек халқ эртаклари ва қиссаларида фаол қўллаб келинган. Юқоридаги тасвирнинг келтирилиши бизга Шарқ мумтоз қиссалари услубини эслатади.

Ёки асарда Кўктерак бозори шундай тасвирланади: “Ҳай-ҳай, бозор бўлганда ҳам қандай бозор, денг? Бу томони Эрону Турон, Маккаю Мадина, Майманаю Майсара, Хитою Чин, Истамбулу Мозандарон – на қуйи, на паст, на ўнгу на чап. Бундай катта бозорни одам боласи кўрмаган бўлса керак. Бозордаги расталарни айтинг, молларнинг шиғал тўлиб кетганлигини айтинг. Савдогарларнинг маккор башараларини, ранго-ранг кийим-бошларини айтинг. Бай-бай, бундай бозор “Қисас ул-анбиё”да ҳам, “Ҳурилиқо” деган китобда ҳам ёзилмаган, ҳеч қаерда – тарихда йўқ”. Тасвир бола тилидан берилаётган бўлса-да, бу ўринда халқ тили ва урф-одатлари, қадим мумтоз адабий меросни, фольклор адабиётини чуқур билган муаллиф қиёфаси ус-

луб боис якқол намоён бўлади. Услугдаги бир оз киноя, муболага, халқ хикоячилиқ санъатига хос равонлик ва соддалик бадий тасвир жозибасини оширган.

Асарнинг бошқа бир жойида қозоқ овулида қилғилиқни қилиб, жуфтакни ростлаган қаҳрамон яна бир “шаҳри азим”га кириб келади. Масжидга дуч келади. Тунаш учун жой топиш илинжида гарчи таҳорати бўлмаса ҳам намозхонларга қўшилади. Намоз адо этилса ҳам жойидан қўзғалмаётган қаҳрамонни кўрган масжид сўфиси ва имоми унга шундай саволлар билан мурожаат қилади:

– Ҳа, ўғлим, жуда ўтириб қолдингиз? Намоз тамом бўлди.

– Отажон, мусофирман, – дедим. – Агар рухсат берсангиз, эрталабгача мачитда қолсам, йўлимдан адашдим.

Гапга имом аралашди:

– Ўзинг қаерлик бўласан, ўғлим?

– Таксир, тошкентликман.

– Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

Омондан ўрганган гапларни ишга солдим.

– Ўзим мадрасада ўқир эдим, ҳозир таътил вақти бўлгани учун бир оз пул ишлаш мақсадида мардикор ишлаш учун сафарни ихтиёр қилган эдим. (Яна ичимда, бу ерда ҳам ғассоллик хизмати чиқиб қолмаса яхши эди, деб ўйлар эдим.)

– Қайси мадрасада ўқир эдинг, мударрисинг ким?

Қўлга тушдим. Тошкентда нима кўп – мадраса, нима кўп – мударрис.

– Таксир, ўша катта мадраса-да, домламиз ҳам ўша катта домла бўладилар.

Домла кулди...

Мулоқот жараёнида қаҳрамоннинг нутқи адабий тил қоидаларига у қадар мос келавермайди. Имомнинг саволига жавоб берар экан, қаҳрамон биргина “учун” сўзини икки марта қўллайди. Аммо бундай такрор му-

аллиф тилидан эмас, айнан шумгина бир бола тилидан баён этилаётгани боис ўқувчининг ғашига тегмайди. Аксинча, қахрамон руҳиятини чуқурроқ англашига хизмат қилади. Матнда келадиган “тақсир”, “мадраса”, “мачит”, “мударрис” сингари сўзларнинг қўлланилиши ҳам давр қиёфасини яққолроқ акс эттиради. Имомнинг “Қайси мадрасада ўқир эдинг?” деган сўроғига “Ўша, катта мадраса-да, домламиз ҳам ўша катта домла”, деб жавоб беришидан биз беихтиёр ўзбек латифаси услубини, Насриддин Афанди ҳозиржавоблигини эслаймиз. Ғ.Ғуломнинг мазкур асарини ўзбек халқ ва Шарқ мумтоз қиссачилиги услуби нуқтаи назаридан батафсил текширадиган бўлсак, бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Шўро замонида ёзилган “Обид кетмон” ва “Синча-лак” ягона мавзу - колхоз ҳаёти масаласига қаратилган. Натижада, янги замонга доир тушунча ва қарашлар, ўша давр кишилари кайфияти ушбу асарлар услубида ҳам намоён бўлган. “Обид кетмон”нинг биринчи жумласиданоқ асар ёзилган давр кишилари учун бир қадар янги бўлган ёки эндигина истеъмолга кириб келаётган сўзлар кўзга ташланади: “Ҳозир *“Пахтачи”* колхозининг ғўзалари орасидан борамиз...” Аммо асарнинг характери, ёзувчининг бадий нияти ҳам айнан шу жумлада аёнлаша бошлайди. Аввало, колхозлаштириш шўроларнинг Ўзбекистонни пахтачилик монополиясига айлантириш йўлидаги жиддий мустамлака сиёсати экани бугун ҳаммага маълум. Қиссадаги дастлабки хабар “пахтачи” ва “ғўза” сўзлари орқали бундай мазмунни ироник тарзда ифода эта олган. Бир сўз билан ёзувчи дастлабки жумладаёқ, услубий маҳорати туфайли колхозлаштириш сиёсатига ўз муносабатини билдирган. Ёзувчи қай томон қадам қўйма ғўза, қаёққа юз бурма колхозлаштириш, демоқчи бўлган гўё. Энг муҳими қисса қахрамони Обид кетмон дуч келган фавқулодда (ўзига ва ўзбек дехқонларига ноқулай) вазиятнинг иб-

тидоси ҳам шу ерда. Иккинчидан, бунга ким айбдор деган сўроқ ва унинг жавоби ҳам замон тақозасига кўра матн остига яширилган.

А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” қиссаси шундай жумла билан бошланади: “Кечки пайт. Район партия комитетининг секретари ўртоқ Тохиржон Носиров чанг босган “Виллис”дан тушиб, ёши олтмишдан ошиб қолганига қарамай, райком биносининг зинасидан чопқиллаб чиқиб кетаётган эди, бирдан тўхтади; зинанинг бир чеккасига бориб, коверкот макинтошининг этагини, брезент этигини қоқди; похол шляпасини бошидан олиб, рўмолчаси билан пешона ва бўйнини наридан-бери артди-да, энди салмоқли қадам ташлаб чиқиб кетди...”. А.Қодирий қиссаси сингари бу асарнинг ҳам биринчи жумласини таҳлил этадиган бўлсак, ўзбек қиссаси услуби тадрижи ва табиатига доир янги тўхтамларга эга бўлишимиз мумкин. Жумладаги биринчи гап хабар. Қиссадаги замон тушунчасига далолат қилади. Ундан бирон рамзий маъно қидириш ўринсиз. “Кечки пайт” хабари орқали ёзувчи район партия комитетининг секретари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлаётган фидойи бир коммунист эканига ўқувчи эътиборини тортмоқчи холос. Унинг бинога кириш олдидан ўзига тартиб бериши: кийимларининг чангини қоқиши, терларини артиши ҳам шу мақсад йўлида хизмат қилади. Бенуксон коммунист образидаги фазилатларни таъкидлайди. Бундан кўзланган асосий мақсад қисса давомига бориб умумийликдан конкретликка томон силжий бошлайди. Яъни шу районда “Бўстон” деган колхоз бор. Унинг раиси Қаландаров, ишни яхши олиб боришига қарамасдан, ўта ўзбилармон, талтайиб кетган диктатор раисга айланган. Унинг колхоз ва жамият ҳаёти, партия обрўсига путур етказиш эҳтимоли бор. Бу борада мувозанатни сақлаш вазифаси эса партия ташкилотининг виждон иши. Қисса қаҳрамони Саи-

да партия томонидан шундай масъулиятли ишни бажаришга йўлланади.

А.Қаҳҳордан нисбатан кейинроқ ижод қилган Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов қиссаларида услубнинг индивидуаллашуви, ёзувчи бадиий концепциясининг конкретлашуви ва бунинг бевосита услубда намоён бўлиши кузатилади.

Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султон, Эркин Аъзам тўртлиги услуб жиҳатидан ўзига хос, аммо умумий бадиият қонуниятлари жиҳатидан бир йўл, бир адабий талқинни намоён этади. Уларнинг қиссаларида қисса ва роман қамрови, лирика ва эпик талқин қоришиб кетгани, қаҳрамон ҳамда воқелик, сюжет ва композиция катта ўзгаришга учрагани маълум бўлади. Ҳеч иккиланишсиз айтиш мумкинки, ушбу ёзувчилар анъанавий ўзбек қиссачилиги услубига жаҳон реалистик ва модернистик талқин усуллари муваффақият билан сингдириб юборганлар. Лекин бу хусусият улар томонидан ёзилган қиссаларда миллий реалистик тасвир етакчилигига моне бўла олмаган. Яъни уларнинг асарларини умумий қиёфасига қараб экспериментал ҳам, модернистик қисса ҳам деб бўлмайди. Уларнинг услубларини янгиланган миллий услуб, салафлари услубига нисбатан ўта замонавийлашган услуб шакли дейиш мақсадга мувофиқдир.

## Асқад Мухтор маҳорати

Асқад Мухторнинг 80-йилларда чоп этилган “Жар ёқасида чакмок”<sup>1</sup> қиссасида асар қаҳрамони Маматнинг мураккаб қисмати романга хос кенг кўламда тасвирланган. Унда “Нўғай муаллим”, “Олим билан Ҳалим”, “Яна от дупури”, “Лаънати қути”, “Туш”, “Салим чорва” каби қатор мустақил сарлавҳалар (жами 15 та) кўплаб қаҳрамонлар образи, кўплаб янги воқеаларни бадиий талқин этса-да, уларнинг марказида бош образ Мамат тақдири билан боғлиқ кечмишлар туради. Воқеалар муаллиф томонидан қисса қилинади. Ҳар бир қисм табиат, ҳолат, ижтимоий ҳаёт тасвири билан бошланади. Шу тарзда ёзувчи қисса қаҳрамони ва воқелик руҳиятига чуқурроқ кириб боришга эришади. Мутахассислар қисса жанри ҳақида асар воқелиги ва қаҳрамони бир жумла ёки ягона мазмун атрофида уюштирилади, деган фикрни билдирадилар. А.Мухторнинг ушбу қиссаси марказида “Одамнинг боши тошдан” дейилган халқ ҳикмати туради. Мамат ёш бўлишига қарамай, кўплаб саргузаштларни бошдан кечиради. Турли ҳолат, вазиятларга тушади. Аммо иродаси букилмайди, инсонийлигини, одамларга, эзгуликка ишончини йўқотмайди.

Одатда, улуғвор табиатга, эзгу ниятга эга қаҳрамон тасвири, шу қаҳрамоннинг монологлари, диалоглари тубан ва ёвуз ниятли қаҳрамонга хос шундай унсурлардан ўзгачароқ бўлади. Икки ва ундан кўп қутбларни бирлаштирган роман, қисса ва ҳикояларда бир бутун тизимни ташкил қилувчи образлар гуруҳи нафақат характер, портрет ва бадиий маслак жиҳатидан, балки сўзлаш, фикрлаш, мулоқот тарзлари нуқтаи назаридан ҳам алоҳидалик касб этганлари учун том маънодаги бадиий асар майдонга келади. Бадииятнинг

---

<sup>1</sup> Мухтор А. “Жар ёқасида чакмок” // Илдишлар. Қиссалар. – Т.: Ёш гвардия, 1984. 4-82-б.

азалий талабига ёзувчи Асқад Мухтор ҳам қатъий амал қилган.

“Жар ёқасида чақмоқ” қиссасида ровий ва қаҳрамон услуби бир-бирини тўлдириб келади. Аммо ҳар бир персонаж ровий нутқидан ўзгача, индивидуал тарзда сўзлайди. Бу эса асар воқелигининг мозаика тарзида тасвирланишига имкон яратади. Масалан, Маматнинг елкасидаги омонат (катта микдордаги олтин буюмлар солинган хуржун)дан хабар топган рус зобити унга шундай дейди:

– Биласан саники! Хурджум топасан! Топмасанг – ана, битта ўқ, бабах – и аллах учасан...

Ёки, бутун бойлиги, шон-шавкати, бола-чақасидан айрилган Салим чорва дунёдан воз кечиб, ҳаж сафаридан нажот истаган ҳолатида Маматга қарата:

– Бу йўлда нону жон қайғуси бўлмайди, бўтам. Жон омонат, ўлим ҳақ. Ҳаж сафарида ўлим оллонинг иноятидир, – дейди.

Ёки Мамат оч-наҳор юрганида бир бошпана сўраган кампир унга қарата:

– Қайси худо ярлақаннинг жигарисан, болам? Кимни қора тортиб бу ерларда юрибсан? – деган сўзларни айтади. Бу ерда кечаётган нутқнинг ҳар учала шакли ҳам бир кишига – қисса қаҳрамони Маматга қаратилган. Уларнинг биринчисида қаҳрамонга нисбатан тажовуз, иккинчисида нейтрал муносабат ва насиҳат, учинчисида меҳр-шафқат пафоси барқ уриб туради. Персонажларнинг мақсад-муддаоси, шахсияти, ҳатто жинси бу ўринда қатъий эътиборга олинган. Натижада, услуб ранг-баранглиги ва ўзига хослигига эришилган.

## Янгича талқин йўлларида

Ўзбек қиссаси услубининг такомилида ёзувчи Одил Ёқубов асарларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Унинг ижодий услубида А.Қодирий, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳорлар анъаналари янгилангани кузатилади. Гарчи ёзувчи умрининг сўнгги йилларига қадар турли мавзудаги қиссалар ижод қилиб, бу жанрга содиқ қолган бўлса-да, унинг 60-йилларда ёзган қиссалари ўз даври учун оригинал, янги адабий талқин нафасини сингдирган, ҳарорат ва поэзияга бой эди. Ёзувчининг шундай қиссаларидан бири “Муқаддас” саналади.

Қиссада Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, Мопассаннинг “Азизим”, Э.Хемингуэйнинг “Алвидо, қурол”, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, А.Қаҳҳорнинг “Сароб”, Ч.Айтматовнинг “Жамила” асарларидаги поэтик руҳ, лирик кайфият, ҳиссий тасвир уйғунлиги кўзга ташланади. Аммо ёзувчи шундай улкан бадиият денгизи ичра ўз қайиқчасини топа олганки, бу жиҳат айнан унинг услубида намоён бўлади.

“Муқаддас” барча адабиётшунослар яқдил қайд этганларидек, муҳаббат қиссаси. Бундаги покиза севги, осмоний орзулар, самимий эҳтирос, кўз ёши ва умидсизлик бизга Вертер муҳаббатини эслатади. Ҳали О.Ёқубовга қадар биронта ўзбек қиссаси бу тарзда ҳиссий, бу тарзда кутилмаган жумлалар билан бошланмаган эди: “Бу воқеаларга бир қиз сабаб бўлди. Қизнинг исми Муқаддас эди...” Қисса қаҳрамон тилидан ривоят қилинади. Аммо диққат билан кузатилса, ровийда муаллиф овози билиниб туради. Дастлабки жумла ахборот тарзида янграйди. Шу билан бирга ахборотнинг ўзида қиссанинг бутун сир-асрори яширинганга ўхшайди. Бу билан адиб ўқувчини қаҳрамон ҳаётида рўй бериб ўтган сирли-сеҳрли бир воқеа тафсилотларига тайёрлайди.

Кўплаб асарларда кўрамизки, воқеалар хронологик тарзда ҳикоя қилинади. Бу услуб нисбатан бадиий илғами пастроқ ўқувчиларга мойиллик уйғотади. “Муқаддас”да эса келтирилган икки жумлада воқеалар оқими шиддат билан ўтмишга қараб оқади. 60-йиллар қиссачилигига янгилик бўлиб келган бундай ретроуслуб (асосий воқеа баёнига киришишдан олдин бир дам орқага нигоҳ ташлаб олиш, – Д.Х.) кейинги асл воқеликни тасвирлаш учун жуда қўл келади. Ҳар икки жумлада келган ўтган замон феъл шакли бу ерда гап оҳангини сусайтирмасдан, жонсизлантирмасдан, тирик ҳолатида яқин ўтмишга олиб боради. Мана шу икки жумланинг ўзида ҳам лирика, ҳам фожиа бор. Унда орзу ва пушаймонлик муштарак акс этган. Қолаверса, қизнинг исми ҳам кўп нарсани ҳикоя қилади. Қаҳрамон томонидан муқаддас бир нарсанинг йўқотилгани англашилади. Бу ўқувчи юрагида фожиавий туйғуларни жунбушга келтиради. Инсонликнинг шариф номига (йигитнинг исми Шариф) эришиш бўсағасида турган қаҳрамон муқаддас нарсаси (қизнинг исми Муқаддас) ни йўқотгандан сўнг ўз шарифлигини ҳам бой беради. Лекин қиссанинг изоҳида келтирилганидек, Шариф асло худбин эмас. Уни шунчаки худбинликка йўл қўйган жўн бир қаҳрамон деб бўлмайди. У бор-йўғи Вертер сингари муҳаббатнинг тутқуни холос. Унинг учун Муқаддасни кўрган онидан бошлаб институт ҳам, иш ҳам, оила ҳам, дўст-ёрлар ҳам, борингки, борлиқ ҳаётнинг номи биргина сўзга – муҳаббатга айланган, холос. Ошиқларга азалдан мажнун сифатини берадилар. Жунун аҳли учун эса бу дунё, жорий турмуш қонун-қоидалари нолга тенг. Улар ҳамма нарсани муҳаббатнинг қаричи билан ўлчайдилар. Абдулла Орипов айтмоқчи “соғлар” учун савобу гуноҳ дея ажратиладиган ўлчамларга терс келганда ҳам муҳаббат манфаати буларнинг барчасидан устун келаверади. Шу боис Шариф кўплаб адабиётшунослар қоралаган ўша машъум қарорга рози

бўлади. Сохта талабага айланади. Бундан Шарифнинг ғарази биргина – Муқаддас билан бир ҳаводан нафас олиш эди. Муҳаббат истаги ва турмуш қонуниятлари ўртасида ечимсиз вазиятда қолган, алалоқибат қинғир йўлни танлаган қаҳрамон қисматида фожиа ўз муҳрини босади. Мана шу ҳолат қаҳрамоннинг фожиавийлиги, демакки, улуғворлигини ҳам кўрсатади. Муқаддас реал воқеликдаги ҳақиқатдан (яъни Шарифнинг қинғир йўл билан ўз ўрнига институтга кирганидан) воқиф бўлади. Аммо ундаги расмий ҳаёт ипларига мустаҳкам боғланганлик Шариф руҳиятидаги асл воқелик (мажнунона муҳаббат)дан ғофилликка сабаб бўлади. У Шарифнинг покиза ниятини англамайди. Оқибатда Шарифнинг фожиавий ҳолати янада бўртиброқ кўринади. Қиссанинг айни ҳолат тасвирланган икки саҳифаси (74-75-бетлар)да Шариф тилидан Муқаддас деган калом ўн марта ўн хил оҳангда такрорланади. Бунинг сўнггиси умидсизлик оҳанги билан йўғрилган эди:

– Муқаддас! – дедим уни тўхтатишга ҳаракат қилиб.  
– Муқаддас.

Сўнгги “Муқаддас” каломидан кейин услуб талабига кўра “ундов”(!) белгиси қўйилиши керак эди. Бироқ ёзувчи бу жойга нуқта қўяди. Бу билан қаҳрамоннинг эмоционал мурожаатидан фалсафий хулосани афзал кўради. Нуқта, яъни шариф бир инсоннинг покиза муҳаббати интиҳо топди, унга шафқатсиз ҳаёт қатъий суратда нуқта қўйди. Бу мажнунлиكنинг азалу абад қонуниятларига мос. Зотан мажнунлар асло ўз лайлиларига эриша олишмаган. Мана шу хулосанинг ўзи асардаги сентементал руҳни оширади. Ўқувчи хаёлини отабеклар, саидийлар, йўлчивойлар фожиаси томон олиб қочади.

Кўринадикки, қисқа услубий таҳлилдаёқ О.Ёкубов қиссаси услуби ўз салафлари қиссалари услубидан ўзининг пафоси, интимлиги, қалб фожиасини бериши билан фарқ қилиши маълум бўлади. Кейинги давр қис-

сачилигини изчил давом эттирган Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов услубида мана шундай инсон ҳиссий оламини тасвирлаш йўли ўзбек қиссачилиги анъаналарини то 80-йилларга қадар тамомила бошқа ўзанга буриб юборди.

## **Мавҳум туйғулар туғёни**

*(Шойим Бўтаев ижодига чизгилар)*

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, собиқ шўролар жумҳуриятида эркин фикрлаш тамойиллари вужудга кела бошлади. Шўро одамларининг дунёга кенгроқ назар ташлашларига, умуминсоний ва миллий анъаналарни таққослашга имкон пайдо бўлди. Санъатга, адабиётга фақат мафкура кўзи билан эмас, балки инсоний ҳислатлар меъёри билан баҳо бериш мумкин бўлиб қолди. Шойим Бўтаев ижоди, унинг изланишлари айнан шу даврдан шаклланди. Озодлик, эрк деган тушунчаларнинг моҳиятини бир онгли ижодкор сифатида англади. Унинг асарларида инсон турли ракурсдан туриб кузатилганлигининг сири ҳам, ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар маҳсулидир.

Биз ижодкорларни авлодларга ажратиб шарҳлашга ўрганиб қолганмиз. Эҳтимол, давр тақозосига кўра бу табиийдир. Бироқ чин истеъдод эгалари томонидан яратилган бадиият намуналари давр тушунчасини синдиради. Ўз даври ўқувчисини қандай ҳаяжонга солган бўлса, замонлар оша ўша хайратни бирдек ушлаб туради. Зеро, бир даврда минглаб асарлар яратилган бўлса-да, асарлар қаъридан санокли асарларгина қимматини йўқотмай қолишининг сабаби ҳам шунда.

Шойим Бўтаев асарлари ўзининг жозибаси, инсон кўнглига яқинлиги, ўқувчининг ёдида муҳрланиб қолувчи қаҳрамонлари билан аллақачон китобхонлар қалбидан жой олди. Буни адибнинг ҳаёт ҳақиқатини

бадийлаштириш, умуман, ўз услуби ва маҳорати-га эгаллиги билан изоҳлаш мумкин. Унинг ижоди адабиётшунослар томонидан юқори баҳоланиб, кўплаб баҳс-мунозаралар, таҳлилу талқинларга сабаб бўлди.

Ижодкорнинг маҳорат сирлари ўрганилаётганда, албатта, унинг туғилиб ўсган жойи ва яшаган тарихий шароити, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга ҳам эътибор берилади. Чунки ҳаёт воқелиги, атроф-муҳит ижодкор дунёқарашида ҳам ўз аксини кўрсатади.

Шойим Бўтаев қадим маданият бешикларидан бири ҳисобланган кўҳна Хўжанднинг Ўратепа туманидаги Чорбоғ қишлоғида 1959 йилнинг 20 июнида таваллуд топди. Қишлоқ номининг этимологик маъносидан ҳам кўриниб турибдики, Чорбоғ тоғ ёнбағирида жойлашган сўлим табиатли гўшалардан бири. Адибнинг ёшлиги чорвачилик ва деҳқончилик билан машғул бўлган содда ва кенг феълли, ўзига хос меҳрли ва ғурурли, танти ва чапани инсонлар орасида кечди. Шунинг учун у тоғлик оддий инсонларнинг турмуш тарзи, орзу-ўйлари, ўзига хос урф-одатлари, ўзаро инсоний муносабатлари, ор-номус, меҳр-оқибат тимсолида бутун инсониятга хос фазилату муаммоларни тасвирга олади. Адибнинг аксар қаҳрамонлари дунёвий муаммоларни ечишга бел боғлаган, глобал тафаккур юритувчи инсонлар эмас. Аксинча, "...кийинишлари қишлоқича, жўн. Хулқ-атворлари кенг, ҳотамона. Ҳаёт кечиришлари ҳаминқадар" кишилар.

Ёзувчининг "Шамол ўйини" қиссасидаги ровий айтганидек: "Баъзи бировларнинг ғоят муборагу, олис-олис келажак уфқларига қаратилган доно назарларида ҳеч иш қилмай, шунчаки ивирсиб-ғивирсиб юришгандек кўринган одамларнинг гап-сўзларига тузукроқ қулоқ тутсангиз, улар ҳам ўз шаънларини юқори тутишини астойдил истаётганликларини сезардингиз. Наинки сезардингиз, вақти-соати етиб, ўрни келганда, ҳеч кимнинг дилига заҳм етказмай одамгарчилик қилиш

фикру ўйида эканликлари ҳам сизга очиқ-ойдин равшан бўларди қўярди”.

Ёзувчи тоғликлар ҳаёти тасвирида, уларнинг нозик туйғуларини назардан қочирмайди. Қишлоқ одамларининг бир маъромдаги тинч-осуда ҳаёти, инсоний муносабатларнинг ўзига хослиги жонли тасвирланади. Тасвирдаги инсонлар ҳаёти мисолида, умуман, инсониятнинг характери, ўтмиши ва бугуни, келажаги ҳақида мушоҳада юритилади. Инсон ҳаётини издан чиқараётган, фожиаларга сабаб бўлаётган иллатлар мана шу ҳокисор инсонлар мисолида очилади.

“Шамол ўйини” қиссада Ойбулоқ ва Тепа қишлоғида бўлиб ўтган воқеалар тасвирланади. Тепаликлар ўзларидан уч-тўрт чақирим наридаги Ойбулоқликларга жуда эҳтиёткорлик билан ёнларига кўчиб келишларини, биргаликда тинч фаровон, аҳил-иноқ бўлиб яшашни таклиф қилади. Эҳтиёткорлик қилинмаса, иззат-нафс паймол этилиши мумкин. Буни айниқса, тоғликлар жуда яхши англашади. Киндик қони томган тупрокни муқаддас билган ойбулоқликлар “таклиф”ни рад этишади: “Ойбулоқ – юрт. Юртни ташлаб кетиб бўлмайди...”.

Ёзувчи тасвир баёнига киришар экан, гапни Ойбулоқдаги кўргиликлар билан бошлайди. Ойбулоқда ер остидан ёнувчи суюқлик топилиб, турли тайинли-тайинсиз кишилар оқиб кела бошлайди. Улар маҳаллий аҳолининг аجدодлардан мерос анъаналарини оёқ ости қилади. Пана-пастқам жойларда бел ушлашиб юрган ажнабийлар қишлоқ ёшларининг ақлини ўғирлайди. Қишлоқ йигитлари ярим тунгача келгиндилар билан рақс тушадиган бўлади. Хуллас, бир маромда кетаётган қишлоқ одамлари ҳаёти издан чиқади. У воқеаларни ипидан-игнасиғача ёритишни мақсад қилиб олмайди. Бундай усул қўлланганда асар зерикарли, оддий баён бўлиб қоларди. Шунинг учун у ихчам усул, яъни жумбоқли тасвирлаш йўлидан боради. Асар архитектони-

касига назар солинса, қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин.

Биринчидан: қишлоққа “На юрти, на миллатининг тайини бўлган бир ўткинчи келгиндилиги”. Жумбоқ ўз-ўзидан ўқувчини ҳам бефарқ қолдирмайди. Воқеалар айнан Беркинбойнинг қишлоққа келиши билан бошланади.

Иккинчидан: қишлоқнинг ёши улуг, оқсоқолларидан бири Мирза бобонинг келгиндини биринчи кўришидаги тасвир: “Чолнинг юраги негадир шиғ этди”. Бадий асарларда ижодкор ўқувчини қизиқтириш мақсадида воқеаларни сирли қилиб тасвирлаш ҳоллари кўп учрайди. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Отабекнинг “ғайри ихтиёрий” тебраниши, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида “эшикнинг бесарамжон очилиши” каби ҳолатлар бирор нохуш воқеанинг бошланишидан дарак беради. Шойим Бўтаев ҳам ўз ижодида бу ифода услубидан маҳорат билан фойдаланади.

Учинчидан: Беркинбойнинг пойқадами, яъни ёқиш-ёқмаслиги, қишлоқда қолиши ёки қолмаслиги. Қиссанинг бутун сюжет чизиги мана шу масалалар асосига қурилади. Қисса қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси, юриш-туриши, овозлари ҳам юқорида кўрсатилган жумбоқларнинг ечилишига монанд тасвирланади.

Бадий адабиёт санъат тури бўлганлиги учун ундаги тасвир санъаткорона нигоҳ билан ҳис қилинади. Табиат тасвири бўладими, ҳолат ёки қаҳрамон тасвири-ми, албатта, китобхон кўз ўнгида гавдаланиши лозим. Шойим Бўтаев ифода услубида ҳам бу ҳолни кузатиш мумкин. Асар қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси ажаб-товур чизилар экан, уларга хос ҳаракат ва ҳолат, гапириш манералари ҳам ўша қиёфага монанд тасвирланади. Беркинбойнинг овозида “чала дамланган шарнинг ҳавоси чиқаётгандек ожиз, натовон сас” эшитилиши ва шу ҳолатдаги раиснинг “совуқ терлаши”, Беркин-

бойнинг ўғли Бараканинг “Моғор босгандек панг овоз чиқариб раисга қўлини узатиши” – каби тасвирларда қаҳрамонларнинг ҳам сурат, ҳам сийрати ўртасидаги мутаносиблиги сақланади.

Шойим Бўтаев асарларида мифологик услубдан ҳам усталик билан фойдаланади. Осуда ҳаёт тарзини кечираётган қишлоққа “илондай ингичка бир бўлак ажралиб” чиқиши, “Тевага кела-келгунча чанг-тўзон устунни ҳам энига, ҳам бўйига шунчалик” катталашгани ҳақидаги тимсолларда адибнинг қиссада айтмоқчи бўлган нотўғри турмуш тарзи, ҳаром-ҳаришни фарқламаслик асносида келиб чиқувчи касофатлар қусури ҳаммага уриши мумкинлиги, ўт тушганда =ўлу қуруқ баробар ёниши, яъни “бирники мингга, мингники туманга” қабилидаги ҳақиқат мифологик услубда кўрсатилади. Ёмонлик, қабоҳат ва разилликни ёрқинроқ намоён қилиш мақсадида: “...ярим илон, ярим одам – қип-яланғоч қиз бўлди. Қизнинг сийналарини қорамтир доғ босганди. Заъфарон юзида қотиб қолган аллақандай машъум ифодалар на ўликникига, на тирикникига ўхшарди. Кўзлари дағдағали чақнар, бутун оламни ўзига жалб этишга шайлангандек эди” қабилидаги тасвирни келтиради. Тасвир қадим эртак ва афсоналардаги жодугарлар қиёфасини ёдга солади. Шубҳасиз, бундай тасвирни қаҳрамонлар нутқи орқали ифодалаш ёки ўта жўн, совуққонлик билан ёритиш ҳам тасвир руҳига мос келмайди. Табиатан содда ва ишонувчан қишлоқ аҳли ҳаётидаги ўзгаришлар, уларга мутлоқа ёт одатларнинг пайдо бўлишига муносабатларини бундан бошқача йўсинда тасвирлаб ҳам бўлмас эди.

Қишлоқ аҳлининг наздида жинлар ҳам ҳар хил бўлиши, одамни эсини олиб қўядиган “офатижонлар” кўринишида, баъзи бирлари калондимоғ бўлиб, “анча йирик ишлар билан” машғул эканликлари айтилади. Тасвирдаги рамзлар ортига беркитилган маъноларга чуқурроқ эътибор қаратилса, бундай воқеалар яқин

тарихда бизнинг ўлкамизда бўлиб ўтганлиги, маънавиятимиз ва анъаналаримизга етказилган салбий иллатларнинг келиб чиқиши айнан шу тарзда кечганлиги англашилади. Шу ўринда юртбошимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш лозим: "...дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваломбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади". Бу ҳолни адиб ўз услубидан келиб чиқиб, қаҳрамонлар характери, уларнинг гап-сўзлари орқали, яъни, сирли тарзда ифодалайди.

Одамлар маънавиятида юз бераётган таназзул: Қиммат кампирнинг "мўмин-қобил, қўй оғзидан чўп олмаган" ўғли ва "қўли косов, сочи супурги, фаросатли" келини ўртасидаги жанжал, қиямаликда тинчгина ака-укалардек ҳалол яшаётган Тўхливой, Наби муаллим, Раҳим индамас, Вали қассоб ва уларнинг хотинлари ўртасига тушган совуқчиликларнинг асл айбдори раис, Ёшиузоқ, Беркинбойларнинг наҳс ишлари, касофатлари таъсирида юз бераётганлиги жонли тасвирларда очиб берилади.

\* \* \*

Ижодкор услуби ҳақида гап кетганда, албатта, унинг сюжет қуриш маҳоратига ҳам эътибор қаратилади. Бадиий асарда қўлланган образли ифодалар, бадиий тасвир воситалари, фразеологик бирикмалар, халқ оғзаки ижоди намуналари – мақол, матал, ривоят ва ҳикоятлар ижодкорнинг истеъдод қирраларини, бадиий тафаккури ва сюжет қуриш маҳоратини кўрсатувчи омиллардан саналади.

Шойим Бўтаевнинг "Муюлишдаги уй", "Шўродан қолган одамлар", "Шамол ўйини", "Эски арава", "Бир кунлик меҳмон", "Шоҳона совға" қиссаларида сюжет-

нинг турли типлари кўзга ташланади. Баъзи ўринларда маълум бир қаҳрамонни таништириш ёки воқеа баёнига киришиш олдидан жузъий чекинишлар бўлади. Аслида бу тарзда бадиий сюжетнинг ички унсурларини ўрни-ўрнига жойлаштириш ижодкорнинг ўқувчини сирли бир тарзда “ушлаб тура олиш” маҳоратини кўрсатади. Шу эътибордан қаралганда, адибнинг қиссалари сюжетида реал воқеликка, ғайритабиий, фавқулодда, тўсатдан юз берадиган сирли ходисалар уйғунликда тасвирланади. Хусусан, “Шамол ўйини” қиссасида Ойбулоқ қишлоғидаги алғов-далғовли ҳолат, Тепа қишлоғида тўсатдан пайдо бўлиб қолган Беркинбой, кампирларнинг момоулоқ базми ёки жинлар базми тасвирланган ўринларда шу уйғунлик мужассамлашади. Ёзувчи Ойбулоқ билан Тепа қишлоғи одамларини, қисса охирида Кум қияликдаги тўртта хонадон аҳлини ўзаро таққослаган ҳолда ўз олдига қўйган ғоявий-бадиий мақсадини амалга оширади. Тинч-фаровон, биров билан бировнинг иши бўлмаган, баҳамжиҳат яшаётган Тепа қишлоғи аҳли орасига Беркинбой, сўнгра – шу қаҳрамон воситасида қиссага олиб кирилган ва асосий образлардан бири сифатида тасвирланган – Ёшиузоқ кириб келгандан кейин вазият ўзгаради. Қишлоқдан барака кўтарилади, ёвузликлар юз беради, нопокликлар авж олади. Демак, ёзувчи поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ инсон умри, жамият ҳаёти, оила тотувлиги учун жуда муҳим деган улуғ бир фикрни ўз қиссаси моҳиятига сингдиради.

Ёзувчининг “Шўродан қолган одамлар” қиссасидаги ака-укаларнинг худбинлиги, беоқибатликлари ва ҳаётдаги фожиасини тасвирлаш учун ўзига хос сюжетдан фойдаланади. Асарнинг дастлабки қисмидаёқ адиб муаллиф сиймосида ўзининг муносабатини билдириб ўтади. Яъни китобхонни асар руҳига киргизишга ҳаракат қилади.

”Ука кетди.

Ака қолди.

Улар на Кечани эслашди!

Чунки, Кечани билмасдилар, хотирлай олмасдилар, унинг қоронғи осмони қабатларида чақнаган милёнлаб шуълавор юлдузларидан, сутдай тошиб долғаланган ойларида ғофил эдилар; олис дунёлар насимларидан кўнгиллари бебаҳра, наинки бебаҳра, Кўнгилнинг ўзи ҳали таваллуд топмаганди: кулманг, биродар, кулманг; Кўнгил таваллудисиз одамнинг бу дунёга келиши, юриши, кетиши бир ҳашорат умричалик эмаслигини ҳожи поччангиздан сўрасангиз, яхшилаб тушунтириб қўяди

На Бугунни ўйлашди.

На эртани қайғуришди!

Ҳайф, бир қорин...”

Келтирилган парчада асарнинг бутун мазмуни, адиб айтмоқчи бўлган фикрларнинг калити яширин. Инсон тафаккури ва шуури бийдай далада ўзидан – ўзи шаклланиб қоладиган ҳодиса эмас. У минглаб йиллар мобайнида сайқалланади. Ирсият қонунларига бўйсилади. Инсоният устида ўтказилган ҳар қандай нотабиий қонуниятлар, сохта ғоялар кўнгил қаҳатчилигига, унинг таназзулига олиб келади. Ўз ”Кеча”сини англамаган, ”олис дунёлар насимларидан” беҳабар инсоннинг тақдири қандай бўлиши, фожеалар гирдобига тушиши, айниқса, ўзининг фожеасини англаб етмаслигини асардаги қаҳрамонлар нутқи орқали тасвирлаш имконияти йўқ эди. Шу ўринда қиссахон нутқининг киритилиши қиссанинг қимматини оширади. Зеро, асардаги қиссахон образи адиб мақсади ва ниятини амалга оширувчи восита эканлигини ҳисобга олганда, адиб идеаллари шу образда намоён бўлади.

Адабиётшунос Баҳодир Карим ёзади: ”Шойим Бўтаев услубида кўпсўзлилиқ, пичинг, киноя, юмор ва жиддият уйғунлиги бор; батафсиллик устувор. ”Шўродан қолган одамлар”да ҳам ёзувчи асосий ўзак воқелик-

ка қадар Назоратчининг психологиясини, табиатини ёрқин очишгача бўлган саҳифаларда жуда кўп тафсилотларни ёзади. Назоратчининг кимлиги, қандай одамлиги, шўроларга нақадар дахлдорлиги ўз хизмат вазифасини бажарадиган ҳибсхона постидаги вазиятда, касбдошлари, ҳибсхона бошлиғи ва Суннат ўғри билан бўлган узук-юлуқ мулоқотларида очилади. Ёзувчи уни кам сўзлатади, кўп ўйлатади”<sup>1</sup>.

Асар давомида Назоратчининг лақмалиги, Амакининг худбинлиги очила боради. Қиссанинг бирор жойида на назоратчининг, на амакининг қулоғига азон айтиб қўйилган исмлари айтилади. Аслида ҳам, уларни исми билан айтиш лозим кўрилмайди. Шу нуқтаи назардан кейинги йиллар қиссачилигида кўзга ташланаётган исмсиз ва ташқи қиёфаси аниқ тасвирланмаётган қаҳрамонлар, аниқ бир сюжет чизигининг йўқлиги оддий ҳолга айланиб қолди ва бугунги кун ўқувчиси бунга кўникиб ҳам боряпти.

Ёзувчининг “**Эски арава**” қиссасида ҳам ўзига хос сюжет қурилишини кузатиш мумкин. Қиссада китобхонга яхши таниш бўлган Н.В.Гоголнинг “Ўлик жонлар” асари қаҳрамонларини хаёлан Ўзбекистонга сафар қилдириб, мустамлакачилик сиёсатининг мудҳиш оқибатлари, ўзга миллат урф-одатларини англамай ўзлаштириб олиш ва унинг аянчли оқибатларини рамзий-маъжозий услубда очишга ҳаракат қилади.

Павел Иванович Чичиков ўз малайи Селифан билан куйидагича суҳбат қуради:

– Шошма-шошма, сен қандайдир етти қаватли бир манзилнинг энг пастки қаватида қийналиб анча вақт ётдингми?

– Мен сиздан баландроқда, учинчи қаватда эдим, – деди Селифан тиржайиб.

---

<sup>1</sup> Б.Карим. Моҳиятнинг намоён бўлиши. “Мустақиллик даври адабиёти” мажмуаси. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006 йил 270-бет.

– Оз-моз ичиб турганимизни ҳисобга олишмаганда-ку, нақ беҳиштнинг ўзидан жой тегарканку-я. Аммо-лекин, сизнинг гуноҳларингиз кўп экан. Яхши одам эдингиз-ку, хўжайин. Шунча гуноҳ орттирганингизни пайкамай ҳам қолганимни қаранг.

Сезгир китобхон англайдики, Ўзбекистонга “оқиб” келган кишиларнинг аксарияти жиноят оламига алоқадор, ўз юртида қўним топмаган кишилар эди.

Чичиковни кутиб олиш учун атлас кўйлакли қизнинг нон-туз кўтариб чиқиши, эркак кишиларнинг ўпишишлари, саримсоқпиез ҳиди, деворларга чизилган суратлардаги қор, қайинлар, қўзиқорин тераётган қиз расми ўз маъносига қараганда кенгроқ моҳият касб этади. Ёзувчининг салбий ҳолатларга қаҳрамонлар тили ёки муносабати орқали фикр билдириш услуби қиссанинг қимматини янада оширади. Қисса қаҳрамонларидан бири, куллик сиёсатини амалга оширувчи, барча топшириқларга ўйламай, лаббай, деб жавоб берувчи Нишонбой Хурзамонович билан Чичиков ўртасида қуйидагича суҳбат бўлиб ўтади.

– Юртингизда офатлар бўлиб турадими?-деб сўради у Нишонбой Хурзамоновичга қараб.

Қўққисдан берилган бу савол Нишонбой Хурзамоновични шошилтириб қўйди, у ҳушини йўқотганча:

– Ташкил қиламиз! – деб юборди.

Павел Иванович кулди.

– О, йўқ! – деди у. – Офатлар дегани табиий ҳодиса. Ахир, сизнинг қўлингиздан кучли қор ёки ёмғир ёғдириш келмайди-ку? Тўғрими?

– Сиз учун келади, Павел Иванович...

– Раҳмат, раҳмат! Илтифотларингиз учун ташаккур! Шундай гапларни гапирасизки, ҳудди Худо юборадиган вабо-балоларни ҳам ўзингиз тарқата оладигандек-а...

Сиз учун тарқатамиз, Павел Иванович...

Нишонбой Хурзамоновични кузатиб турган Чичи-

ков ҳам уни эси жойидами, йўқми деган фикрга боради. Мустамлакачилик замонидаги ақл бовар қилмас режаларнинг қабул қилиниши, на иссиқни, на совуқни билмай боши фақат меҳнатдан чиқмайдиган, фақат даласини ўйлайдиган деҳқонқулларнинг пайдо бўлишига: "Ташкил қиламиз!", "Сиз учун тарқатамиз" – деган қулликона сўзлар сабаб бўлганлиги, Оролнинг қуриши, она табиатнинг ифлосланиши, нобоп тарбияли болалар, назокатдан, нафосатдан узоқлашган аёллар, имон-этиқоддан беҳабар инсонларнинг вояга етиб қолишига мана шундай қуруқ сиёсатлар сабаб бўлганлиги очила боради.

Қиссадаги ҳар бир образ, у каттами, ёки эпизодик образми ўз вазифасига эга бўлиши лозим. Нишонбой Хурзамонович Собакевич образи асарда бор йўғи икки-уч марта учрайди. Лекин уларнинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Яқин ўтмиш воқеаларини бугунги кун билан таққослашга ундайди.

Шойим Бўтаевнинг "Муъолишдаги уй" қиссаси замонавий, детектив мавзуга яқин услубда ёзилган. Қиссага киритилган ҳар бир образ, тасвир, воқеалик бир-бирига узвий яхлитликда олиб борилади. Бош котибни кутиб олишдаги оворагарчиликлар, Ёрибекнинг шаҳарга келиши, Тошқувват билан кечадиган саргузаштлар, Саид Мавлавий, Асад, Назокат, Отажон, Муса, Усмон Акрам каби одамлар билан танишув, асар ичига киритилган Тошқувватнинг "Ҳаётим йўллари" қиссаси 80-йиллар типик шароитини ёритишга хизмат қилган.

Асардаги Ёрибекнинг тоғаси Усмон Акрам образи ўзига хос тарзда ёритилади. Унинг тасвири асарнинг бошида бир марта берилса-да, китобхон хотирасида сақланиб қолади. Унинг гапириш манералари ҳам ўзига хос, худбинликдан иборат:

- Хў-ўш, қалай энди. Уйдагилар соғ-омонмилар?
- Дуруст... Салом айтишди...

– Тузук, тузук; саломат бўлишсин. Бугун келганмидилар?

– Ҳа-а.

– Тузук, тузук; яхши қиптилар. Меҳмонхона-пехмонхонага жойлашиб олдиларми, ёинки бугуноқ қайтмоқчимилар...

Қисқагина тоға-жиян суҳбатидан англашиладики, катта ёзувчи Усмон Акрам туғишган жияни олдида ҳам ўзини худбинона тутати. “...соғ-омонмилар?”, “Бугун келганмидилар?”, “яхши қиптилар”, “жойлашиб олдиларми, ёинки бугуноқ қайтмоқчимилар...” – каби жумлаларда такаббурлик, менсимаслик, сезилиб туради.

Усмон Акрам хотинини чақириб: “Чой бериб юбор-сакмикан!” – дея мурожаат этади. Кўринадики, у оила аъзолари билан ҳам шу хилда муомала қилади. Жияни Ёрибекни “...салом айтадилар, дея ўзи кетишга даъват этади”. Шу билан тоғасидан паноҳ истаб келган жиян мулоқоти барҳам топади.

Ўз яқинларидан мадад ололмаган Ёрибек ноҳақ қамалиб чиққан Тошқувватдан яхшилик кўради. Унинг ёрдамида ҳаётнинг баланд-паст томонларини ўрганади, катта ҳаётга тобланиб чиқади. У билан боғлиқ эпизодларда адиб ҳаётдаги иллатларни очишга интилади. Асардаги Тошқувват образи ҳаётда адашган, пул-бойлик кетидан қувиб, умрини хазонга айлантирган, охирида афсус-надоматга тушиб, инсонлик шаънини йўқотмаган кишиларнинг вакили. У яқинларидан ажраган, ота қарғишини олган. Бироқ у Ёрибекка ҳаётдан ўз ўрнини топиб олишида катта ёрдам беради.

Сюжетнинг қизиқарли бўлиши ижодкорнинг маҳорати билан белгиланади. Шойим Бўтаев инсон туйғулари билан боғлиқ бўлган ўта мураккаб ҳодисаларни қисқа имо-ишора тарзида кўрсатади, баъзан қаҳрамонлар билан боғлиқ сирли воқеаларни асар охиригача сир сақлайди. Бу ҳолат китобхонга ҳузур бағишлайди, воқеалар давомини тезроқ билишга ундайди.

Ёзувчининг “Бир кунлик меҳмон” қиссаси сюжети ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Йигирма йиллик собиқ курсдошлар Саидмурод ва Холмўминларнинг учрашуви, асар сюжетига аста-секин кириб келувчи Абди, сўпи ва унинг келини билан боғлиқ турли миш-мишлар, тўйдаги машмашалар, сўпининг уйига ўт тушиши, минг йиллик чинор билан боғлиқ воқеалар, Элчи бовонинг бошидан ўтган саргузаштларида инсон маънавий-руҳий оламида мавжуд бўлган мураккаб, зиддиятли ҳолатлар ўзига хос тарзда очила боради. Айниқса, қишлоқда сўпининг уйига ўт кетиши ҳақидаги хабар тарқалгандан кейинги воқеалар тасвири китобхонни ўйлашга, рамзлар ортига яширинган сирларни билишга ундайди. Қисса қаҳрамонларидан бири Элчи бованинг: “Болалик супасидан тушдингми, бас, зулмат сени бағрига тортиб кетади. Оҳ-оҳ, қанчалар айш-ишрат, кайф-сафо, заҳар-зуққумлар жо бўлган экан-а бу бағирга! Сен шунда боладан фарқли ўлароқ қўрқмай қўясан, нега деганда, ўзинг ҳам зулматийга айланасан. Зулматийнинг роҳат-фароғатиям, айш-ишратиям, ҳаётиям, мақсадиям зулмат. Ана шунда у супага абадул-абад қайтиб чиқолмайсан”, – деган гаплари ўқувчини чуқурроқ мушоҳадага қилишга ундайди. Фаришталар ҳам сажда қилган инсон болаларининг ўта қабарик феъл-атвори зулмат қўйнида, на туш, на ўнгда содир бўлаётгани ноаниқ бир тарзда тасвирланади. Зулмат қўйнида инсоннинг ким ва нима эканлигини англатишга ҳаракат қилади.

Асар сюжетининг бу тарзда қурилиши ҳам ҳозирги ўзбек насрида бўй кўрсатаётган услубий ўзгаришлардан биридир. Шойим Бўтаев қиссаларида кўзга ташланаётган персонаж нутқидаги ўзгаришлар, қаҳрамон характерининг турфалиги, асар сюжетига киритилаётган турли ривоят, воқеа ва ҳодисалар бугунги насримиздаги ўзгаришлардан далолат беради.

Бадиийлик нима деган саволга турлича жавоб берилади ва барча жавоб эгалари ўзларича ҳақ бўлиб чиқаверади. Жавоблар қанчалик хилма-хил кўринишларда бўлишидан қатъи назар, моддий-маънавий ҳолатларнинг тил ёрдамида, яъни нутқий кўринишда намоён бўлиши бари бир таъкидланади. Инсон моддий нарсаларнинг аксини кўриши ёки тасаввур қилиши мумкин. Бироқ маънавий оламнинг шакли-шамойили бўлмаганлиги учун, фақат тил орқали англашилади ёки англатилади. Мусаввир гўзал рангларга қанчалик эҳтиёж сезгани каби сўз устаси ҳам тилнинг гўзалликларига, ифода тасвир воситаларига шунчалик муҳтож бўлади. Бизнинг кундалик турмушимизда ишлатиладиган сўзлар ижодкор қалами ёрдамида турлича жило топиб, ўзимизга завқ беради. Бунинг сабаби шундаки: “Тил бир жиҳатдан табиат ва инсондаги гўзалликни акс эттирувчи восита бўлса, иккинчи жиҳатдан унда гўзалликни вужудга келтирувчи жавҳарлар ҳам мавжуд”<sup>1</sup> бўлади. Биз бу каби лисоний гўзалликни маҳоратли ёзувчи Шойим Бўтаев қиссалари мисолида кузатамиз.

Ёзувчи “Шамол ўйини” қиссасидаги Беркинбой тасвирида “...қирра бурнининг учи қуш тумшугига ўхшаб бир оз эгилганлиги...”, Ёшиузоқ тасвирида “Кичкина юзида бурни суви қочган бодрингдай беўхшов сўппайиб турарди” каби ўхшатишларни қўллаган бўлса, бошқа ўринларда “уфқ қон сачрагандек олуда тусга бўялганди”, “сувда сузган балиқдек” каби кўплаб ўхшатишларни қўллайди.

Муаллиф бадиий тасвир воситаларини қўлаганда тасвир теранлашади, чинакам образли поэтик манзаралар пайдо бўлади. Айниқса, Шойим Бўтаевнинг тил бадииятига хос қирраларидан бири бу – матнда жуфт сўзлардан унумли фойдаланганидир. “Жинларнинг

<sup>1</sup> Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Т.: Ёш гвардия, 1987. 12-бет.

**остин-устин** ишлари тезда кўриниб қолди. Уларнинг рақсига **тушган-тушмагани ҳали-ҳозирча** ноаён”, “Беркинбой раис ҳузурига **шошилмай-ошиқмай, ширин-ширин ўй-хаёлларга** ғарқ ҳолатда кетиб борарди”, “Азалдан минбарга **чиқавериб-чиқавериб, гапиравериб-гапиравериб** пайҳавосини олиб олгандек”.

Табиийки, бундай жуфт сўзлардан унумли фойдаланилиш қисса тилини яна ҳам гўзаллаштиради. Ёзувчи услубига хос яна бир хусусият такрор сўзларнинг ўринли қўлланишидир. Аксар ҳолларда ровий нутқида шундай такрорлар учрайди. “**Ҳамма** кўчаларни, **ҳамма** муюлишларни, **ҳамма** уйларни ва **ўзига** керак уйни, **ўзига** керак йўлакни, **ўзи** чиқиб борадиган қавату **ўзи** кирадиган эшикни миясига жо-бажо қилди”.

Таилахон билан раиснинг телевизор қаршисида сиёсий шарҳловчининг нутқини, шарҳларини эшитиб ўтирган эпизодида ёзувчи “Негаки” сўзини бир неча марта такрор қўллайди: “**Негаки**, энди ўтмиш қабихликлари, хатолари, разилликларининг барчаси ортда қоладиган бўлибди! **Негаки**, энди Таилахонга ўхшаганлар ҳам ўз ҳуқуқларини талаб қилса бўлавераркан! **Негаки**, эндиги раҳбарият илгаригидек анқов, гўл, золим, худбин, пулпараст... ва ҳақозо, ва ҳақозо эмас экан!..” Такрор билан бирга айни чоқда гаплар охирига ундов белгиси қўйилгани ровийнинг ҳаяжонидан дарак беради.

Ёзувчи қаҳрамонларнинг ички ва ташқи нутқларида ҳам такрор сўзлардан унумли фойдалангани кўзга ташланади. “Демак, **Қодир Султоновичдек** фаришта, **Қодир Султоновичдек** даҳо... **унингдек** тенгсиз нотик, **унингдек** меҳнаткаш ғамхўр, **унингдек** ҳақгўй... ҳам... Таилахонникига келиб тураркан-да!..” Вақтинчалик Ёшиузоқ ролига кирган Раис ана шу тарзда ичдан ўйга толади. Бу ички нутқда бир томондан такрорлар

киноя вазифасини ўтаганлиги ҳам сезилади. Такрорлар нутқнинг табиийлигини кучайтиради. Аслида одадий кундалик оғзаки нутқда такрорларни одам кўп қўллайди. Аммо ўзи сезмаслиги мумкин. Ёзувчи инсон руҳиятининг билимдони сифатида ўз қиссалари тилида, хусусан, қаҳрамонларини сўзлатганда ана шу такрорларга мурожаат қилади. Қиссадаги икки асосий қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбат-диалогларидаги жозибани такрор воситасида юзага келтирилганини қуйидаги парчадан кузатиш мумкин:

– Ўйлаш керак...

– **Ўйлайдиган жойи йўқ, ўйлайдиган жойи йўқ!**  
– қизишди Беркинбой. -Ҳа-а, бўпти, деяверинг. **Бўптими, бўптими?!**

– **Бўпти, бўпти...**

– Ана-а! Энди мен турдим, Ёшиузоқ ака. Келинни ўзим олиб келаман. Сиз ташвиш чекиб юрманг.

– Харажати....

– **Қўяверинг, қўяверинг.** Кейин суришиб кетамиз...” Суҳбат давомида ҳам айнан эркин, оғзаки нутққа хос бўлган бир қатор такрорий хусусиятларни шу парчанинг ўзидаёқ кузатиш мумкин. Бундай ўринларда қаҳрамонларнинг табиати ёрқинроқ намоён бўлади. Ёзувчи асар композициясини ретроспектив шаклда қурар экан, бу билан бир қишлоқ ва у орқали бутун жамиятнинг муайян манзарасини тиклашга эришади. Бош қаҳрамон ҳолати унинг хотирасида шунга мос ҳодисаларни юзага келтиради. Бу воқеликни чуқур таҳлил қилиш ёзувчига воқеа ва қаҳрамонларни турли ракурсдан кўрсатиш имконини беради. Зотан, бу хусусият ҳам ёзувчи ижодининг услубий қирраларини намоён этади.

Ёзувчининг услуби пейзаж тасвирида ҳам яққол кўзга ташланиб туриши мумкин. Пейзаж ёзувчи яратётган қаҳрамонлар характерини ёрқинроқ ифода-лашга, унинг ички дунёси ва кайфиятини намоёйиш

қилишга ёрдам беради. Аслида, Ш.Бўтаев ўз қиссала-рида пейзажга жуда катта ўрин ажратмайди. Аммо лозим кўрилган ўринларда бу жиҳатдан ҳам ўзига хос маҳорат эгаси эканини кўрсатади. “Шамол ўйини”да тасвирланган бир эпизодда ёзувчининг шоирона нигоҳи кузатилади. “Кечаларнинг ўз хиди бўларди. Сукунатнинг ўз садоси бўларди. Ана шу ҳиду садолар-ла учарди у, учаверарди...”

Э-ҳе...

Энди билса, бу юлдузлар не-не замонларни, не-не тақдирларни, қисматларни кўриб келяптики, уларни бир муштипар одам, айниқса, мундай муштдек тугилиб ётганда тасаввурига сигдиролмайди...”

Ёзувчи Мирзо бобонинг хаёллар оғушида шу зайлда тасвирлайди. Зероки, лирик кайфиятли ўринларда ёзувчи покдомон қаҳрамонлар тасвири учун ўрин ажаратади. Шойим Бўтаев қиссалари тилида батафсиллик баъзан чўзилган ўринлар учрайди. Ёзувчи баъзан вазият тақозосига кўра кўпсўзликка берилади. Аммо Ш.Бўтаев услубида ўрни-ўрни билан жуда сиқик, сўзни жуда тежамкорлик билан қўллаган ўринларни кузатиш мумкин. Масалан, “Шамол ўйини” қиссасида мажлис билан боғлиқ бир эпизодда шундай қисқаликка гувоҳ бўламиз:

“Мажлис очилди.

Очилишига қарши, бетарафлар – йўқ.

Мажлис раиси сайланди.

Мажлис раиси сайланишига қарши, бетарафлар – йўқ!

Тўрға чиқиб ўтирадиганларни айтишди.

Тўрға чиқиб ўтиришларига қарши, бетарафлар – йўқ!

Ҳисобот учун сўз колхоз раиси Суроб Рўзиевга берилди”.

Бу қисқа манзараларда аксарият мажлисларда юз берадиган ҳолатнинг тўқис бир чизгисини кўриш мумкин. Бундаги такрорий сўз қўлланишлари ҳам табиий таассурот қолдиради. Иккинчидан бунда бир оз истеҳзони ҳам сезиш қийин эмас.

Шойим Бўтаевнинг “Эски арава” қиссаси Гоголнинг “Ўлик жонлар” асарига ўхшатма тарзида, аниқроғи, Гоголь қаҳрамонларининг хаёлан Ўзбекистонга ташрифи услубида ёзилган. Аслида, Гоголь ижодини чуқур билмайдиган ёзувчи бу тарздаги услубий янгилик учун тажрибалар қилиши мумкин эмас. Шу маънода Ш.Бўтаев Гоголнинг ижодини, қаҳрамонлари табиатини яхши билади. Бу ўринда ёзувчининг қайсидир элементларни Гоголдан ўрганини таъкидлашни ҳам истар эдик. Хусусан, гоголшунослар ёзувчининг исмларга жиддий эътибор берганларини таъкидлайдилар. Ю.Манн “Поэтика Гоголя” китобининг персонажлар исм ва фамилияларидаги ғайритабиийлик тўғрисида ёзар экан<sup>1</sup>, бу жиҳатга В.Вересаев “Как работал Гоголь” (1934. 64) китобида алоҳида эътибор берганини айтиб ўтади. Шунга кўра Гоголнинг Яичница, Земляника, Каробочка, Добчинский, Пробка ва бошқа қатор қаҳрамонларининг исм-фамилияларини келтириб ўтади. Ш.Бўтаев қаҳрамонларига исм танлашда Гоголь анъаналарини ўзбек адабиётида давом эттирди. Чунки унинг қаҳрамонларининг исм-фамилиялари одатдаги ўзбекча исмлардан кескин фарқ қилади: Беркинбой, Барака, Ёшиузоқ, Нишонбой Хурзамонович, Ёрибек, Симхобоев, Назоратчи, Мэлс, Тошқувват. Бироқ бу дегани Ш.Бўтаев қиссаларидаги ҳамма қаҳрамонларининг номлари ғайритабиий дегани эмас, албатта. Ҳар ҳолда исм танлаш, уларга маъно юклаш ҳам ёзувчининг услубий ўзига хослигини кўрсатадиган омиллар қаторига киради.

Ш.Бўтаевнинг бошқа адибларда учрамайдиган шева сўзларини қўллаганини дастлаб профессор А.Расулов таъкидлади: “Ҳар бир ижодкор адабиётга ўз мавзуси, қаҳрамонлари, бетакрор “тили” билан кириб келади. Шойим Бўтаев қаҳрамонлари бетакрор кўринишга,

---

<sup>1</sup> Ю.Манн. Поэтика Гоголя. М. Худлит. 1988. стр. 118.

рухий ҳолатга, ўз тилига эга”<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам ёзувчи асарлари тилида “туппа”, “чархин”, “валангор”, “ҳориқулода”, “сохт-сумбати”, “сарангроқ”, “калолат”, “говгум”, “санамараста”, “шалойим”, “қамғоқ”, “лайлакхос”, “хўллапўш”, “бебилиски”, “чошғалвир” ва бошқа қатор сўзларни қўллайди. Табиийки, бу биринчидан ўзбек адабий тилининг бойишига хизмат қилади. Қолаверса, А.Расулов таъкидлаганидек ёзувчининг ўзига хос “тили”дан дарак беради.

Фикримизча, Ш.Бўтаев қиссалари тилидаги айрим сўзларнинг ноўрин қўлланганига ҳам эътибор бериш жоиздир. Ёзувчи бир ўринда шамолга нисбатан “телбаёна” сифатлашини ноўрин ишлатади: “телбаёна шамол эса бошлади”. “Телбанамо” тарзида қўллаш ўринли деб ҳисоблаймиз. Баъзан “сару калаваси”, “кулли ишонч” каби сўз бирикмаларини “калавасининг учи”, “бутун ишонч” тарзидаги ўзбекча бирикмалар билан ифода-лаш ўринли бўлар эди. Адиб услубий тилида гоҳо публицистикага хос оҳанглар ҳам сезилиб қолади: “Ҳилол бибининг дил-дилдан айтган сўзлари барчада чуқур таассурот қолдирди” каби гапларда бадиий тасвирдан кўра хабарга хос пафос етакчилик қилгани сезилиб қолади.

Умуман, Шойим Бўтаевнинг ўзига хос бетакрор услуби борлиги, тил гўзалликларини чуқур ҳис қилиши асарларининг қимматини оширганлигини таъкидлаш жоиз.

\* \* \*

Қадимдан ижтимоий муаммоларни тасвирлаш бадиий адабиётнинг етакчи мавзуларидан бири бўлиб келган. Ҳозирги адабий жараёнда кўзга ташланаётган юксак техника ва технологиялар, дунё глобаллашуви жараёни ва талай экологик муаммоларнинг бадиий тасвири мавзунинг ҳамон долзарб эканлигини

---

<sup>1</sup> Ш.Бўтаевнинг “Ҳаёт” китобига сўнгсўз. А.Расулов. “Таваллуд топаётган кўнгил муждалари”. Тошкент. -2000. 435-бет.

билдиради. Ижод аҳли ҳамиша табиат, ҳайвонот ва набототни келгуси авлодларга соф ҳолда сақлаб қолиш учун қайғуриб келганлиги бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам теварак-атрофга очиқ кўз билан сергакроқ назар ташланса, бу ҳодисалар ер юзида истиқомат қилувчиларнинг миллати, дини, ирки-ю қайси тилда сўзлашишидан қатъи назар, барча учун бирдек тааллуқли эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Турли-туман халқаро ташкилотларнинг лойиҳалар таклиф қилиши, қизгин баҳс-мунозараларга бой анжуманлар ўтказиши ҳам пировард-оқибатда Она Сайёрамизни саломат сақлаб қолиш мақсадига қаратилган. Барча нарсадан бойлик орттириш йўриғини қидирган ишбилармон ва корчалонлар шундай пайтларда ҳам фойдаланиб қолмоқчи бўлишади, лекин, тўқайга ўт кетса ҳўлу қуруқ баробар ёниши вақти етиб уларга ҳам аён бўлиши аниқ.

Муқаддас каломларда айтилишича инсониятга бало-қазолар осмондан эмас, балки қилган хатти-ҳаракатларига яраша бўлади, дейилади. Ва бу инкор қилиб бўлмас ҳақиқат инсоният тарихида неча бор исботланган ҳам.

Шу ўринда ўзининг қатор қисса ва романлари, эссе ва ҳикоялари билан Мустақиллик даври ўзбек насрининг шаклланишига салмоқли улуш қўшиб келаётган таниқли ёзувчи Шойим Бўтаевнинг “Шамол ўйини” қиссасидаги бир манзара ёдга келади. Тоғлик Ойбулоқ қишлоғида катта тўғон қурилади. Маҳаллий халқ бу қурилишга безътибор қарашади. Арз қилиб чиққан қарияларни ҳам маҳаллий амалдорлар қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатиб юборади. Тўғон қурилади, атрофи обод бўлади. Санаторийлар барпо этилиб, турли тоифадаги одамлар оқиб кела бошлайди. Бироқ вақт ўтиши билан табиат инжиқликлари бошланади. Осмонда қора булутлар тўпланиб, қаттиқ довул бошланади. Натижада, тўғон бузилиб, бутун бир қишлоқдан ном-нишон ҳам қолмайди. Қиссадаги мана бу тасвир-

га эътибор беринг: “Итлар лойқа босган катаклари атрофида ғингшиганча айланишар, кўкка қараб улишар – яратгандан мадад-имдод кутаётгандек эдилар. Ҳаммадан ажабланарлиси шундаки, бу чоғда бир-биридан ҳадиксираб, қочиб юрадиган жонзотлар ҳам айқаш-уйқаш бўлиб кетди – уларнинг муштарак жиҳати аён бўлиб қолди, қайғуни, аламни, ғуссани парранда-ю даррандаларнинг, одам боласининг кўзлари бир хил тарзда аён этаркан.

Одамлар... Улар ҳеч нарсага қарашмасди, зеро, ҳамма нарсанинг кули кўкка соврилиб бўлганди. Улар ҳеч нарсага эътибор беришмасди, эътибор берадиган нарсанинг ўзи қолмаганди”.

Ҳар қандай кашфиёт инсон тасаввури билан бошланади. Бадиий адабиёт тасаввурларга асосланишини эътиборга олсак, бадиий асарлардаги жуда кўп воқеалар, ҳодисалар реаллашганини кузатиш мумкин. Қадим афсоналардаги учар гиламлар, сеҳрли ойналар ва бошқа кўплаб ҳодисалар ҳақиқатга айланганига гувоҳ бўламиз. Ёки дунё тан олган ёзувчи Эдгар По қаламига мансуб бир ҳикояда довулга учраган кема аъзолари оч қолганларидан бир экипаж аъзосини еб тирик қоладилар. Аслида бу бир бадиий асар. Лекин 1884 йилда ҳудди шунга ўхшаш воқеа ҳаётда ҳам содир бўлади. “Кружева” кемаси аъзолари ҳам очлик сабаб бир матросни ейишади ва ҳикоя қаҳрамони билан экипаж аъзосининг исм-шарифлари ҳам айнан бир-бирига ўхшаш: Ригард Паркер бўлган экан. Эдгар По асари бу воқеадан анча аввал ёзилган эди.

Шойим Бўтаевнинг “Шамол ўйини” қиссаси 1988 йилда ёзилган. Бу вақтда, ҳозирги Марказий Осиё экологик муҳитига таҳдид солиш хавфи бўлган Роғун ва Қамбарота электрстанциялари, сув омборлари қурилиши ҳақида ҳеч қандай гап бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Негаки, собиқ шўро замонида минтақа аҳолисининг барчаси пахтакор, бир сўз билан айтганда, халқ хўжалигида пахта монокультураси ҳукмрон

эди. Шунинг оқибатида дарё сувларидан фойдаланишнинг ҳам энергетик, ҳам ирригация тизимлари издан чиқиб, йигирманчи асрнинг улкан экологик фожиаси – бус-бутун Орол денгизининг ўз соҳилларидан ўнлаб чақирим йироқлашиб кетиши содир бўлган эди.

Ижод аҳли азал-азалдан илоҳий тасаввурларга суянади. Чунки уларга иқтидор Аллоҳ томонидан инъом қилинган. Биз бу гаплар билан ижодкорларни башоратгўй дейишдан йироқмиз. Бироқ қиссадаги воқеалар ҳақиқий ҳаётда ҳам рўй бермаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Бугун дунё жамоатчилиги тараққий қилган мамлакатлар саноати чиқараётган газлар туфайли иқлим исиши, дарёлар тошиши, тўфон ва сунамилардан ташвишга тушиб, бундай офатлардан халос бўлишнинг чора-тадбирларини баҳам-жиҳат излашмоқда, бу албатта, таҳсинга лойиқ, башарият тақдирига масъулликдир. Минг-минг йиллар мобайнида барча халқларнинг бадиий адабиётида табиат билан инсон уйғунлигининг абадийлиги тасвирланиши ҳам шундан.

Шойим Бўтаевнинг “Шамол ўйини” асарида табиатнинг ўз табиий маромига халақит бериш нохуш оқибатларга олиб келиши ҳам мумкинлиги тасвирланган. Марказий Осиё худуди бўйлаб ўтадиган трансчегаравий дарёлар бўйида қурилаётган электростанциялар, тўғонлар ҳақида бугун матбуотда кўп гапирилмоқда, бу масалага дунё жамоатчилигининг ҳам эътибори қаратилмоқда. Минтақамиз халқлари ўртасидаги азалий қўни-қўшничилик, маданий борди-келдилар, урф-удумлар ҳам муштаракдир. Шундай экан, аввало мана шу тупроқда суяк суриб яшаб келган барча онгли инсонлар бундай фожиаларни олдини олишга баҳам-жиҳат ҳаракат қилишлари зарурлигини дилга солувчи туйғулар ҳам “Шамол ўйини” қиссасини мутолаа қилиш жараёнида яна бот-бот уйғонади.

## Икки қирғоқ – икки олам

Жаҳон адабиётида XX аср бошларидан кучая бошлаган инсоннинг ички оламини тасвирлаш аср сўнгидагина ўзбек адабиётида кўрина бошлади. Энди адабиётда инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги фаолиятидан кўра, унинг руҳиятида кечаётган эврилишлар, изтироблар, инсоннинг моҳиятини англаш муҳимроқ бўлиб қолди. Бу ҳодисанинг бошланишини маълум бир вақт билан чегаралаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Ҳар қандай замонда адабиёт ва санъат асарларининг бош вазифаси инсон ва уни ёритиш бўлиб келган. Шундай экан, инсоннинг ботиний олами у ёки бу даражада санъат асарларида ўз ифодасини топган. Айрича бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Истеъдодли ёзувчи Назар Эшонқул адабиёт майдонига анъанавий услубда ёзилган “Уруш одамлари” қиссаси билан кириб келди. Адибнинг бу қиссаси моҳиятида инсон табиатидаги руҳий кечинмалар жуда билимдонлик билан, айнан улкан адиб назари билан бадиий таҳлил қилинади. Назар Эшонқулнинг ўз тасвир манерасига, мураккаб табиатли қаҳрамонлар ярата олиш қобилиятига эгалиги ана шу дастлабки қиссасида ҳам яққол сезилади. Асарни тушуниш, унинг тағзаминига яширинган маъноларни англаш учун, асар руҳига кириш, воқеликни бутун мураккаблиги билан ҳис қилиш китобхондан фаол сезимни талаб қилади.

Сарлавҳадан аниқ бўлганидек қисса уруш мавзусида ёзилган. Аслида XX аср ўзбек адабиётида иккинчи жаҳон уруши тўғрисида ёзилган ҳам назмий, ҳам насрий асарлар талайгина. Эътибор берилса, уларнинг аксариятини иккинчи жаҳон урушини айнан бошидан кечирган адиблар ёзишган. Етим қолган норасидаларга қарата айтилган “Сен етим эмассан” деган ҳайқирик тилларда дoston бўлган. Назар Эшонқул уруш даврига гувоҳ бўлган эмас. Уруш тўғрисида китоблардан ўқиган, Ғафур Ғуломнинг ўша машҳур шеърини ўқувчилик

даврида ёд олгандир, эҳтимол. Аммо бир ҳақиқатни унутмаслик керакки, ёзувчи мўйсафид ёшидаги момоларидан, боболаридан урушнинг даҳшатлари тўғрисидаги ҳикояларни эшитган ва юрак-юрагидан ҳис этган бўлиши аниқ. Чунки гарчанд “Уруш одамлари”да жанг майдонларидаги отишмалар, душман билан очикча олишувларга оид эпизодлар бўлмаса ҳам, ўқувчи уруш қолдирган асоратни сезиб, дил-дилдан ҳис қилиб туради. Чунки Назар Эшонқул уруш даври одамларининг изтиробларини, оилавий мажороларнинг келиб чиқишига айнан ўша бало-офат сабабчи бўлганини матноста таъкидлаб туради.

Қиссада тинчлик қадрига етиш, тинч-тотув яшаш, ҳаётни севиш, умрнинг бир зумда ўтиб кетиши ва бошқа инсоннинг ҳаёт-мамотига тааллуқли масалалар хусусида очик-яланғоч хитоблар йўқ. Аммо қиссанинг ўзига хос услуби моҳиятига сингдирилган Бойхун бобо номи билан боғлиқ бир ривоят борки, у айнан ёзувчининг бадиий мақсади моҳиятини акс эттиради.

Инсон ва унинг маънавий олами, инсон ва унинг фазилати ҳамда қусурлари тасвири, инсоннинг психологик кечинмалари ҳар доим эпик асар марказида туради. Инсон дунёсини бор-бўйича кўрсата олмаган, инсон образини бутун ҳаёт мураккабликлари билан тасвирламаган ҳар қандай асар нуқсонли саналади. Қизиқ мавзулар ёки шиддатли кечган воқеаларнинг ўзигина насрий асарнинг тўлақонли бўлишини таъминлай олмайди. Шу маънода “Уруш одамлари” қиссасида тирик одамларнинг реал қиёфалари, ожиз ва кучли қирралари тасвирланади. Айниқса, сюжет занжирининг барча ҳалқаларини боғлайдиган Нормат полвон, Анзират, Бийди момо, Мирзақул, Бухор полвон қиёфасини аниқ тасаввур қилиш мумкин.

“Уруш одамлари” қиссасида XX асрнинг 40-йилларида бўлиб ўтган, жуда кўплаб инсонларнинг ёстиғини қуритган иккинчи жаҳон уруши ҳақида гап кетса ҳам,

асар тагматнида умуман урушнинг инсон руҳиятига таъсири, жамиятда қолдирган салбий иллатлари ётади.

Назар Эшонқул тасвир баёнига киришар экан, асар қаҳрамони Анзират тилидан “... у дарёнинг икки бетидаги икки хил ҳаётни ҳис қилар, бири тер тўкиб йиғар, иккинчиси талаб кетар – назарида, нариги қирғоқ бахтсизлик келтирадиган қирғоқ эди”<sup>1</sup>, – деган сўзларни келтиради.

Келтирилган рамзлар ортига разм солсак, дарё – бу инсон умри, тириклик белгиси. Инсонда ҳамиша икки ҳис ўртасида кураш кетади. Бири эзгулик, иккинчиси ёвузлик. Иккисига ҳам тириклик белгиси дахлдор. Иккисида ҳам ҳаёт бор. Умри давомида инсон гоҳ у “қирғоқ”қа, гоҳ бу “қирғоқ”қа ўзини ташлайди. Иккисида ҳам ҳаёт лаззати бор. Фақат улардан биттасигина мангуликка дахлдор. У осонликча қўлга киритилмайди. Инсон эса табиатан осонига мойилроқ. Эзгуликнинг ёвузлик устидан ҳамиша ғалаба қилиши фақат эртаклардагина учрайди.

Ёзувчи инсонни ана шундай икки “қирғоқ” орасида имтиҳон қилади. Унинг ичида кечаётган тартибли, тартибсиз ҳаёлларни очиб ташлайди. Ўқувчини аждодлар замонига саёҳат қилдиради. Бойхун бобо тилидан: “Агар урушсиз юртни топмасаларинг, унда ака укага, дўст дўстга, хотин эрга, одамлар бир-бирига хиёнат қиладиган, бир-бирини алдайдиган бўлиб қоладилар, қаерда қон оқса, ўша ерда хиёнат кўп содир бўлади, бахт у ердан юз ўгиради, одамлар яшаш илмини эмас, бир-бирини ўлдириш илмини ўргана бошлайдилар, сув ўрнига қон ичадиган махлуққа айланадилар, Уруш – ер юзидаги ҳамма эзгу нарсани қуритади, сизларни ер юзидан супуриб ташлайди. Сизлар ҳаммаларинг жоҳил ва адашган уруш одамларига айланиб қоласизлар”, – деган улкан бир фалсафани илгари суради. Бу

---

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Уруш одамлари // Ялпиз ҳиди. – Т.: “Шарқ” НМАК, 2008. 3-112-б.

иктибосда, бизнингча, қиссанинг асосий мазмуни жо қилинган.

Қисса воқеалари тўрт мучаси соғ Нормат полвоннинг урушдан ногирон бўлиб, “урушнинг тирик гувоҳи”га айланиб уйга қайтиши билан бошланади. Ўқувчи бевосита асар руҳига сингишиб, ёзувчи маҳорати сабаб ўша одамлар даврасида ўтиргандай ҳис қилади. Чунки, “қайғуришаётганини билдириш учун юзларини буриштириб, қошларини ёзиб, ёқаларини ушлаб, яна қўйиб юбориб, лабларининг бир четидан “чўлп” этиб товуш чиқариб, ҳайратланган бўлишар” каби лавҳаларда асар воқеаси тасвирланаётган муҳит характерини турли томондан кўриш имконини беради. Бу ўринда асарнинг етакчи қаҳрамонларидан бири Нормат нигоҳи гўё объектив вазифасини ўтайди. Тўғрироғи, Н.Эшонқул бир қарашда содда, аммо моҳиятида ўта мураккаб ҳолатни – уруш даври қишлоқ кишиларининг психологиясини, ҳиссиётлари, ботиний ва зоҳирий оламларини Нормат нигоҳидан ўтказиб тасвирлайди.

Нормат полвон урушдан омон қайтганига шукроналар келтириб, қолган умрини хотинига, болаларига, шу одамларга яхшилик қилиб ўтказишни ният қилади. Хотини Анзиратнинг нозланиб, каклик гўштини егиси келганини эшитгандан сўнг: “...бу нарсаларни ҳеч нарсага алмашмайман”, – деган қатъий қарорга келади. Бироқ тўрт йиллик урушнинг кичкина бир қишлоқ ҳаётига етказган заҳар-заққумлари, изтироблари, уларни ҳис қилиш азоби ҳали олдинда эди. Асарнинг бадиий мақсади аста-секинлик билан очила боради. Воқеаларни бундай яширин тарзда берилиши ёзувчи томонидан қўлланган асарнинг тугуни бўлиб, кейинги ҳолатлар шу тугунни ечишдаги воқеалар билан боғланиб кетади. Ёзувчи бўлиб ўтган воқеалардан қаҳрамонни хабардор қилиш учун майда деталларгача аҳамият беради. Нормат полвоннинг хотини Анзиратнинг руҳиятида кечаётган ўзгаришлар, овқатланишдаги ўзини

тутиши, қилиб қўйган айбини оқлашга интилишлари, Норматнинг чўлоқлигию ўзининг шу ҳолатда унга мос эмаслигини хаёлидан ўтказишигача барча-барчаси қаламга олинади, психологик тасвир этилади. Матнда узилиш ҳоллари, ўқувчи ишонмайдиган тасвирлар кутатилмайди.

Ниҳоят, Нормат полвон манфур хиёнатдан хабар топади. Қаҳрамоннинг ички оламида кечаётган оғриқли-азобли, зиддиятли фикрларнинг ғужғон ўйнаши китобхонни ҳам ўзига шерик қилади. Нега шундай бўлди? – деган ҳақли савол ўқувчини ҳам, қаҳрамонни ҳам бирдай қийнайди. Нормат икки ўт орасида изтироб чекади. Бири тўрт йиллик уруш даҳшатлари, ундан омон қолиш, оиласи бағрига тезроқ қайтиш бўлган бўлса, иккинчи томондан, хотинининг хиёнати, ўзи тирик бўла туриб, фарзандларининг етим бўлиб қолаётганлиги азоб беради. У “Мени, аввало, урушга бор, деб алдашган, кейин урушда алдашган, хотинини йўлдан уриш учун уни урушга юборишган – урушда ишларини битказиш учун алдашган, уни ҳамма алдаган, кўрган ҳар бир киши алдаган, келган биринчи кунлариёқ алдашган, йўлларда алдашган, госпиталда алдашган, уни мана шу машъум воқеани кўрсатиш учун уйига қайтаришган, сўнг устидан кулиб юришган, уни ҳаммаша алдаб келишган...”, – деган хулосаларга келади. Бу нафақат Нормат учун, балки ҳар қандай инсон учун фожиали хулоса. Одам дунёда алданиб яшаётганини англаса, унинг учун бу ҳаётнинг хасчалик қиммати қолмайди. Бундай одам ҳамма нарсадан безади, ҳамма нарсага, ҳатто ўзига ҳам нафрат билан қарай бошлайди. Ёзувчи Нормат йўлиққан мана шундай мураккаб фожиавий вазиятни очиб бериш учун заҳирасида бор барча сўз ва ибора, тасвир, детал, ишораларни ишга солади. Бошқа персонажлар тилидан, характеридан унумли фойдаланади. Бу ўринда энг катта вазифани Анзират образига юклайди.

Урушнинг энг даҳшатли фожиаси қиссадаги Анзират образи орқали берилади. У етти ўғилнинг ичида вояга етган, ҳаёт қийинчиликларини кўрмаган, отасининг эрка қизи эди. Тақдир тақозоси билан Норматдай полвонга жуфти ҳалол бўлади. Нормат полвон билан тотув-иноқ икки фарзандни тарбиялаётган эди. Бироқ уруш унинг ҳаётини алғов-далғов қилиб ташлади. Норасида қизининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида шўро раиси Мирзақулнинг олдига боради, унинг макри қурбонига айланади. Яъни дарёнинг ўзи истамаган қирғоғига ўтиб қолади. Дарёнинг иккинчи қирғоғи инсонни тўғри йўлдан уришга аҳд қилган, шайтон уя қурган қирғоқ эди.

Адиб уруш одамларининг азоб-уқубатлари, фожиаси, уруш даври психологиясини ёритишда Анзират ички кечинмаларини шафқатсиз тарзда очиб ташлайди. Аммо бу борада нейтрал йўлдан боради. Анзиратнинг фожиасини бирёқлама тасвирлашдан қочади. Шу орқали инсон қалбининг ўта мураккаблигини ўқувчига англатади. Анзират гоҳида қилаётган гуноҳларини болаларининг ҳаётини сақлаб қолиш учун қиялман, деб ўзига таскин ҳам беради. Бироқ бу тазаррулар, оқлашларга ўзи ҳам чин дилдан ишонавермайди. Шунинг учун ёзувчи унинг ичида кечаётган, шууридаги иккинчи “мен”ини очишга ҳаракат қилади. У “...Мирзақулнинг суйиб эркалашини, соқоли олинмаган чакаги билан бўйнини қитиқлашини, уч йилдан бери эркак ҳидини кўрмаган сочларини эркак қўллари силашини... хуллас, эркакни, эркакнинг дағал қилиқларини, улардан келадиган ёқимли ва эҳтиросни қўзғайдиган ҳидни қўмсарди”, – каби тасвирларда инсон руҳиятининг қанчалик мураккаблиги, инсон ҳамиша ўз қилмишларини оқлашга мойил эканлигини билдиради.

Биз кўпинча бадий қаҳрамонларни таҳлил, талқин қилаётганда уларга қатъий ҳукм чиқаришга одатла-

ниб қолганмиз. Қайси биринидир алқаймиз, бошқасини қоралаймиз. Бироқ талқинчининг мақсади – ҳаёт ҳақиқати тўғри акс эттирилганми, бадиий эстетик таъмоиллар бузилмаганми, ўқувчи бу ҳодисаларга ишонадими, – каби саволларга жавоб топишдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда хиёнат кўчасига кириб қолган Анзиратга раҳмимиз келади, унга ачиниб кетамиз. Ҳатто бутун вужудини наҳс босган Мирзақулнинг ҳам Анзиратни чин кўнгилдан ёқтириб қолишига, “Анзиратнинг ёшли кўзлари, қатик ҳиди келадиган нам сочларини” соғинишига ва изтироб чекишига ишонамиз, унга инсон сифатида ачинамиз. Уларнинг қилғиликларига қандай ҳукм чиқаришга қийналамиз.

Хиёнатга қандай ҳукм чиқарилиши мумкин? Албатта, ҳар хил. Ҳар ким ўз миллий ўзанларидан келиб чиқиб, ҳукм ўқийди. Биз Маллавой қисматини эшитгандан кейин Нормат полвондаги уйга қайтиш фикрини нимагадир ҳазм қилолмаймиз. Лекин жуда-жуда хоҳлаймиз. Ёзувчи бу ерда ҳам ўз услубига содиқ қолади. Уларнинг учаласи ҳам ўлим топади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Норматнинг тирик қолиши унинг полвонлик шаънига номуносиб бўларди. Чунки у аждодларининг азалий анъаналарига қарши бора олмасди.

Умуман, ўзбек адабиётида уруш давридаги аёл хиёнати билан боғлиқ тасвирлар кўплаб учрайди. Мисол учун Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романидаги Раъно билан Умар закунчи, Исмоил Шомуродовнинг “Одамхўр” романидаги Ризвон билан Маннон раис ўртасидаги хиёнат Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари” қиссасидаги Мирзақул ва Анзират бошидан кечирган воқеаларга ўхшаб кетади. Бу эса уруш даври реал воқелигида бундай ҳолатлар ҳам учраб турганлигини билдиради.

Бироқ Анзират, Раъно ва Ризвон образлари орасига тенглик аломати қўйиш ҳам тўғри бўлмайди. Раъ-

но, Ризвон характерларидаги оғмачилик, сабрсизлик уларни хиёнат кўчасига бошлайди. Улар хиёнатга ўз хоҳишлари билан қадам қўяди. Шунинг учун уларнинг кейинги пушаймонлари, фожиага айланган ҳаётлари ўқувчини у қадар ларзага солмайди. Назар Эшонқулнинг маҳорати шундаки, у Анзиратнинг хиёнат кўчасига кириб қолишини мажбурийликдан эканлигини, ўзи хоҳламаган тарзда ботқоққа ботиш йўлларини табиий равишда тасвирлайди. Ёзувчи Анзират хиёнати орқали урушнинг инсонлар ҳаётига солган бор манзарасини кўрсатишга эришади.

Қиссадаги Бийди момо образи миллий ғурур тимсоли, аёлларимизнинг садоқат ва вафо рамзидир. У ҳар бир ҳаракатидан ўз уруғининг ҳимоячиси, шаънининг қўриқчиси сифатида намоён бўлади. Момо нафақат гапда, балки юриш-туришда ҳам ибрат кўрсатади.

Чуқурроқ разм солинса, Бийди момо Анзиратнинг тақдирига ачинган китобхонга огоҳлик тарзида кiritилгандай таассурот уйғотади. Инсон болалари ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда ўз шаънини йўқотмаслиги, дарёнинг қайси қирғоғида муқим қолиш одамнинг ўзига боғлиқлигини таъкидлаётгандай бўлади. Бийди момо ҳам ёшлигида бева қолиб, икки боласини ўзи катта қилган. Оғир меҳнат билан бели букилган. Аммо Бийди момо бировларга сир бермайди. “Ҳеч ким унинг нима учун бунчалик жонини жабборга бериб, куйиб-пишаётганини билмасди. Қўлини сўраб келган совчиларни бир хил жавоб билан қайтарарди: “Мени эрим талоқ қилмаган, ҳали ҳам унинг никоҳидаман”. Бийди момо ҳаёт мураккабликларини, ёш бева аёлнинг эҳтиросларини, изтиробларини фақат қаттиқ меҳнат билан енғади, шу билан ўзини овутади. Чунки қиссанависнинг “Англашилган ва содир бўлган гуноҳ иккинчи гуноҳнинг оstonасидир”, – деган ҳақиқатлари ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Анзират эса ҳаёт

мураккабликлари олдида ўзини тутолмайди, натижада, ҳаёти фожиали якун топади.

Асарда тил воситаларидан ҳам жуда усталик билан фойдаланилган. Айниқса, ташбеҳларнинг ишлатилиши қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини, миллий менталитетини ёритишда қўл келган. Кампирларнинг хурсандчилигини тасвирлаш учун қуйидагича ташбеҳ келтирилади: “Кампирларнинг ҳам сўлиб қолган тириш юзларидаги шўх ва қувноқ боқувчи кўзлари худди сўлиган отқулоқ баргига тушган икки томчи шудринг каби ялтирай бошлаганди”. Тасвирдаги “сўлиган отқулоқ баргига тушган икки томчи шудринг каби” бу вазиятда қаҳрамонлар ҳолатига айнан мос тушади. Чунки сўлишда азоб-изтироб, кўнгил зулмати, шудрингда эса ёруғлик, тонгнинг яқинлиги, янгиланиш ифодаси акс этади.

Нормат полвоннинг хотини каклик гўштини тусаб қолган, унинг кўнгли эса ҳалиям уруш даҳшатларидан фориғ бўлмаган. Ҳамманинг кўнглида кимнидир кутиш. Норматнинг кўнгли ҳам алағда. Одамларда мотам кайфияти. Бу ҳисси йўқотмаган адиб: “Норматга арчалар қора кийиб чўнқайиб ўтирган кампирларга ўхшаб кетди”, – деган ташбеҳни келтиради. Шу биргина ташбеҳ орқали бутун бошли қишлоқ аҳли, урушдан зада бўлган халқ кайфиятини беради.

Нормат полвон тоққа хотинининг гапи билан борган. Уйга қандай бўлмасин каклик отиб келиши керак. Бу унинг эркаклик, оталик бурчи. Тоғда унинг ёшликдаги хотиралари жонланади. Тўрт йиллик уруш даҳшатлари, омон қолиш учун жонини жабборга беришлар ортда қолган, сокинлик ҳолатидаги қаҳрамон руҳияти жуда моҳирлик билан тасвирланади ва қуйидагича ўхшатиш келтирилади: “Норматнинг юраги йўқотиб қўйган онасини бирдан кўриб қолган гўдакникидай безовта эди”.

Қиссада персонажлар нуткида қўлланилган варваризмлар ҳам жуда жонли, содда ва самимий кишиларнинг характерларини очишда жуда қўл келган. “...ҳе, ўл, қариб суюлмай, соқолинг остингда қолгур”, “Ҳа, жувонмарг тўқол, укангди ўйнатмай эрларингминан ўйнаяпсанми?”, “Ҳап, сеними, отангнинг илигига...”, – каби персонажлар нутқидаги шевага хос нутқ шакллари асарнинг янада жозибали чиқишига хизмат қилган.

Асарда қиёмига етмаган персонажлар, ўқувчини ишонтирмайдиган тасвирлар бор. Масалан, Нормат полвон ҳақидаги Мирзақулнинг фикри: “Агар Нормат ўша оркашлигида қолган бўлса, хотинидан ҳамма нарсани эшитади-да, бу ерга бостириб келади. Ундан соғ қутулиш қийин. Унинг авваллари ҳам сал қони суюқлиги бор эди, деб эшитардим”, – деган сўзлари асар тилидаги изчилликка соя солган. Аслида Мирзақул Нормат полвоннинг “қони суюқлиги”ни аввалдан эшитган. Унинг Анзиратга айтган: “Давлатнинг бедаси учун хотинингни солиқ қилиб берасанми, деганимда ўлдириб қўяёзганди, бошимни олиб қочмасам, бўйнимни узиб ташларди”, – деган гапи бунинг исботидир.

Умуман, қисса ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам инсон ўзлигини, ўз ғурури ва қадрини топталишлардан асраб қолиши, сабрсизлик ва шайтоний қирғоққа ўтиш инсон бошига чексиз кулфатлар келтириши ҳақидаги улкан ҳақиқатни бадий жаҳатдан асослайди. Қиссанинг маънавий-эстетик қиммати ҳам шунда.

## Муаззамнинг муаззам қўшиғи

Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ”<sup>1</sup> қиссаси миллий ўзлик, миллий кадриятларни сақлаш йўлидаги мураккаб конфликтлар, ички изтироблар тасвири асосига қурилган. Асарнинг қисқача сюжети қуйидагича: шаҳардан бир гуруҳ маданият ходимлари узоқ бир қишлоққа пахта йиғим-терими учун ҳашарга боришади. Шу пахтазор чеккасига тикланган қамиш чайлада яшаб, кун кечираётган, аммо ноёб овоз эгаси Муаззамни учратиб қолишади. Ёзувчи Шамси Салоҳ бу аёлни шаҳарга олиб бориб, овозини тарбиялашни маслаҳат беради. Муаззам ва унинг эри Отақул, табиийки, бир муҳитга – қишлоққа ва унинг кенг далаларига ўрганган одамлар. Улар ҳаёт мазмунини она тупроғисиз тасаввур қила олмайди. Қишлоққа боғланиб қолишни Шамси Салоҳ маданиятсизлик санайди. Охир-оқибат, Шамси Салоҳнинг енгил-елпи, олифтанамо қарашларидан Муаззам билан Отақулнинг содда ва самимий туйғулари устун келади.

Қиссадаги шаҳарлик ҳашарчилар ўзбекнинг турмуш тарзига миллий мезонлар орқали эмас, Европада тамойиллар асосида қарайдилар. Уларнинг наздида оддий урф-одатлар “қолоқлик” белгиси сифатида баҳоланади. Ёзувчи китобхонни асар руҳига киритиш учун шундай тасвир чизадики, бевосита ўқувчида ўша одамлар даврасида бўлгандек, уларни шундоқ кузатиб тургандек таассурот пайдо бўлади. Ҳашарчилар “... гўё ўзлари бу сокин чўл қўйнига шаҳарнинг сершовқин ва бетартиб ҳаётини ҳам бирга олиб келгандай эдилар – шийпон теvaraги ингичка, йўғон, ширали, ширасиз, нозли, ишвадор, хирилдоқ, совуқ, хиринглаган, чариллаган, йиғламсираган, кулинқираган, босинқираган, ҳадиксираган, чўчинқираган турли овозларга тўлди”.

---

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Момоқўшиқ // Ялпиз ҳиди. – Т.: “Шарқ” НМАК, 2008. 113-162-б.

Тасвирда келтирилган овозлар воситасида ҳашарга келган юзга яқин инсонларнинг руҳиятини, хатти-ҳаракатларини бемалол кинода кўргандек тасаввур этиш мумкин. Ёзувчи гуруҳ одамлари табиатига хос “турли овозлар”ни ўз индивидул услубига хос бемалолликка асосланиб “ингичка, йўғон, ширали, ширасиз, нозли, ишвадор, хирилдоқ, совук, ҳиринглаган, чириллаган, йиғламсираган, кулинқираган, бисинқираган, ҳадиксираган, чўчинқираган” каби ўн бешта сифат билан беради. Бу овозлар пахта яккаҳокимлиги даврида мажбуран ҳашарга оммавий жалб қилинган одамларнинг табиатини ана шу сифатлар орқали тасаввур қилиш имконини беради. Дейлик, “ингичка, нозли, ишвали, ҳадиксираган” каби овозларни аёл жинсига, “йўғон, хирилдоқ” овозни эркакларга “кулинқираган” сифати бир оз муғомбир кимсага, “йиғламсираган” сифати ҳаётдан нолийверадиған кишига тааллуқли эканини ажратиб олиш қийин эмас.

Асарнинг бош қаҳрамони Москвада таълим олган, учта китоб чиқариб, ўқувчилар орасида “ёзувчи” бўлиб танилган, европача маданиятни жуда яхши ўзлаштирган, “ҳаётни янаям яқиндан ўрганиш” мақсадида ҳашарчиларга қўшилиб пахта далаларига келган Шамси Салоҳдир. У шу юрт фарзанди сифатида халқ ҳаётини ўрганишни, асарларида тасвирлашни чин кўнгилдан хоҳлайди. Бироқ унинг қалбига табиат, пахта далалари, у ердаги деҳқонлар ҳаёт тарзи заррача илҳом бермайди. У “...ичида бу манзарага нисбатан ҳеч қандай ҳис уйғонмаганига, нимадир тошдай бўлиб бўғзига тикилиб турганига, юраги бирдан бу нарсалар ўзига алоқаси йўқдай “ухлаб қолганига” ҳайрон қолади.

Чунки миллийлик туйғуси, миллат қайғуси қадриятларни ич-ичдан англашни, тупроқ, ҳаво, сувнинг тафтини сезишни талаб этадиган омилдир. Бундай ҳиссиётлардан маҳрум бўлган инсон қалби тошга айланади, кўнгилда нафс қутқуси бош кўтаради. Қадриятларни

тўла идрок қилиш учун аввало ўша туйғу миллийлик мезонидан батамом тўйинган бўлиши керак. Шамси Салоҳ ва унинг атрофидаги зиёлилар руҳида кечаётган совуқлик, бепарволик, беписандликни ёзувчи “ўзлик”дан узоқлашганликда – “бегоналик”да кўради. Қисса ичидаги ҳаёт контраст икки томонга ажралади. Бири ер одамлари, эл одамлари, иккинчи тоифаси ўз тупрогига ўзи бегона, аммо ўзгалар маданиятини чуқур ўрганиб олган, миллий маданиятдан узоқлашган одамлардир.

Ёзувчининг мақсади ҳам шу тоифа инсонлар характери кўрсатиш эди. Адибнинг “Қора китоб” қиссидаги муаллимнинг мусаввир ва мусиқачи ўғиллари характерида ҳам шу каби заминдан узилиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Ш.Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар” қиссасининг марказий образларидан бири Назоратчи ҳам айнан ўзлигидан, ўз миллий илдизларидан узилган кимсадир.

Назар Эшонқулнинг маҳорати шундаки, “Момоқўшиқ”да ўз элида ўзини бегона санайдиган кимсаларга таъсир этадиган муҳим бир воситани, яъни “қўшиқ” деталини асарга киритади, бутун сюжет воқелигини шу асосга қуради. Шамси Салоҳни кенг майдонга боғлаб турадиган “қўшиқ” қиссада асосий мотивга айланади. Аслида ҳар қандай инсонни ҳам она алласи, гўдаклигида қулоғига айтилган азон, ота-онанинг меҳрга тўла эркалашлари, биринчи талаффуз қилинган калом хушёр торттиради. Буларнинг барчаси гоҳ-гоҳида ўзликка қайтишга, хира тортган кўнгилларда исён қилиб, ўз мавжудлигини билдиришга эришади. Асарда ўзларини маданиятли ва зиёли деб ҳисобловчи кишилар миллийликнинг бош мезони ҳисобланувчи қўшиқ олдида “тонг қотиб” қолишади. “Қўшиқ хаёлни тортқилаб-тортқилаб олис-олисларга, хаёлот, орзу, самимият ва мўъжизалар гуллаб ётган болалик адирлари томон олиб қочарди. У хасис дунёнинг қўйнидан бу гўзал оҳанглари парча-парча қилиб қўпориб олаётгандай

ва жароҳатлар бижғиб ётган қалбларга малҳам қилиб босаётгандай эди”.

Тасвирда келтирилган “болалик адирлари” жумласига ҳам жуда чуқур маъно юкланган. Ҳар қандай руҳ, ғурур ва тарбиянинг дебочаси ёшлиқдан бошланади. “Болалик адирлари” улкан тоғлар каби ҳайбатли ва кўз илғамасдир. Ёшлиқда сингдирилган ва қон билан киритилган қадриятлар қатағонларга учрашидан қатъи назар булоқдай кўз очаверади. Инсон унга талпинаверади. Ана шу туйғудан маҳрум бўлиш кўнгилдаги бўшлиқни катталаштиради, ҳиссизликни кучайтиради. Шунинг учун “...ота-боболардан мерос қолган, қувгин қилинган, қатл этилган, ёқиб юборилган, лекин охир оқибатда зулмлардан, қатллардан яна тирилаверган, яна ҳам гўзаллашган... қўшиқ”, турли сиёсатлар, ғоялар натижасида кўнгилларида бефарқлик пайдо бўлган “тўртта ҳашарчи”ни ҳайратга солади. Аслида ёзувчи қўллаган “ҳашарчи” сўзи ҳам рамзий бир маънони ўз зиммасига олади. Асл одамлар ва ҳашарчилар, миллий ўзлигини англаган ва ўзликдан узоқлашганлар. Назар Эшонқул услубининг энг муҳим қирраларидан бири ҳам шуки, у сўзларга диққат қаратади, ҳатто исмларга маъно юклайди. Шамси Салоҳ – анча баландпарвоз таҳаллус. Муаззам исмида луғавий маънога муносиб бўлган улуғворлик мужассам. Отақул исмини ҳам ёзувчи бежизга танламаган. Отақул табиатида ор-номус, ўжарлик, ғурур аралаш бир оз “қуллик” ҳам сезилади.

Ёзувчи “ҳашарчи”ларнинг ҳувиллаган маънавий оламини гўзалликка тўлдирган қўшиқни мароқ билан тасвирлайди. “Момоқўшиқ”ни ўқиш жараёнида азалий, қадимий, момолар айтган қўшиқнинг садоси эшитилиб туради. Қўшиқ – миллатни миллат сифатида танитувчи, аждодлари томонидан ёқилган маёқларни авлодларга етказувчи қудратли кўприк.

Адиб воқеалар баёнига киришар экан, гўё насрий баён усулидан чекиниб, назмий тасаввурга эрк берган-

дек таассурот қолдиради. Ўқувчи тасвирни ўқимайди, балки қўшиқ тинглаётгандай, ўзи ҳам шу куйга мафтун бўлиб, жўр бўлаётгандай сезади. Хаёллар асрлар қаърига бошлайди, макон ва замон деб аталмиш фалсафий қарашлар хаёлот оламида парчаланади. "...О, сен момоқўшиқ! Қалбимнинг муқаддас қўшиғи. ...О, ўлмас қўшиқ кемаси! Суз, сузавер! Ул олис диёрлардан менга томон сузиб кел, менинг юрагимга лангар ташла! Мен сени асрлар, йиллар оша кутдим. Ул момо юртлардан мени излаб келишингни билардим".

Ижодкорнинг нажот излаб ёлборишларию гиналари куйга айланиб кўнгилларга сингийверади. "Сени кўриб одамлар ҳали дунёда гўзаллик мавжуд эканлигига ишонсинлар, сени кутиб олиш учун юракларининг қирғоқларига чиқсинлар...", – дея кўнгилларга таскин беради.

Қўшиқ таъсирида Шамси Салоҳнинг хаёллари паршон тортади. Қалбининг туб-тубида ғалаёнлар бошланади, "бўғзида тошдай нарса тикилиб" йиглагиси, фарёд ургиси келади. Қўшиқ "... унинг қалбида нафис ташбихлар остида кўмилиб қолган унут хотираларини юзага чиқаради". Лекин аллақандай заҳарланиб, бегонасираб қолган кўнгил эгаси бир зум ўзлигига қайтади, аммо яна қайтадан сунъий либосини кийиб олади. Ҳозиргина кўнгилларни сел қилиб, қўшиқ куйлаган қизнинг "товуқ қувлаб юришига ажабланади".

Қаҳрамон руҳиятида кечаётган ички зиддиятлар табиат тасвири билан уйғунлашади. Ўзлигига қайтишга уринаётган кўнгил нолалари "қандайдир дард ва оғриқ билан тўлғониб ётган бу заминни тинлагиси" келади.

Асардаги Муаззам – миллий қадриятларни ўзида тўла жамулжам этган образ. У ўта содда, меҳнаткаш, оила шаъни ва болаларини ўз манфаатларидан юқори қўяди. Шунинг баробарида жуда ишонувчан. Соддалигидан Шамси Салоҳнинг баднафслик ортидан айтилган ҳавойи гапларига, чўпчакларига ишона бошлайди.

Лекин тезда Муаззамдаги муаззам туйғу, инсоний садоқат ва собитлик ҳислари ўткинчи ҳаёлларни енгиб чиқади. Шамси Салоҳнинг: “Бизнинг халқимизнинг, анави қишлоқдошларингизнинг фожиаси шуки, улар бахт билан бахтсизликни фарқлай олмайди; уларнинг кўзи кўр, қулоғи қар; улар ожиз, муте, заиф одамлар”, – деган гапларига аёл киши учун оила, фарзанд, эр олдидаги масъулият бирламчи эканлигини айтади. “Сизга бир нарсани фарқига бормайдиган, фаросатсиз бўлиб кўринган эрим ҳеч қачон, мен майиб бўлиб қолсам ҳам ташлаб кетмайди. Аёл киши учун шунинг ўзи бахт эмасми?! ...Менинг илдизим шу ерда, шу одамлар орасида. Мен бошқа жойда кўкармаيمان”, – деб содда, лекин мантиқли жавоб қайтаради.

Ёзувчининг асл ғоявий мақсади ана шундай эпизодларда очила боради. Муаззам характерининг энг муҳим қирраларидан бирини ёрқин ифода қилади. Аслида: “Ёзувчи танлаган ҳар бир эпизод, ҳар бир воқеа, унинг катта ва кичиклигидан қатъи назар, шу воқеада бевосита ёки билвосита иштирок этадиган характернинг бир томонини очиб беришга хизмат қилиши керак”<sup>1</sup>.

Назар Эшонқулнинг аксарият асарларида миллийликни сақлаш, миллатимизга хос бўлган ғурур ва инсонийлик тамойиллари қаламга олинади. Айниқса, аёллар образининг психологик негизини чуқур асослайди. Аёл зотига эҳтиромини, аёл зотининг маҳобатини, садоқати ва эътиқодини, агар ташбеҳ лозим бўлса, айтиш мумкинки, ёзувчи ўз асарлари орқали улуғвор бир куйга солиб, бор овози билан қўшиқ қилиб айтади. “Момоқўшиқ”даги Муаззам ҳам Байна момо (“Шамолни тутиб бўлмайди”), Бийди момо (“Уруш одамлари”) каби ўз эътиқодига содиқ қолган образ. Айнан ўша куч-қудрати, теран фикри, улуғвор маънавий олами билан ўқувчини тўлқинлантириб юборади. Шамси Са-

---

<sup>1</sup> Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1978. 233-6.

лоҳ Муаззам масаласида хато қилади. Умидлари пучга чиққан қаҳрамон “ёзувчи”: “Бу аёлни эридан, туғилганидан бери яшаб келаётган, жоҳиллиги-ю қолоқлиги билан бирга қадрдон бўлиб қолган одамлардан, ҳатто бир кесагигача оёғининг ҳиди ўрнашиб кетган бу дала-лардан нимага ишониб ажратиб олмоқчи” бўлганини ўйлаб қолади.

Ижодкор учун Муаззам бир восита. У Муаззам (сўзнинг турдош от сифатидаги маъносига яна бир бор эътибор беринг) орқали миллий қадриятларни кўради. Уни поймол қилмай асраб қолганидан шодланади. Уни забун қилмоқчи бўлган, ўзга ўзанларга бурмоқни истаган Шамси Салоҳнинг устига қарғанинг “нажас”и тушганлигидан севинади. Қарғанинг Шамси Салоҳга қарата “Хўш, қалайсан, оғайни?” – дейиши, гўё муаллиф қалбидан чиқаётган шодлик ҳайқиригидек туюлади.

Назар Эшонқул ижодидан бохабар, Нормат полвон, Райим полвон, Бухор чавандоз каби образларга ошно бўлган китобхон, бригадир Отақул образининг сустлигидан, ўртада гап хотини устида кетаётган ҳолатларда ҳам сукут сақлашидан бироз ранжийди. Унинг “зиёли”лигидан ўпкаланади. Отақул Шамси Салоҳ билан учрашганда ўзини нисбатан сипо тутати, аниқроғи, ўзини тийиб туради. Унда негадир жасорат, ўзи англаб турган ҳақиқатни шартта айтиш каби фазилатлар етишмайди. Кўнглидаги гапини ҳам хат воситасида айтади. Гўё Отақул “зиёлинома” кишига “зиёли”часига муомала қилади: “Сиз ҳали бу халқни билмас экансиз. У ҳомийликка муҳтож эмас... У сизнинг мурувватингизсиз ҳам буюқдир...” Гарчанд бу фикр-мулоҳазада бир оз китобийлик, баландпарвозлик, сунъийлик бўлса-да, Отақул “мен”ининг, ўзлигининг қайсидир қиррасини акс эттиради.

“Момоқўшиқ”да кўтарилган муаммолар бир қарашда жўндек туюлса-да, аслида халқнинг халқ бўли-

ши, аждодлардан давом этиб келаётган қадриятларнинг йўқолиши, инқирозга юз буриши мана шундай оддийликдан бошланишини уқтирувчи огоҳлик белгисидир. “Момоқўшиқ”да фазилатлар кўп. Энг муҳими ёзувчининг эстетик идеали юксалиб бориш йўлидаги, ўзига хос фалсафий услубининг мукаммаллашиш жараёнидаги бир босқич ҳамдир.

## **Тавба-тазаррунинг бадиий талқини**

Кейинги йилларда яратилаётган бадиий асарларда инсон ички дунёсини ёритишга интилиш кучайиб бораётганини сезиш мумкин. Китобхон ўрганиб қолган анъанавий ёзиш услубидан бошқача асрларга “модернистик” сифатининг берилиши ҳам бунинг ёрқин исботидир. Инсон дунёқарашининг шаклланиши жамият ва сиёсатнинг маҳсули эмас, балки улардан ҳам устун турувчи ўзгача бир олам эканини тан олиш анъанага айланиб бормоқда.

Инсоният тарихидаги инсон эрки билан боғлиқ ўзгаришлар даставвал санъат асарларида намоён бўлади. Истиқлол шарофати билан бошланган Янгиланишлар ўзбек бадиий адабиётида ҳам юз оча бошлади. Бу ҳолат айниқса анъанавий услубда, воқеликни янгича бадиий талқин этишда, шу билан бирга, шаклий ўзгаришларда ҳам кўзга ташланади.

Инсон руҳий оламига янгича қараб, ўзгача бадиий талқин этиш жараёнлари М.Муҳаммад Дўст, О.Отахонов, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Мурод ижодида анча илгари бошланди. Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамро, Улуғбек Ҳамдам каби ёш носирлар ижодида бу тамойил давом этди ва етакчи услубга айланди.

Н.Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам”<sup>1</sup> тўпламига кирган ҳикоя қиссалар биз юқорида эслатиб

---

<sup>1</sup> Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам. - Т.: Янги аср авлоди, 2004.

ўтган йўналишнинг оригинал намуналари бўлди. Бу асарлар бадий адабиётда янгича тафаккур юритиш, инсон изтиробларини тасвирлаши билан характерланади.

Н.Эшонқулнинг “Қора китоб” қиссасида воқеа-ҳодисалар, ҳис-туйғулар, файласуфона фикр-мулоҳазалар ва руҳий кечинмалар биринчи шахс тилидан баён қилинади. “Қора китоб” – инсонга абадул-абад ҳамроҳ бўлган ва то қиёматга қадар Одамни (Одам Атодан бошланган) тўғри йўлдан оздиришга онт ичган Шайтоннинг найранглари ҳақида. “Қора китоб” шайтон қутқусини ўз ҳаётига дастуруламал этиб олган ва уни ўз фарзандлари тарбиясига ҳам сингдирган ва алалоқибат ўз хатосини илғаб етган кишининг бошидан кечирганлари ҳақидаги асардир.

Қисса моҳият эътибори билан етмиш ёшга чиқиб, ўзлигини, ўз қилмиши ва ҳаётидаги мавқеини англаб олган кишининг тазаррусини эслатади. Қаҳрамон турмушнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини, яхши-ёмонини кўрган инсон сифатида келган хулосалари ўта тушкун руҳда. Унингча, “одамзоддан умид қиладиган нарсанинг ҳаммаси ўлган. Ҳаммаси ҳалок бўлган”. Ҳамма нарса бой берилган, барбод бўлган. “Энди буни ҳеч нарса қутқара олмайди. На гўзаллик, на ишонч, на эзгулик”.

Фаровон ҳаётга ишонч, эзгулик, яхшилик, умидворлик каби тушунчалардан бир йўла кўнгли совиган қаҳрамон инсониятнинг бугунги ҳоли, туриш-турмуши, атроф-муҳитда ёруғликдан нишона йўқлиги, ноллойиқ тарбия оқибатида хулқи ёмон фарзандларнинг иояга етгани, айниқса, ўзи, ўзининг қилмишлари ва индивидуал “мен”и хусусида тинимсиз фикрлайди. У ўзининг 42 йиллик онгли фаолияти ҳақида мулоҳаза юритиб: “Мен инсоннинг улуғлиги, эзгу ва гўзал фазилатлари, ота ва фарзанд бурчи, оили тотувлиги, жамият ва инсон муносабати, ахлоқ ва муҳаббат ҳақида 42 йил

маъруза ўқидим, энди ўйласам, 42 йил одамларни алдабман”, – дея иқрор этади.

Унинг маърузалари дастлаб кўтаринки кайфиятда бўлган, жуда кўп талабаларни ўзига ром этган. Аммо умрининг маълум бир бекатига етгач, (30 йилдан сўнг) ҳамма нарса саробга айланган. Гўзаллик, комиллик ва эзгулик тушунчаларининг ўрнини ёвузлик ва ваҳшийликка оид қарашлар эгаллаган. Қаҳрамон шундай хулосага келади: “Инсон – ёвузлик ижодкори. Инсон ёвузликни улуғ санъат асари даражасига кўтарувчи бирдан-бир жонзот... гўзал нарсаларнинг ҳаммаси ҳалокатдир. Ҳар қандай гўзаллик ортида ваҳшийлик яширинган бўлади, гўзаллик ваҳшийликнинг ювош кўринишидир”.

Бир-бирига мутаносиб бўлмаган нарсаларнинг жамланиши ва бир-бирининг мантиқий давоми сифатида берилиши, қаҳрамоннинг фавқулодда теран фикрлари унинг ички дунёсида кечаётган жараён ифодаси китобхонни беихтиёр ҳушёр торттиради. Бу ғаройиб инсонда, ўз касбини севган ва мароқли маърузалар ўқиган муаллимда, ўз қизини ўлдириб, қотилга айланган отада бундай бир қарашда пурҳикмат бўлиб кўриган фикрлар қаердан пайдо бўлди? Етмишга чиққан ҳар бир киши шундай хулосаларга келадими? Ҳамма ҳам ҳаёти поёнига етгач, ўзининг ўтган умрига шу тарзда тупурадими? Бу барча инсонларга хос хусусиятми?

Эҳтимол, бу тарзда қўйилган саволлар ўринлидир. Аммо қиссага ва бугунги адабиётга бундай ёндашув, бундай талаб ноўриндир. Чунки бугунги адабиёт инсоннинг нуқсон (биргина инсон эмас, омма, оломон) ва фазилатларини ўзида мужассам этган муайян типлардан ташқари, ёлғиз бир инсон умрига хос алоҳидаликни ҳам, ёлғиз бир инсон руҳиятига хос емирилишларни тасвир этишга ҳақлидир. Биз бадиий адабиётнинг ташқи омилларига урғу беришга, асар мазмунини қайта сўзлашга ўрганиб қолганмиз. Агар асарнинг ички

қатламларига, рамзлар ортига яширинган маъноларга жиддий эътибор берилса, чегара ва қолиплар парчала-нади.

Инсон ҳаётида шундай лаҳзалар бўладики, у муай-ян фикрлар мажмуасини ўз турмуш тарзи учун дастур қилиб олади, уни энг тўғри ва ўзгармас ҳақиқат ўрни-да қабул этади. Илоҳий дастурларни назарига илмаган, борлиғида фақат ақл ҳукмронлик этган инсон томони-дан ёзилган шайтоний китобга ёки шайтон иншо қил-ган қора китобга мафтун бўлган кишининг умр лаҳза-лари, кунлари, борингки, умрининг охири пушаймон-ликдир. Пушаймонлик, афсус-надомат, тавба-тазарру ҳар вақт нисбатан юксакроқ, олийроқ қадрият қарши-сида туғилади; қандайдир ҳақиқатни теранроқ англаш, умр мазмунини (ёки мазмунсизлигини) ҳис этиш оқи-батида юзага келади.

“Қора китоб” қиссасидаги қаҳрамон (яъни қиссагўй) ўз умр дафтарини варақлай туриб: “Мен улуғ гуноҳкор-ман”, – дейди.

Ёзувчи бу эътироф баёнига киришар экан, қаҳра-моннинг ўтмишига назар солади. “Ёшлиқда бир китоб ўқиганман, кейин умр бўйи шу китобнинг таъсири-да яшадим. Бу китоб умримни бошқарди. У мен учун муқаддас китоб бўлиб қолди. Фожиаларнинг боши ана шу китобда... Ҳаётда ниманики яратган бўлсам, шу ки-тоб таъсирида яратдим. Шу китоб ҳукмида ҳукм қил-дим. Болаларимни ҳам шу китоб билан тарбия қилдим, уларнинг ҳам қалбига сингдирдим бу китобни, сўз-ма-сўз, сатрма-сатр ёд олдирдим. Умримни китоб кў-лига худди товада куйдирилган пиёздек қовуриб бер-дим”.

Бу китоб ёшлиқ кўчасида унга рўбарў келган чўққи соқол Иблиснинг шайтоний китоби эди. Зотан, Чўққи соқол унга даҳо бўлиб кўринган, унинг овози, сўзлаш ва яшаш тарзига йигит мафтун бўлган. Шу китоб унинг умр мазмунига айланган, шу китоб уни охир-оқибат

расво қилган. Ҳар қандай воқеа-ҳодисага шу китоб мезони билан ёндашган.

Қиссагўй бир ўринда: “Таксир, мен ўқиган ва умримни бахшида қилган инсоният тарихи ожиз ва кучлиларга, хўрлашга лойиқ ва хўрланишга лойиқларга, эзувчи ва эзилувчиларга, қуллар ва хожаларга, қўй ва бўриларга бўлинади”, – деган фикрни айтадики, жамият тарихини бу тарзда таснифлаш яқин ўтмишда айнан бизнинг жамиятда юз берганлиги беихтиёр ҳаёлга келади. Муаллифнинг қайси давр кишиси экани сезилиб туради.

Н.Эшонқул ўз услубига кўра маълум бир жойга атайин урғу бермайди. Натижада, “Қора китоб”нинг саҳифалари ортади. Асар қаҳрамони ўй-ҳаёлидаги ҳар қандай фалсафа ва ҳодиса сингдириб берилади; аниқроғи, қиссагўйнинг ҳикояти муаллифнинг тасаввур қувватига мувофиқ равишда товланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳеч қачон асар қаҳрамони билан муаллиф орасига тенглик белгисини қўйиш тўғри эмас. Чунки “Ёзувчи ҳолати билан ижоди орасида узвий боғлиқлик бор. Ёзувчи яшаган муҳит, сиёсий мафкуравий иқлим, ҳукмдорлар номи-қилмиши бора-бора унутилади. Аммо ёзувчи яратган санъат асари яшайверади. Мана шу асар қатларида ёзувчи руҳи-ҳолати ўзини ҳамиша намоён этиб туради...”<sup>1</sup>

Бадиий асар биринчи шахс тилидан баён қилинганда қиссагўй қаҳрамон ва муаллиф муаммоси пайдо бўлиши мумкин. Муаллифнинг асл дунёсини, асл мақсад-ғоясини англаш ҳам нисбатан мушкуллашади. Тадқиқотчи бунда ровийнинг ҳар қандай фикрини, ҳукми ёки ҳулосасини тўғридан-тўғри муаллиф устига юклаб қўйса, муаллиф қараши тарзида таҳлил этса, адашган бўлади.

Инсониятни эзгулик сари етакламоқчи бўлган, ин-

---

<sup>1</sup> Расулов А. Илми ғарибани кўмсаб... – Т.: Маънавият, 1998, 27–бет.

сон қалбига эзгулик ва яхшилик уругини экишга интиланган ҳар қандай ҳаракатда шон-шухрат, худбинлик уруғи бўлиши мумкин. Худбинлик, доимо биринчи бўлишга интилиш бу – инсоният табиатига хос хусусият. Қиссагўй бу хусусиятни ўзида, фарзандларида, Иблисда кўради.

Хуллас, иблисона “дастурлар” воситасида авлодини тарбиялаган жамият хароб бўлади. Назар Эшонқулнинг “Қора китоб” қиссасида баён қилинган воқелик тасвири шундай ҳулосалар чиқариш учун асос беради.

### **Тун қаъридан ёруғлик излаб**

Бадий адабиётдаги ижодий изланишлар анъанавий образларнинг моҳиятини вақт ўтиши билан ўзгаришини ҳам кўрсатади. Қора ранг, тун фақатгина ёвузлик ёки жаҳолат рангларигина эмас, балки эзгуликни қадрлаш, инсон ҳаётидаги ойдин кунларни эъзозлаш маъноларида ҳам келиши мумкин. Назар Эшонқул услубида ранг билан боғлиқ рамзлар муҳим рол ўйнайди. Қора ранг ёзувчи асарларининг сарлавҳаларига ҳам чиққан: “Зулмат салтанатига саёҳат”, “Қора китоб”, “Тун панжаралари”. Қора ранг, тун билан боғлиқ метафоралар бу асарларда етакчилик қилади. Шу маънода Н. Эшонқулнинг “Тун панжаралари” қиссасидаги тун тасвирларида рамзий мажозий маънолари бўртиб туради. Қисса қаҳрамони тун қўйнидан ёруғлик излайди.

Қиссагўй – ровий маърифатли одам. У илмий тадқиқот ёзаётган киши, журналда ишлаётган зиёли кимса. Шунинг учун ўзбек адабиёти, жаҳон санъати ва адабиёти тарихи билан ҳам яхши таниш. Ровий дунё санъатидаги қора ранглар билан манзаралар чизадиган санъаткорларни ҳам яхши билади. “Тун панжаралари” қиссасининг бир саҳифасида фақат тун манзараларини чизган ҳолланд мусаввири Герард Гонтраст номини келтириб ўтади: “Қиш ва баҳор пайтлари Герард Гон-

трастнинг расмларига ўхшаб сирли ва бир оз кўрқинчли туюлади. Тун қаърига тикилиб қарасанг, қип-қизил ёғду оқиб ётгандай бўлади. Бироқ Герард Гонтраст тунда машъалани кўрган. Машъалани кўрган киши эртаси нима бўлишини тасаввур қила олади”. Асар қаҳрамони тун бағридаги ёруғликни англайди. Аммо тун панжараларига қараб турган қаҳрамон табиатида мувозанатдан чиққан ҳолатлар ҳукмронлик қилади. Қаҳрамон маълум бир фикр атрофида ўралашиб қолмайди. У ўз ҳаёлида, ботинида кечаётган рухий аҳволдан ҳикоя қилади. Шунинг учун қисса услубий-композицион жиҳатдан тарқоқдек таассурот беради. Аммо онг оқими, қаҳрамоннинг онг остида кечаётган психологик ҳолати асарга бутунлик бағишлайди. Қаҳрамоннинг ўтмишида, ҳаёлининг бир бурчакларида қолиб кетган Робия исмли бир муҳаббат рамзи бор. Робия – қаҳрамоннинг болалик хотираларини қайта тиклаш воситаси. Ҳосила эса, унинг ҳаётида топган яна бир муҳаббати. Бу образ қаҳрамоннинг айна пайтдаги ҳаётини маромга солиб туради.

Қиссага Алишер Навоийнинг “Бошимга, кўрки, не тун келтурибсен...” мисралари эпиграф қилиб олинган. Бу бир жиҳатдан асарнинг биринчи муҳаббат фожиаси эканига далолат қилади. Ҳаёт сўқмоқлари аро адаша-адаша маълум бир манзилга келган қаҳрамон ортига нигоҳ ташлайди. Англайдики, у етиб келган манзилга қадар ортидаги ягона чироқ ёритиб турибди. Бу ўша – биринчи муҳаббат аталган чироқ. Қаҳрамон кайфияти, ўй-фикрлари, ҳатто ифода оҳангидаги трагик пафос ҳам айнан мана шундан келиб чиқади. Қаҳрамоннинг ортга қараб ягона ҳақиқатни англаши унинг фикрчан, улғувор инсонлигидан далолат беради. Лекин босиб ўтилган йўлни, вақтни орқага қайтариш мумкин эмас. Фожа шунда. Асардаги тун ва у билан боғлиқ тасвирларни кузатар эканмиз беихтиёр савол туғилади: нега ижодкор тунга мурожаат қияпти. Бизнингча, бу ўрин-

да саволга жавоб топиш учун тун билан боғлиқ рамзларга эътибор қаратиш лозим.

“Тун гулзори ҳам бир-бир очила бошлади. Афтидан, тун ўзининг улуғворлиги ва гўзаллигини билса керак – мен мана шундай оқшомлари кимнидир интиқ бўлиб кутаман.

Тун шоҳона либосда аста-секин ҳамма нарсани ўз измига бўйсундирмоқда.

Тун хушбўй сиёҳранг атиргулга ўхшайди. Бу гулни ким узиб кўк қўйнига қўйиб кетди экан, мен билмайман”.

Тасвирдаги тун тасвири, “туннинг улуғворлигию гўзаллиги” ҳақидаги, “тун гулзори бир-бир очила бошлади” каби тасвирларнинг маъноларини англаш учун чуқур тасаввур ва мушоҳадага берилмай туриб, ёзувчининг ниятини, рамзлар ортидаги маънони англаш қийин. Ёзувчининг ўзи айтганидек: “Туннинг кун каби, куннинг тун каби чексизлиги бу жараёндаги эврилишларнинг бепоёнлиги ва абадийлигини кўрсатади”. Инсон ҳамиша ёруғ хаёллар оламида яшаса, секин-аста нурнинг моҳиятини унута боради. Унутиш, хотиранинг йўқолиши инсонни турли кўргиликларга олиб келади. Шунинг учун ҳам дунё адабиётида тан олинган даҳолар ёвузлик орқали эзгуликни, зулматдан ёруғликни, нафратдан шафқатни, чиркинликдан тирикликни, уфунатдан ифорни ёритишга ҳаракат қилади. Бир қарашда “Тун гулзори ҳам бир-бир очила бошлади”, – деган гапнинг қўлланиши ўринсиз, дай туюлади. Чунки гулзор эмас, гул очилади, одатда. Лекин дастлаб қоронғиликка қарасангиз, кўзингиз ҳеч нарсани кўрмайди. Озгина диққат билан тикилсангиз секин аста тун қўйнидаги нарсалар кўрина бошлайди ва ана шу нарсалар бир-бир очила бошлаётган тун гулзорига ўхшатилади. Аслида ҳам очликдан кейин тўқликнинг, ҳижрон азобидан кейин муҳаббатнинг, қариликда ёшликнинг қадри ошганидек, зимистонда кўрина бошлаган нарсанинг

ҳам завқи гулзорда очила бошлаган гулларни эсга солади. Самода чакнаган юлдузлар ҳам бирданига эмас, аста-секинлик билан, яъни бир-бир очила бошлайдики, бу ҳам “Тун гулзорлари аста-секин очила бошлади”, – деган тасвирга монанддир.

“Тун ромга кўкраklarини қўйиб, қора кийган кампирдек менга синовчан тикилиб ўтирибди. Фақат тунгина бепоеъ ва мангудир”, – дейди қиссагўй. Ҳақиқатан тунда осмонга разм солиб қарасангиз “Самон йўли” юлдузлари одамга йўл кўрсатувчи она сиймосини эсга солади. Ҳаёт тарзидан безиган, ўзига йўл қидираётган инсоннинг хаёллари “Само йўли” юлдузларига нажоткор тикилиши натижасида пайдо бўлган тасаввур бошқача бўлиши мумкин эмас-да.

“Тун панжаралари” қиссаси воқелик асосига қурилган сюжетга эга эмас. Аммо қисса қаҳрамони табиатидаги ўзгарувчанлик, ўйчанлик, фалсафий мушоҳадакорлик сюжет чизиғини таъминлайди. Асар қаҳрамони “хилват одам”дир. Хилватда туриб фикрлаётган, ўз дунёсига назар солаётган одам. Мана унинг эътирофи: “Йўқ, мен тўсатдан шундай, ҳамма нарсадан совиган хилват одамга айланганим йўқ. Мен ўзимни тушунадиган бирорта дўст излаб турли давраларга суқилиб киришга ҳаракат қилдим. Лекин ҳамиша қандайдир бешафқат куч мени улар орасидан суриб чиқариб ташлайверди”. Ана шу хилватдаги одам ҳаётининг мазмуни, бахт ва бахтсизлик тўғрисида фикр юритмоқда. Маълумки, фикр ҳамма вақт ҳам бир текис, силлиқ ва бир чизиқ асосига қурилмаслиги, турли тўсиқларга, чалғишларга, чекинишларга учраши мумкин. Қиссага ана шундай ноанъанавий услубий тажриба танланган.

Қисса қаҳрамони: “Мен ҳозир бахт ва бахтсизлик ҳақида гапирмоқчиман. Одам ҳаётда ўз ўрнини билиши учун бу саволларга жавоб топиши зарур деб билман”, – деган иқрорини айтади. Аммо асар мавзуси бу билангина чегараланиб қолмайди. Бошқа томонларга

“чалғийди”. Бу асардаги ўзига хос жиҳат шуки, қаҳрамон сирларини тунга айтади: “Тун менинг хилват бошпанам. Балки ёлғиз манзилим ҳам шу ердир. Мен фақат тун қўйнидагина, мана шу кичкина қаронғу бурчагимдагина ўзимни эркин ҳис этаман, кўнглимдаги ўйларни, сирларни унга айтаман”. Қиссагўйнинг мана шундай дил рози, қалб тубидаги зиддиятларга тўла воқеликлар таҳлили вақт ўтган сари кенгайиб боради. Ўқувчини ҳам тафаккур юритишга, ижодкор тасаввурини англашга ундайди.

### **“Бошимга, кўрки, не тун келтурибсен...”**

Бугунги кунга келиб инсоният жуда катта тафаккур қувватига, мисли қўрилмаган кашфиётларга эга бўлди. Аммо у ўзининг ўша гўдаклик чоғларидаги тасаввурларидан воз кечолмади. Айниқса, қадимги аجدодларини таъсирлантирган фожиалар, йўқотишлар, муҳаббат ва ҳижрон олдидаги туйғулар мерос бўлиб қолаверди.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ўз муҳаббатига эришолмаган, уни қўлдан бой берганлигини англаган Фарҳод:

*Тариқи зулм ё кин мунча бўлғай,  
Жафо қилмоққа ойин мунча бўлғай! –*

деб нидо қилади. Маъшуқа дардида яшаётган, унинг висолига етишга интилаётган ошиққа қилинажак ҳар қандай тўсиқ жуда улкан туюлиши табиий.

Ҳижрон дардида ғам чекаётган ошиқ учун дўст-ёрлар ҳам, борингки, борлиқ ҳаётнинг номи биргина сўзга – муҳаббатга айланади. Муҳаббатга раҳна солиш, унинг йўлига тўғаноқ бўлиш энг оғир гуноҳ – зулм қилиш, қалбига жафо етказишдир.

Таниқли ёзувчи Назар Эшонкулнинг “Тун панжаралари” номли қиссасига Алишер Навоийнинг “Фарҳод

ва Ширин” достонидаги “Бошимга, кўрки, не тун кел-турибсен...” мисраси эпиграф қилиб олинган. Бу бир жиҳатдан икки асарнинг ҳам биринчидан, муҳаббат фожиаси эканига далолат қилса, иккинчидан, муҳаббат деб аталмиш тилсим, ошиқлик мақоми ҳамма замонларда, барча ошиқларда бирдек кечишига ишорадир.

*Ажал тиғин чекиб сурсанг не бўлди,  
Мени бир қатла ўлтурсанг не бўлди!*

Ошиқларга азалдан мажнун сифатини берадилар. Жунун аҳли учун эса бу дунё, жорий турмуш қонун-қоидалари нолга тенг. Улар ҳамма нарсани муҳаббат қаричи билан ўлчайдилар. Муҳаббат йўлида ўлимни ҳам афзал биладилар.

Фарҳод ўз даврининг барча илмларини, ҳунарларини пухта эгаллаганидек, “Тун панжаралари” қиссаси қаҳрамони ҳам маърифатли одам. У илмий тадқиқот ёзаётган киши, журналда ишлаётган зиёли кимса. Шу учун ўзбек адабиёти тарихи билан ҳам, жаҳон санъати ва адабиёти тарихи билан ҳам яхши таниш. Қаҳрамоннинг ўтмишида, хаёлининг бир бурчакларида қолиб кетган Робия исмли бир муҳаббат тимсоли бор. Уни Терсотанинг катта тош йўли чеккасига ташлаб келган.

Ҳаёт сўқмоқлариаро адаша-адаша маълум бир манзилга келган қаҳрамон ортига нигоҳ ташлайди. Англайдики, у етиб келган манзилга қадар ортидаги ягона чироқ ёритиб турибди. Бу ўша – биринчи муҳаббат аталган чироқ. Лекин босиб ўтилган йўлни, вақтни орқага қайтариш мумкин эмас. Фожа шунда. Фарҳод:

*Қаю тун, қийргум минг деви хунхор,  
Мени қилдинг буларга қатл учун хор, –*

дея ўз қисматидан нолиса, қисса қаҳрамони: “Сен нега мени ёлғизликнинг йиртқич қузғунларига ташлаб кетдинг? Қайси гуноҳларим учун қалбимдаги умид ва ишончини, орзу ва даъватни ўғирладинг? Нега ажру салтанатингга учиб борадиган қанотимни қирқиб олдинг? Нега мени умидсизликнинг оч айиқларига ем қилиб ташлаб кетдинг? Ахир сендан буни сўрамагандим-ку?” – каби саволлар ва изтироблар гирдобиди ўртанади.

*Бошимға, кўрки, не тун келтурубсен,  
Демон тун, не қаро кун келтурубсен.*

Байтдан англашиладики, ўз севгиси ҳажрида ёнаётган лирик қаҳрамонга фақат тун қора эмас, балки ҳаётнинг ўзи ҳам тундай коп-қора.

Қиссадаги қаҳрамоннинг орзу-хаёллари саробга айланган, ҳаётдаги ўз ўрни, муҳаббатини тополмай: “Шунинг учун ҳам ортга қарасам, изсиз ўтган кунлар ва умидларнинг харобасини, олдга қарасам, саробдан иборат саволлар салтанатини кўраман”, – деган сўзлари ҳам юқоридаги байтда билдирилган фикрнинг насрий кўринишидир.

Хуллас, орадан қанча асрлар ўтишига қарамай, Ҳазрат Навоий тасвирлаган ишқ-муҳаббат, висол ва хижрон каби туйғулар турли жанр ҳамда услубларда бутун моҳияти билан намоён бўлаверади.

### **Уйғунликнинг бадий тасвири**

Истиқлол даври ва истиқлол арафасида бир қанча қиссалар яратилди. Уларнинг кўпчилиги адабий танқиднинг эътиборига тушди, ўз ўқувчиларига эга бўлди. Яратилган қиссаларнинг мавзу кўлами ҳам ҳар хил. Кўпгина қиссаларда инсоннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳияти эмас, балки унинг ботиний хусусияти, борлиқ билан инсон алоқаси, инсониятни зало-

латга солиши мумкин бўлган ҳодисалар кўпроқ ўрин олди. Уларнинг тасвир услубида ҳам хилма-хиллик юз бераётганлиги кўзга ташланади. Қиссаларда табиат ва инсон уйғунлиги, ҳайвонлар образи билан инсон ички кечинмаларининг қиёсан ёритилиши янги услубий изланишлар маҳсулидир. Натуралистик йўналишга мансуб ижодкорларнинг табиат мавзусидаги бадиият намуналари таъсирида, ўзбек адабиётида ҳам Шукр Холмирзаев, Менгзиё Сафаров каби адиблар ҳайвонот, наботот, жамодотнинг сирли-сехрли олами ҳақида ажойиб асарлар яратдилар.

Таниқли адиб Нормурод Норқобилов қиссачиликда жамодот, наботот ва ҳайвонот мавзусида ижод қилади. Унинг “Чангалзор ити”, “Қоялар ҳам йиғлайди”, “Тоғу тошларда”, “Ғанимлар” қиссалари адабий жамоатчилик эътиборини қозонди. Адиб бу асарлари орқали борлиқдаги жамики нарсалар билан инсоннинг боғлиқлиги, инсон ҳам борлиқдаги яратилганнинг бир зарраси эканлиги, биргалик қонуниятининг бузилиши ҳамма учун ҳалокат келтириши муқаррарлигини санъаткорона ёритади. Адибнинг аксар қиссаларидаги бош қаҳрамонлар ҳайвонот олаmidан олинган. Табиатдаги барча мавжудотлар бир-бирига ўхшаш. Уларнинг бари Оллоҳ томонидан яратилган. Ёзувчи асарларидаги Пахмоқ (“Тоғу тошларда”), Ёлдор (“Ғанимлар”), Қоравой (“Чангалзор ити”) сингари ҳайвонлар ўқувчида ўзларига нисбатан хайрихоҳлик уйғотади. Адибнинг ўзига хос ифода услуби билан инсонга хос бўлган хислатлар – мардлик, тантилик, яшаш учун кураш, юрт туйғуси, яхшиликка яхшилик, ёмонликдан нафратланиш каби туйғулар жонзотлар воситасида тасвирланади, уларга чуқур ижтимоий маъно юкланади.

Қисса жанрининг ўзига хос хусусиятларидан бири ровий, яъни қиссанависнинг мавжуд бўлишидир. Ровий асар воқеалари ва қаҳрамонларини бошқаради, уларнинг ҳаракатларидан хулосалар чиқаради, хуллас, ровийда

ижодкорнинг китобхонга етказмоқчи бўлган мақсад ва нияти мужассам бўлади. Ровий образи ҳақида жуда кўп илмий фикрларни билдирган рус олими академик В.В.Виноградов ҳам: “ровий образида ижодкорнинг мақсад ва нияти мужассам топади”, – деб, таъкидлайди<sup>1</sup>. Ровийнинг ҳолати, воқеа-ҳодисаларга муносабати, гап-сўзларидан ёзувчининг нигоҳи сезилиб туради. Ҳозирги қиссачиликдаги сермаънолилик, кўпқатламли тасвир кўринишлари айнан ровийнинг тасаввур қуввати билан белгиланади. М.Бахтин таъбири билан айтганда: “Ровий образининг тасаввур кўлами, мукамаллиги, ижодкорнинг мақсади, ўқувчига айтмоқчи бўлган ниятини осонроқ англатишига олиб келади”<sup>2</sup>. Ижодкор асарни ёзишдан аввал бир қанча вақт уни тасаввурида пиширади, ҳаёт воқеаларини кузатади, қаҳрамонлар характери, гапириш манераларини ўрганади, шу билан бирга, уни ўқувчига етказиш учун ровийнинг вазифаларини ҳам ишлаб чиқади. Ровий орқали адиб “...асардаги воқеаларни ўқувчига англатади, улардан хулоса чиқаришга ундайди”<sup>3</sup>.

Нормурод Норқобилов асарларидаги ровий табиат қонунларини обдан ўзлаштирган, ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишган. Ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатлари худди экран тасвирларида кўринганидек, ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлади. Китобхон ҳам тасвирга олинган жондорлар билан бирга яшагандек, улар изларидан, улар билан бирга ўнгирларда, тошсупа лабида, кавакларда ғанимлардан пана жойларда юргандек бўлади. Табиатнинг ҳеч қаерда ёзилмаган қаҳрли қонунларидан хабар топади, унга ўзи ҳам бўйсунгандек бўлади. Пахмоқ, Ёлдор, Қоравойлар билан бирга Эгри-

---

<sup>1</sup> Виноградов В.В. О теории художественной речи. – М.: Высшая школа, 1971. – С. 118..

<sup>2</sup> Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – С. 405.

<sup>3</sup> Тимофеев Л.И. Образ повествователя // Основы теории литературы. – М.: Учпедгиз, 1963. – С. 195-196.

дара, Тошлоқсой, Қорадара, Бужурқоя, Чуқуркамар, Мудроққоя, Қўнғир, Яланғоя, Қинғир тизмалари, Ичакдара, Кўкбулоқ қишлоғи, Қизилжар, Илондара, Қизилбет, Оксув, Дўланазор, Учдара, Қоратепа, Бўрижар, Қилсўқмоқ каби табиатнинг ўзи сифатини келтириб қўйган тоғ маконларида кезиниб, яшаш учун курашиб юргандек бўлади. Ёзувчининг тасвирлаш услуби, ўзига хослиги шундаки, тоғ сўқмоқларини, қоялар ва ирмоқларни эринмай тасвирлайди. У ерда юрган, ҳаёт кечираётган жондорларни ҳам ҳадик билан, атрофга олазарак қараб юришлари, ҳаёт тарзи ижодкор нигоҳидан четда қолмайди.

“Тоғу тошларда” қиссасидаги Пахмоқ лақабли айиқ боласи ёввойи табиатнинг ўзгармас ва шафқатсиз қонунларини ҳали ўзлаштирмай туриб, онасидан эрта етим қолади. Шундан сўнг Пахмоқ ёлғиз ўзи яшаш учун кураш олиб боради. Ёш айиқ боласининг изтироблари, онасини қўмсаб ғингшишлари ҳар қандай китобхонни ҳам ларзага солади. Бироқ на илож, ўлим ҳақ. У одам боласими, ҳайвонми унинг чорасини тополмайди. Тириклар эса, ҳамиша кўникишга, тақдиру азалга тан беришга маҳкум. “Пахмоқ етимликнинг илк тунини тошсупа лабида маъюс ва эзгин бир ҳолатда ўтказди. Куёшнинг дастлабки нурлари қаршисидаги қоя юзини ёритгач, қорни ниҳоятда очганини англади. Ғингшиб, ингиллаб нола қилди, ўзича онасидан ўпка-гина қилди. Тонг отганидан ботирланиб, нораства овозда ўкириб-ўкириб уни йўқлади. Ҳар йўқловдан сўнг диққат билан теваракка қулоқ тутди. Таниш шарпа қулоғига чалинавермагач, яна ва яна ўкирди. Онаси чиқиб келиши мумкин бўлган арчазорга тикилиб-тикилиб ўкирди. Охири ўкиравериш жонига тегиб, бир нуқтага термулганча туриб қолди”.

Тасвир жуда жонли, ишонарли ва табиий. Табиийлиги шундаки, онасиз қолган гўдак (у полопонми, чақалоқми, ҳайвонми) ноласи, фарёди, ҳолати шундай

бўлади. Адибнинг маҳорати, тасвирлаш услубининг қудрати шундаки, тирикликка хос бўлган хусусиятларнинг яхлитлигини, умумийлигини кўрсата олган. Пахмоқ “тушида онасини кўрди. У тушида онасини эмди. ...У ўксиб-ўксиб йиғлаганида, миқ этмаган арчалар уни бағрига олди. Ташқи ғанимлар кўзидан пана қилди”.

Адабиётшунослик илмидан маълумки, ҳар қандай образ (хоҳ рамзий, хоҳ мажозий бўлсин) замирида инсон тасвирланади. Юқорида келтирилган тасвир ҳам инсонларга ҳайвонот, наботот, жамодотаро алоқаларнинг мавжудлигидан огоҳ этади. Чунончи, Нормурод Норқобилонинг кўпгина асарларида етимликнинг қайғули изтироблари ҳайвонлар образида акс эттирилади. Бўри боласи Ёлдор ёшлигидан ота-онаси ва яқинларидан ажралади, кучук Қоровойни онаси ташлаб кетади, чангалзорда минг машаққатлар билан тирик қолади. Бу билан ижодкор ўзининг манфаатлари йўлида боласидан кечаётган, уни ахлат қутиларига ташлаган ёки болалар уйига топшириб кетаётган одамларга гўдаклик изтиробини шу мурғак ҳайвон болалари орқали кўрсатади, огоҳликка чорламоқни дилига туккандек бўлади.

Ҳаётнинг тўқнашув ва курашлардан иборат эканлиги бани инсон болаларигагина хос эмас, балки борлиқнинг ўзи ҳам шу қонуниятдан иборатлиги Пахмоқ бошидан кечирган саргузаштларда очила боради. Унинг силовсин, кулранг бўрилар, тўнғизлар билан аёвсиз жанглари, худудини кенгайтириш учун кураши, табиий офатлардан омон қолиш учун қилган ҳаракатлари адиб услубининг ранг-баранг жилоларида турлича товланади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳайвонлар ҳаракатлари тасвирида ровий ақли билан иш кўрилмайди. Агар ҳайвонлар инсонлардек тафаккур юритганларида ёки инсонларга хос ҳаракат қилганларида китобхон бу тасвирга ишонмаган, бу ҳолатга шубҳа билан қараган бўларди. Адибнинг нозик диди ва кузатишлари натижасида ҳайвонлар ҳаракатлари та-

свирида табиат ато этган нозик сезги доирасидан четга чиқилмайди. Шунинг учун Пахмоқ: "...каваклардан бирида ғужанак бўлиб ётаркан, ғанимини эмас, шунингдек, лўқиллаб оғриётган оёғини ҳам эмас, негадир ўзига гинали назар ташлаб кетган ўша бегона айиқни" (урғочи айиқни – Д.Х.) ўйлаши, "Ғанимлар" қиссасидаги "Ғаними жарга қулаганидан сўнг, Ёлдор дарҳол сўқмоқни тарк этмади. Юз берган бу воқеадан ҳайрон бўлгандек, чўнқайган кўйи жар лабида узоқ туриб қолди. Сўнг ўзининг мунгли қўшиғини бошлаб юборди. Тийрак кўзли болақайни кўмсаб, чўзиб-чўзиб ув тортди" каби ҳолатлар тасвирида инсонлардек фикр қилиши эмас, балки табиий-биологик жараён эканлиги китобхонда шубҳа туғдирмайди. Балки Пахмоққа, Ёлдорга ёки Қоравойга меҳри ортади, унга ҳайрихоҳлик билан қарайди. Китобхонда ҳайрат уйғота олган асаргина бадий қимматга эга бўлади. Тўғри, айиқнинг "айиқчасига кулиши", Пажжи саёқнинг босган изига "боплаб таппи ташлаши", "қўйилган кишанларни олиб ташлаши" каби ўринларда ҳайвонларни инсонлардек фикр юритиши ўзини оқламайди. Бироқ санъаткор услубининг кучи натижасида ўқувчи бу каби тасвирлардаги камчиликни сезмай қолади. Итнинг дафн маросимида одамлар тўпланишига ҳеч қачон ишонмаса-да, бу ҳолатга эътибор бермайди, табиий ҳолдек қабул қилади.

Мавжудотнинг энг олий тоифаси ҳам, энг ёвузи ҳам инсон дейилиши бежиз эмас. Қиссадаги Пахмоқнинг Панжи саёқдан қочиши жуда жонли тасвирланади. "Ўша даҳшатли ҳидни илғаши баробар бутун вужудида титроқ қўзғалиб, тезроқ қочмоқ пайида бўларди. Ўша даҳшатли ҳид – инсон ҳиди эди". Жониворлар ҳаёти тасвирланаётганда ижодкор ўқувчини ишонтира олиши лозим. Аксинча, китобхон ишонмаган ёки шубҳа қилган тасвир бадийлик касб этолмайди. Ёзувчининг ўткир нигоҳидан қочаётган айиқнинг ҳолати, ҳавони искаётган пайтдаги тумшуғининг қора ва намчил

эканлиги, айиқларга хос лапанглаши ҳам четда қолмайди. Шунинг учун айиқнинг қуёнлардай ура қочмасдан, атрофга қараб-қараб қўйиши, қувиб келаётган қуролли Панжи саёққа менсимайроқ қараши ўқувчини ишонтиради.

Профессор Қозоқбой Йўлдошев Нормурод Норқобитов асарлари ҳақида гапирар экан: “Адиб шунчаки ҳайвонсевар эмас. У оддий бўлмаган ҳайвонлар, уларнинг сирли одатлари, ғалати тирикчилик тарзи ҳақида қалам сураб экан, жониворлар атрофидаги одамларнинг хусусиятларини тўлароқ очишга ҳаракат қилади”,<sup>1</sup> – деган фикрни айтади. Ҳақиқатан ҳам қиссадаги Пахмоқ Панжи саёқнинг характерини очишда восита вазифасини бажарган. Уларнинг тақдири ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди. Пахмоқ ёшлигидан онасидан айрилган, балоғат ёшига етгунича атрофдаги ҳайвонлардан кўп зуғум кўрган, меҳрдан бенасиб қолган. Ёлғиз яшаш тарзига кўниккан. Панжи саёқ ҳам атрофдан, яқинларидан илиқлик кўрмаган. Асарда тасвирланганидек: “Болалигидан меҳрдан йироқ ўсди, худо раҳмат қилгур ота-онаси анчайин қаттиққўл одамлар бўлиб, тоғу тошдан бери келмас бу болани деярли эркалатмас эдилар. Уларнинг назарида, бу ўғил қулоқсиз эди, саёқ эди. Натижада, беармон урдилар, сўқдилар, аммо болани тоғу тошлар бағридан айира олмадилар. Шу тариқа тоғу тошдан сокинлигу хотиржамлик топган ўғилни тушунувчи бўлмади, қайтага “саёқ” деган тамғани пешонасига маҳкам босдилар, шунга яраша муомала қилдилар. Бунга сари у тоққа қочди”.

Ҳозирги бадиият намуналаридан ижтимоийлик қидириш ёки уни ижтимоий муносабатлар билан боғлаб талқин қилиш ўзини оқламайди. Ҳозирги адабиёт биргина инсонга хос бўлган хилқатларни ёритишга, биргина инсон сезимидаги хусусиятларни ҳам тасвирлашга ҳаракат қияпти. Зеҳни ўткир китобхон бадиий

---

<sup>1</sup> Йўлдош Қ. Ёниқ сўз. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. 37-бет.

асардан ўзига керакли фикрларни, хулосаларни хоҳлаган таҳлидда ўзлаштира олиши мумкин. Шундай экан Панжи саёқ сингари турфа характерли инсонлар ҳаммаша жамиятда бўлган ва бўлаверади. Гап фақат бундай одамларга жамиятнинг муносабатида. Буни чуқур ҳис қилган адиб Панжи саёқ табиатидаги одамлардан безиш психологияси худбинликка, такаббурликка олиб келганлигини ишонарли далиллар билан исботлайди.

Панжи саёқ эркин яшашга ўрганган, баъзида одамлардай яшашни, уйланишни ҳам хоҳлаб қолади. Бироқ уйланиш учун уй, кўрпа-тўшак, пул керак. Лекин Панжи саёқда бунга имконият йўқ. Ўзига тасалли бериш учун одамларни кўркаламушга қиёслайди: “Иш, рўзғор, хотин ва бола-чақа..., туфи-ий, шуям тирикчилик бўлди-ю” – деган гапни айтади. Бу унинг ҳаётни англаш фалсафаси эмас, одамлар кўз ўнгида шундай гапларни айтади. Аслида кўнгил тубида инсонлардек яшаш, хароба кулбасига файз бағишлайдиган аёлни топиш, унинг қўлидан иссиқ-иссиқ каклик шўрвалар ичишни хоҳлайди. Бироқ зоҳиридаги худбинлик сабаб, буни очик тан олмайди. Пахмоқнинг ёлғиз ўсганлиги ўзидан бошқаларга ишончни йўқотган бўлса, Панжи саёқда худбинликни шакллантирди. У фақат ўз нафсини ўйлайди, қорни қаерда тўйса, куни ўтса, шундан хурсанд бўлади. Шаҳарлик бошлиқнинг: “– Мулла Панжи, бу – у айиғу қоплонларгаям тишлари ўтадими ё фақат бўрининг кетидан пойлайдиларми?” – деган саволига жавоб бера туриб, амалдорнинг “...семиз, оппоқ яланғоч сонларига, сўнг калта иштони устига тўкилиб турган йўғон қорнига” қараб қўйиб, ўзининг чайирлигидан хурсанд бўлиб: “– Тишимиз ўтади, ака. Тоғда бизди тиш ўтмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Кўнгиллари нимани тусайди, айтаверсинлар, отиб бераверамиз. Тоғбегини ўйламанг, битимниям тутолмайди у”, – деган жавобни қилади. Кўриниб турибдики, у бутун тоғу тошни ўзиники деб билади.

Панжи саёқ билан Пахмоқнинг туйғуларида ҳам ўхшашлик бор. Панжи саёқнинг қалбини Кўкбулоқлик жувон асир этган бўлса, Пахмоқни Дўланазордаги айиқ ўзига ром этади. Бироқ табиатнинг ўз қонунлари бор. Унга риоя қилмаган, уни бузишга уринган ҳар қандай жонзот ўлимга маҳкум. Адибнинг «Ғанимлар» қиссасидаги Эргаш боди, “Чангалзор ити”даги Тоға каби Панжи саёқ ҳам табиатнинг ана шу қонунига амал қилмади. Ўз кўнгил майлларини қондириш учун беҳуда қонлар тўкди. Ана шу қилмишлари учун ўлим топди. Китобхон Эргаш боди, Тоғанинг фожиали ўлимидан афсусланмагани каби, Панжи саёқ ўлимига ҳам ачинмайди, аксинча, Пахмоқнинг омон қолганидан суюнади. Чунки инсон кўнгли ҳамиша эзгулик истайди. Эзгулик эса Панжи саёқда эмас, балки ҳайвон бўлса ҳам Пахмоқ томонида эди. Пахмоқ табиат қонунлари бўйича яшайди. Панжи саёқ табиат қонунларига қарши иш қилади: оиласидан ажралади, бола – чақа орттирмайди, жамиятга инсон сифатида нафи тегмайди. Адабиётшунос Жаббор Эшонқул: “...жуфтлик бу Мавжудликнинг биринчи шартидир, тараққиёт қонунидир. Фожеалар эса шу жуфтлик қонунияти бузилган жойдан бошланади. Эркакнинг аёлдан узоқлашуви, яъни азалий жуфтидан айрилиши бу унинг келажагидан, “ўзлиги”дан айрилишидир”<sup>1</sup>, – деб ёзган эди. Тирикликнинг азалий удумини бузган, жамиятдан айро тушган инсонларнинг фожиали қисмати тасвирланган бадият намуналари адабиётда янгилик эмас. Ёзувчининг қиссадан кўзлаган мақсади ҳам инсонларга Панжи саёқ қисматига тушиб қолмасликларидан огоҳ қилиш, яъни, қадимги аждодлардан мерос “Саёқ юрган – таёқ ер”, деган мақолни эслатиш эди.

Ёзувчи “Чангалзор ити” қиссасида: “Ёнидаги кимсанинг кўнглида не кечаётганини фаҳмлай олмайдиган одамзод қандайдир бир итнинг руҳий изтироблари-

---

<sup>1</sup> Эшонқул Ж. Кафка ва биз. –Т.: Ёшлик, 2004. 2-сон. 10-бет.

ни қаердан пайқарди дейсиз. Инсон учун у шунчаки бир жонивор. Аммо у шунчаки жонивор эмасди, балки кўриш, ҳис этиш, қувониш ва қайғу чекиш каби хусусиятлардан ҳоли бўлмаган, ўзига хос оламига эга тирик вужуд эди. У озодлик истарди, эркинлик шамоли билан басма-бас югурмоқни кўмсарди”, деган фикрни айтадики, умр поёни фожиали якун топган кимсалар қалбида тирикликни бор бўйича англаш ҳислари йўқ эди. Умуман Нормурод Норқобилёв асарларида адабий тип яратишнинг ўзига хос услубини топа олган. Панжи саёқ, Тоға образлари характерларидаги лоқайдлик, ўз нафси йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслик, ўзидан бошқани ўйламаслик каби иллатлар типиклик касб эта олади.

Адибнинг “Ғанимлар” қиссаси ҳам ҳайвонот, наботот, жамоёт аро муносабатларнинг узвий алоқадорлиги ҳақида кечади. Бундан асарнинг айнан бир хил мавзу, фақат воқелик бошқа экан-да, – деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Чинакам иқтидор эгасининг тасвирлаш услуби, ёзиш манераси асарларининг композицион қурилишида, эпизодлараро тасвирларда ҳам фарқланиб туради. “Тоғу тошларда” қиссасида табиий яшаш тарзидан чекиниш оқибатида фожеага учраган инсон қисмати тасвирланган бўлса, “Ғанимлар”да шу ҳаётга беписандлик билан қараган одам тақдири қаламга олинади. Асарда тоғлик кишиларнинг тоққа монанд бағрикенглиги, тантилиги, мардлиги, ғурури, ўй – кечинмалари, яшаш тарзи табиат тасвирлари билан ҳамоҳангликда очилади. Тасвирга олинган бўри боласи Ёлдор ҳам тоғликлар каби мардонавор характерга эга. Ёзувчи Ёлдорни тоғлик одамлар характерига монанд тасвирлайди. Чунки улар бир муҳитда яшайдилар. Ёлдорни ўлдириб, жасадини хўрламоқчи бўлган Сарварга асар персонажларидан бири шундай дейди: “ – Ўлдирсангиз, майли, лекин жасадини хўрлашингизга йўл қўймаймиз, – деди Шойим йўғон томоғини қира-қира.

– Нимага деганда, Ёлдор бизга бегона эмас, ўзимизнинг жондор. Итларга кун бермагани билан, ҳозирча мол-ҳолимизга текканича йўқ. Пулди эса киссага солинг! Пул дегани ўзимиздаям ачиб ётибди”.

Тасвирдаги Шойим йўғоннинг “томоғини қира-қира” гапиришига катта маъно юкланган. Инсон қаттиқ руҳий ҳаяжон вақтида томоғини қиради ёки йўталади. Шойим йўғоннинг томоғини қиришида гап ўликни ҳўрлаш ҳақида кетяпти. Одатда, тириклар ўликлар ҳақида ёмон гапирмайдилар. Бу муҳитдан бегона Сарвар тоғлик одамларни тушунмайди, муҳитни англолмаслиги етмагандек, унга менсимасдан қарайди. Натижада, фожеага учраб, Ёлдор ва бошқа тоғликларнинг ёрдами билан омон қолади. Ёлдор ҳайвон бўлатуриб, чорасиз қолган ғанимига, яъни одам боласига тегинмайди, балки бошқа бўрилардан ҳимоя қилади. Сарварнинг шундан кейингина жондорларга меҳри ошади. Асар сўнгида Шойим йўқғонни ёнига чақириб: “Ёлдорга тегмасак! Оддий жондор десам, зўр йигит экан у! Қўйинг, ўз майлида юраверсин!” – деган сўзларда бироз романтик руҳ устивор бўлса ҳам, китобхонни тўлқинлантириб юборади. Шу воқеаларни кўзи билан кўриб тургандек таассурот уйғотади.

Айниқса, асардаги Ёлдор бўри образида адибнинг тасвирлаш услуби ўзгача ранг-баранглик касб этади. “У болакайни ўнгида эмас, тушларида ҳам соғинарди. Яғринида унинг илиқ кафтини ҳис этиб, ғингшиб-ғингшиб қўярди ва ўзини қўналғалардан бирида кўрарди”. Меҳр-шафқат, меҳрга ташналик туйғуси барча жонзотларда, қандайдир мезонлар миқдорида мавжуд бўлади. Ёлдор бўри ҳам яқинлари ўлдирилгандан кейин, Толмас чолнинг невараси Сафардан мурувват кўради, унинг меҳри туфайли тирик қолди. Шунинг учун Сафарнинг қабрини барчадан қизғанади, айниқса, Маймоқ айиқни кўргани кўзи йўқ. Ўзининг табиий тирикчилик ғамларидан ортиб, қабрни кўриқлашни,

ҳар оқшомлари ўзининг садоқатини намоиш этиш учун улашини канда қилмайди. Бундай тасвирлар жуда маҳорат билан чизиладики, китобхон бу ҳолатларни бефарқлик билан, ҳаяжонга берилмай ўқий олмайди. Айниқса, Сафарнинг ўлими олдидан Ёлдорнинг безовталаниши, ув тортиши, инграши, яъни хавфни олдиндан билиши барча ҳайвонларга хос хусусият. Бироқ дафн маросимидан кейинги ҳолат барчани ҳаяжонга солади. “Тупроқ йўлдан ғамгин одимлашаётган одамлар ортдан эшитилган хазин нидодан ажабланиб, ҳушёр тортишади. Бунақа пайтда ортга қайрилиб қараш таомилга тўғри келмаса-да, ҳамма изига ўгирилишга мажбур бўлади. Қарашсаки, янги қабр бошида Ёлдор кўкка тумшук чўзганча, хазин ув тортмоқда. У шу қадар мунгли ув тортмоқдаки, юракнинг бардош бермоғи қийин эди.

Одамлар орасида боши эгик бораётган Толмас чол ортиқ чидаёлмайди. Ўкраб юборади, Қоратепада Ёлдор, тупроқ йўлда Толмас чол басма-бас “ув” тортмоққа тушадилар.

Ҳамма шошиб қолади.

Мижжалар ёшланади.

Толмас чолга қийин эди. Кимсасиз қолганди у”.

Икки жондорнинг изтироблари, бўзлашлари батафсил таҳлилга, талқинга муҳтож эмас. Бироқ, икки махлуқнинг айнан руҳиятида кечаётган ўхшаш ҳолатларни топа олиш ёзувчи тафаккур кўламининг кенглигидан, бадииятни чуқур ҳис қилишидан дарак беради. Тасвирдаги “хазин нидо”, “хазин ув”, “мунгли ув”, “ўкраб юбормоқ” бирикмаларидаги поэтик бўёқдорлик ҳам руҳий ҳолатни чуқурроқ тасаввур қилишга хизмат қилади. Зеро, асарга ўлим эпизодининг кiritилиши ҳам бежиз эмас. Адибнинг “Чангалзор ити” қиссасидаги табиатга ошно Толмас ҳам воқеалар давомида вафот этади. Эзгуликни ўзида мужассам этган қаҳрамонларнинг фожеали ёки касалланиб вафот эти-

ши адабиётда янгилик эмас. Чингиз Айтматов асарларидаги деярли шундай қаҳрамонлар тақдири ўлим билан тугайди. Ва бу ҳолат ижодкорнинг қандайдир бир ижодий мақсадини амалга ошириш вазифасини бажаради. Ўлим муқаррар эканлигини ҳамиша ёдда тутиш муқаддас китобларда ҳам таъкидланади. Адиб Сафар, Толмасларнинг ўлими орқали бўри боласи Ёлдор ва ит боласи Қоровойнинг вафодорлигини, садоқатини, умуман, инсонларга вафо, садоқат деган эзгу тушунчаларнинг том маъносини шу ҳайвонлар тимсолида ёритмоқни ният қилади. Ўлимдан бошқача тасвирда бу тушунчаларни таъсирли қилиб тушунтиришнинг иложи ҳам йўқ эди.

Ёлдорнинг Оқсийнага муносабати, ҳудудини сақлаб қолиш учун жондорлар билан урушиши ҳам мардонвор тарзда кечади. Худди асл инсонийлик ҳислатлари қандай бўлиши керак бўлса, шундай тасвир этилади. Ёзувчи асл инсонийлик қиёфасини, тамойилларини табиатдан, жондорлардан ҳам ўрганиш керак демоқчи бўлади.

Қиссадаги Сарварнинг амалдор оғайниси, талаба йигит, Бойбўри чол, Ғуччи пакана образлари ҳам асарнинг умум мазмунини тўлдиришга хизмат қилади. Сарвар билан талаба йигитнинг суҳбати билан адиб Сарварнинг асл қиёфасини фош қилади. Ёзувчи ўз услубига биноан Сарварни ўлим билан олиштириб қўйиб, ўтмишига саёҳат қилдиради. Йўл қўйган хатоларини бир-бир ёдга олдириб, тавба-тазарру қилдиради. Инсон томонидан табиатга қилинаётган ёвузликларни Сарвар хаёлида кечаётган хотиралар билан фош этишга ҳаракат қилади. Инсон ўзининг бутун қилмишларини ажалнинг совуқ панжаси ёқасидан олиб турганда, ўлим билан юзма-юз бўлгандагина англаши, бундан пушаймон бўлиши Сарвар образи орқали ёритилади.

Нормурод Норқобиловнинг “Чангалзор ити”, “Ғанимлар” қиссалари Шукур Холмирзаевнинг “Юр,

тоғларга кетамиз” асарини ёдга солади. Ҳар уч асарда ҳам Ёлдор, Қоровой ва Қорабой каби жонзотлар тасвирланади. Уларга Сафар, Толмас ва Нурали сингари покдамон болалар меҳр кўрсатади. Эргаш боди, Тоға ва Қодир подачи каби бузуқ ниятли кишилар ҳайвонларга ёмонлик қилиб, уларга кўп озор етказади ва жондорлар ғазабига учрайди. Ҳар уч асар мазмунида табиатга зуғум қилинса, табиат, албатта, ундан ўч олиши ҳақидаги воқеалар тасвирга олинади.

Бу билан мазкур қиссаларни бир хил мавзуда ва услубда ёзилган деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Бадиий адабиётда бир хил мавзу доирасида яратилган асарлар кўплаб учрайди. Бироқ ёзувчининг шу мавзуга мурожаат қилишидан мақсади, кўзлаган нияти ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Ижодкор кўнгил одами. Адабиётшунос Муртазо Қаршибой айтганидек: “Ижодкор одам кўнглида оламини олиб юради. Бинобарин, у ижод қилар экан, руҳидан янги оламини яратиб беради”<sup>1</sup>. Шудай экан, бу асарлар икки хил қалбли ижодкорлар томонидан ёзилганлиги ва ўқувчига ўзига хос тарзда таассурот қолдириши билан ҳам қимматлидир. Аслида ҳам бадиий асар услуби ёки ижодкор услуби ҳақида гап кетганда, албатта, санъаткорнинг кўнгил олами назардан ўтказилади. Кўнгил кечинмаларига қараб, услуб ҳам турлича товланади.

Адиб асарларидаги жондор образлари замирида инсон тимсоли туради. Уларда ҳам инсонлардагидек турмуш тарзи, яшаш учун кураш, қорин ғамида елиб-югуришлар ва ҳоказолар. Бироқ уларда инсонлар феълида мавжуд бўлган ҳасад, манманлик, худбинлик, такаббурлик, манфаатпарастлик каби иллатлар йўқ. Инсон мана шу иллатлари билан бир-бирига озор беради, дилозорлик қилади, табиатнинг ўзгармас қонунларини издан чиқаради. Алалоқибат ўзи ҳам, унга қўши-

---

<sup>1</sup> Қаршибой М. Кўнгилнинг мўъжизаси (Талотўпдан уйғунлик сари). –Т.: Маънавият, 1998. 36-бет.

либ унинг атрофидагилар ҳам азият чекади. Асардаги Қоровой табиат қонунлари доирасида эркин яшайди. Қишлоқ итларидаги боқимандалик, қарамлиликни ёқтирмайди. Бироқ адиб уни тутқинликка солиб кўради. Эркнинг, озодликнинг бўғилиши қандай бўлишини шу ҳайвон тимсолида фош қилади. Чангалзордан судраб келинган Қоровойни занжир билан боғлангандаги тасвирга эътибор қаратайлик. “У беҳуда ҳаракатлардан хориб, оғилхона томи узра кўзга ташланиб турган қиру тоғларга ҳасрат билан тикиларкан, ич-ичидан қалқиб, силқиб чиқаётган ириллашдан тийилиб, озодликнинг кадр-қимматини фавқулодда англаб етди. Бўйинини чирмаган занжирда аллақандай яширин куч мужассамдай туюлди. Қандай куч экан бу? Ўша сирнинг таги-га етмоқ ўйида бир зумга тинчланаркан, шалдираб ғашига тегаётган занжирга ва унинг нариги учи маҳкамланган темир қозиққа диққатла разм солди”.

Тасвирда қўлланган занжир детали ўзининг ҳақиқий маъносини топа олган. Занжирнинг кучи – бу эркнинг, озодликнинг бўғилиши. Бадиий асарнинг макон ва замон меъёрларига эътибор берсак, албатта, ўша давр руҳи, кайфияти бўртиб туради. Занжирнинг моҳиятини англашга ҳаракат, унинг илдизларига “диққат-ла разм солди” каби бирикмалар замирида ўша давр руҳи, кишилардаги ўзгаришларнинг таъсири, мустақиллик, эрк, озодлик каби тушунчаларнинг кун тартибига чиққанлиги сезилиб туради. Ёзувчининг асл мақсади, нияти Қоровой тимсолида ўз ифодасини топади. Унга ёмонлик тилаган, эркини бўғмоқчи бўлган тоғанинг фожеали ўлим топиши, адибнинг нафратини англашиб туради.

Нормурод Норқобиловнинг “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссаси инсоннинг туғилган гўшасига садоқати, фарзандлар тарбияси, насл тозалиги ва соғломлиги ҳақида. Асар қаҳрамони Эрназар полвон тоғлик кишилар каби мард ва танти. У тоғнинг улуғворлигини дилдан севади.

Мана шу севгиси туфайли ҳукумат одами Сами чўлоқнинг “сотуви” билан қамалиб ҳам чиқади. Ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилади, чин инсонийликни мардлик ва жасурликда деб билади.

Қиссадаги кураш тасвирлари, доврүкли Туркман полвоннинг Эрназар полвон ўғилларини енгиши, полвоннинг ҳамият учун даврага ўзи тушиши эпизодлари ҳам қаҳрамоннинг тўлиқ портретини очишга хизмат қилади. Азалдан тоғ шароитига кўниккан, ҳаёт тарзи тоғ билан чамбарчас боғланган, деҳқончиликдан хабари йўқ одамларнинг чўлга кўчирилиши мустабид тузум сиёсати эканлиги, қисса воқеаларининг реал ҳаёт билан боғланганлигини билдиради. Эрназар полвоннинг ноҳақ қамалиши, Ғайбулло чолнинг қамокда калтакланиб, зурриёдсиз қолиши даврнинг ижтимоий фожиаси сифатида фoш этилади.

Асардаги Эрназар полвоннинг ўзига хос фалсафаси бор: “Жонлими, жонсизми – ҳар нарсаниям асили яхши...”. Шунинг учун боқаётган итларини ҳар йили тоғдаги айиқ билан тўқнаштиради. Кўркмай ҳамла қилганлари омон қолади, кўрқoқлари эса отиб ташланади. У оилада ҳам фарзандларини ўз ақидасига монанд тарбиялайди. Ориятни йигитликнинг муқаддас туйғуси сифатида билади. Туркман полвон билан бўлиб ўтган кураш воқеасидан кейин катта ўғли Кўчар полвонга: “– Йиқитиб берасан!.. – Йиқитмасанг, энангни талоқ қиламан!” – дейди. Мусулмонларда талоқ сўзи ҳар доим ҳам тилга олинавермайди. Энг сўнгги чорадагина бу сўз қўлланилади. Демак, орият тушунчаси Эрназар полвон учун ҳамма нарсадан устун. Албатта, Кўчар полвон отанинг ниятини амалга оширади. Бирок, Ўсар отанинг назаридан янаям қолади. Ота энди нобоп фарзандни қандай йўлга солиш ҳақида жиддийроқ ўйлай бошлайди. Авлодлари, наслини тоза сақлаш йўлларини қидиради. Кўрқoқ итларнинг отиб ташланиши полвоннинг мана шу туйғулари маҳсули. Аслида,

Эрназар полвоннинг фалсафаси табиат қонунларига монанд. Чунончи, ёввойи табиатда фақат кучлиларгина яшаб қолади, заифлари эса нобуд бўлади. Бирок инсонларда-чи?

Ёзувчи ўз услубидан келиб чиқиб, табиатнинг азалий қонунларини инсонлар ва ёввойи жондорлар востасида қиёслайди. Чингиз Айтматов ва бошқа адиблар томонидан бод-бод таъкидланган, жавоби мангуга қолаётган – минглаб йиллардан бери инсонларни эзгуликка чорловчи раҳмоний каломлар таъсири нега ижобат бўлмайди? Одам болаларидаги ёвузлик иллатларининг томири қаерда? Қисса қахрамони Эрназар полвонни ҳам инсониятни ўйлантираётган, бироқ жавоби охиратга қолаётган саволлар қийнайди. Ўғли ҳақида гапираркан, “Агар ит бўлганида, униям отардим!” дейди.

Унинг кураш тушмас, хушсуврат ўғли Ўсар фоҳиша аёлларга илакишган ва отаси томонидан “қизбет” лақабини олган. Эрназар полвон ўғлининг ишларидан қаттиқ изтиробга тушади, тинимсиз фикрлайди, ўз насл-насабини тафтиш қилади. У умр бўйи раияти учун курашади, мардликни, инсон ғурурини энг олий қадрият сифатида тушунади. Ўғлининг қилиб юрган ишлари эса, унинг олий туйғуларини чилпарчин қилиб юборади. Ўғли ҳақида ўйларкан: “...мардона кўринмиш нигоҳи қаърига фаҳш ин қурган, бақувват қўллари ўзга аёл баданидан жирканмаганидек, қатъий қимтилган лаблари бегона дудоқлардан ҳазарланмайди. Энг даҳшатлиси, кўзни алдовчи кўркам вужудида ҳаром қон гупиради. Бу қон эса эрта бир кун дунёга келадиган фарзандлари томирида ҳам кўпиради. Оҳ, қандай даҳшат бу!”

Табиатнинг азалий қонунларига инсон ҳамиша амал қилавермайди. Яратилишдан инсонга тафаккур юритиш қобилияти инъом қилинганки, бани одам болалари Яратмишнинг шу инъомидан ўз насибасига қа-

раб фойдаланади. Азалнинг шу қондасига амал қилмаганлар дорил фанода ёки дорил бақода ажрини олади.

Эрназар полвоннинг руҳиятида кечаётган жараён Шукур Холмирзаевнинг “Чўлоқ турна” қиссасидаги қуйидаги тасвирни ёдга солади:

“Чўлоқ турна дафъатан устида пайдо бўлган соядан нажот кутиб, унга интиланча қолаверди.

Бу ҳолатни кузатиб турган инсон ҳайрон қолади. Она-турнани шафқатсизлик қилди, деб ўйлайди. Аслида бундай эмас: илло, бу тур қушларнинг ҳам ўзига яраша меҳр-шафқати бўлади. Бўлади-ю, лекин ўзга қонун бу ҳисдан ҳам устун туради. Бу – яшамок қонуни, зурриёт қолдириш ва унинг соғлом камол топиб, ўзининг ушбу ишини истиқболда такрорлашига бўлган табиий ва туғма эҳтиёж қонунидир. Шунинг учун улар зурриёдни бузадиган ва истиқболда яшаши оғир бўлган фарзандларидан осонгина воз кечишади”.

Бироқ инсон болаларига табиатнинг бу қонунини қўллаб бўлмас эди. Эрназар полвон: “Менинг зурриёдим-ку, ҳаром ишга қотинмас. Агар қотинган бўлса, заха еган шохимни шартта кесиб ташлайман-да...” – деб ўйлайди. Аслида: “Заха еган шохни кесиб ташламоқ ўта қийинлигини у ҳали билмасди”, – дейди қиссанавис. Ҳақиқатан бу ишнинг мушкуллиги асар давомида очила боради.

Қиссада Ўсарнинг кўчки остида қолиши ниҳоятда таъсирли ва ишонарли тасвирланган. Адиб воқеалар драматизмини кучайтириш учун ота ва ўғил конфликтини кучайтиради. Натижада, ўғил энг ёмон гуноҳга қўл уради. Отага қўл кўтаради, оқпадарлик тамғасини олади. Китобхон Эрназар полвоннинг қўлига қурол олганидан кейин ўғлини отишига чиппа-чин ишонади. Бироқ ота ўз зурриёдини отганда бу инсонийлик қоллипларига сиғмаган, отанинг улуғлиги поймол бўлган бўларди. Эрназар полвон шундай оғир дамларда ҳам ота деган номга содиқ қолди. Милтиқ оғзини ўғлига

эмас, бошқа жойга йўналтирди. Харсангтошлар дума-  
лаб ўғли томон келаётганда уни қочиш учун овозининг  
борича бақирди. “Улим! Улим” – деб тошларни суриб  
бўзлади. Лекин қисмат ўз ишини қилган эди. Оқпадар  
ўғил қилган гуноҳлари учун ўз жазосини олади. У хар-  
сангтошлар остида мангуга қолади. Албатта, унинг фо-  
жиаси ёзувчининг бадий фантасияси маҳсули. Ундан  
тўғри ҳукм чиқариш китобхоннинг тафаккур оламига  
ҳавола қилинади.

### Турфа услублар жилоси

Улуғбек Абдуваҳобнинг “Ёлғизлик”, Ш.Ҳамронинг  
“Қора кун” қиссалари услубида ижтимоийликдан кўра  
рамзийлик, жаҳон адабиётидаги етакчи услублар оҳан-  
ги сезилиб туради.

Улуғбек Абдуваҳобнинг “Ёлғизлик” қиссасида ҳам  
шаклий, ҳам мазмуний янгиланишлар айнан услубида  
кўзга ташланади. Ички изтироблар суврати чизилган  
“Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамонига исм қўйилган эмас.  
Қисса қаҳрамони ижодкор бир инсон. Унинг тийнатида  
турфа олам мужассам топган. Баъзида исёнга берилиб  
хайқиради, баъзан доно файласуфлардек мулоҳазалар  
юритади.

“Ёлғизлик” қиссаси воқеанома эмас, унда бир-бири  
билан курашиб ётган, конфликтларга киришган анъа-  
навий образлар тизими йўқ. Қаҳрамонларнинг узун-  
дан-узоқ диалоглари ҳам берилмайди. Кўп қисмини  
қаҳрамоннинг ички нутқи ташкил этади. Аслида, мо-  
нологик нутқ асосига қурилган бу типдаги қиссаларда  
қаҳрамоннинг ўзидан ортиб теваракка назар солиши  
кам учрайди.

Лекин “Ёлғизлик” асарида руҳий изтироблар тас-  
виридан кейин қаҳрамоннинг теварак-атрофга назари  
ҳам айнан биринчи шахс назари орқали берилади. Ху-  
сусан: “Шамолда бир маромда шовуллаб турган дарахт-

ларнинг очик деразамдан кираётган қўшиғи мени барвақт уйғотди” каби тасвирлар адиб услубининг ўзига хос қирраларини намойиш қилади. “Ёлғизлик” қиссаси анъанавий қиссалардан фарқланиб, ижтимоий-маиший масалаларга урғу берилмайди. “Ёлғизлик” муаллифи билан бош қаҳрамонни (ровийни) тенглаштириш мумкин эмасдир, эҳтимол. Бироқ жаҳон адабиётшунослигидаги биографик метод намояндалари муаллифни қаҳрамонлари билан ёнма-ён қўйиб, бадий асарни ижодкор таржимаи ҳоли воситасида тадқиқ қилишни тавсия қиладилар. Тўғриси, қисса жанрининг биографик элементларни қамраб олиши адабиётшуносликда кўп таъкидланади. Масалан, Л.Н.Толстой, М.Горький, Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор ёзган қиссаларда шундай хусусият кўринади. Айнан услуб масаласида ҳам ёзувчининг психологик ҳолати, темпераменти, тарбия топган муҳити ва дунёқарашили аниқ тасаввур қилиш ижобий натижаларга олиб келади.

“Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамони ижодкор йигит. Аммо ижодий муҳитнинг ночорлиги, беҳаловат ўтаётган кунлар уни ўз ботинига қайта ва қайта назар солишга мажбур этади. Бу оламда нима ишлар қилиб юрганини қаҳрамон кўп ўйлаб, идрок этади. Ижоднинг машаққатли йўллари борасида бош қотиради. Бундай эпизодларда қаҳрамон файласуфга айланади. Қиссанинг энг асосий услубий қирраларидан бири қаҳрамон ора-орада ўқувчига шундай бир тарзда мурожаат қилади: “Тушуняпсанми, ўқувчи, ёзувчининг меҳнатю асарлари қиммати қай даражада эканини идрок этипсанми? Хеч бир санъат дурдонаси фақат сен учун, сенинг манфаатинг учун ёзилмаслигини пайқадингми, ниҳоят?”

Бундай услубий ўзига хосликнинг психологик асослари ҳам мавжуд. Айнан Улуғбек шахсиятини ўрганадиган бўлсак, гўзал сўз санъатининг табиати хусусида диссертация ҳимоя қилган мутахассисда бундай фикр-

лар бўлиши табиий ҳамдир. Иккинчидан, ўқувчи билан мулоқотга киришиш анъанавий ўзбек қиссалари таркибида фаол даражада учрамайди. Айнан ана шу жиҳатларига кўра бу тип қиссаларга услубий жиҳатдан янгича сифатини бериш мумкин.

Шодикул Ҳамронинг “Қора кун” қиссаси ҳам айнан услубий жиҳатдан шу тоифа асарлар жумласига киради. Ундаги қаҳрамонларга ҳам исм қўйилмаган. Қиссада кечадиган ҳодисалар жинни қиз, сомсапаз, қассоб, тобуткаш уста, фолбин хотин, оқсоқол, жувозкаш образлари орқали баён этилади. Қисса мазмун-моҳиятида трагизм кучли, ғайритабиий воқеалар баёни асосига қурилган. Масжид олдида турган, ўликлар учунгина зарур бўлган тобутнинг тўсатдан йўқолиши, кимлардир олиб кетиши ўқувчини беҳос хушёр торттиради. “Қора кун” бошланишидан дарак бергандек бўлади. Ёзувчи асари учун Пушкиннинг “Кўнгил жаннат истайди-ю, аммо бўйнимда гуноҳларим кўп-да...” – деган гаплари эпиграф ўрнида танланиши ҳам гуноҳкор қаҳрамонлар ҳақида гап кетаётганини англатиб туради.

“Қора кун”да рамзийлик бор. Айниқса, ёзувчи тобут деталига катта вазифа юклайди. Ёзувчи воқелик сюжети тобутнинг ўғирланиш ҳодисасига боғлиқликда тасвирлайди. Воқеалар қишлоқда юз беради.

Қиссанинг бир қанча эпизодларида тубанликнинг урчиб кетганига урғу берилади. Қишлоқ оқсоқоли жувозкашнинг уйига мой олиш учун боради. Жувозкаш яхши одам эмас. У пок-покиза зиғир ёғига пахта ёғини аралаштириб сотади. Тўймас нафсини қондириш йўлида ҳеч бир тубанликдан қайтмайди. Бундай одамларни охир-оқибат қора кун кутади.

Қиссада тобут йўқолиши тасвири воситасида бир қанча одамларнинг, касб эгаларининг ва ҳатто ёш болаларнинг тубанликка юз тутган “мен”и – аниқроғи, уларнинг қалбида эзгуликдан ном-нишон йўқлиги кўрсатилади. Жумладан, болалар қушларга азоб бера-

ди, тухумларини синдиради, шундан ҳузурланади: “Шу тобда уларнинг кўзларига ҳеч нарса кўринмасди, гўё қонларида мудраб ётган ёвуз ва шафқатсиз бир туйғу бирдан жунбушга келгандек, ҳамма-ҳамма нарсани унутганча қушларга тухум отишар, ёввойи ва хунук товушда қийқириб-қийқириб кулишар эди”. Болалар одамларнинг суяқларини, бошчаноқларини ёқиб ўйнайди. Улар табиатида қандайдир ваҳшийлик сезилади. “Қора кун” қиссасида ҳам воқеалар кечадиган макон ва замон аниқ сезилиб турмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги қиссалар услубида қисса ва роман қамрови, лирик ва эпик талқин қоришиб кетгани, қаҳрамон ҳамда воқелик, сюжет ва композиция катта ўзгаришга учрагани маълум бўлади.

### **Қиссаларни варақлаганда**

Қисса жанри узоқ адабий-тарихий жараёни босиб ўтган, бадиий мукамаллик касб этган жанр ҳисобланади. Қиссада айтилиши лозим бўлган фикр ҳар доим жанрнинг маълум бир “вакили” тилидан ҳикоя қилинади. Бинобарин, қисса баёнида ровий ва муаллиф нутқи қоришиб кетган ўринларда ҳам мана шу таъмоил ишлайверади. Яъни бу жараён жанрнинг ички структур таркибини ташкил этиб, унинг шаклланиш ва такомил йўлини белгилаб берган.

2016 йилда ўзбек адаблари томонидан журналларда, китоб ҳолида, сариқ матбуотда бир нечта қиссалар эълон қилинди. Уларда тарихий-ижтимоий, рамзий-мажозий, миллий қадриятлар ва ўзбеклар менталитетига хос колоритнинг тобора ёрқинроқ акс этиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Биз, асосан, “Ёшлик”, “Шарқ юлдузи” журналларида чоп этилган қиссаларни кузатдик. Бу қиссалар ҳозирги ўзбек қиссалари, уларнинг мавзу кўлами, бадиий савияси ҳақида умумлашма фикрлар айтишга бемалол имкон беради.

Тўлқин Хайитнинг “Ўғизхоннинг сўнгги қурилтойи” (“Шарқ юлдузи”, 3-сон) номли қиссасида тарихий шахс Ўғизхоннинг сиймоси гавдалантирилади. Қиссада Улуғ Турк сиймоси гавдалантирилганки, у туркий халқлар руҳи сифатида барча воқеаларни, адолатни, ор-номусни пасонгига солиб туради. Улуғ Турк “Сен туфайли эл-улус муштдай бир бўлиб – бирлашиб, оламга гўзаллик ҳадя этди, буюклик тожини кийиб, эл бўлди, халқ бўлди. Умринг узун бўлғай, сенга мустаҳкам ҳокимият насиб этгай! Номинг абадий ўчмагай”, – деган таърифларни айтадики, бу ҳам бутун туркий халқларнинг Ўғизхонга миннатдорчилик ҳайқириғидай туюлади. Асарга Кўк бўри образининг киритилиши эса, туркий халқларнинг қадимги тотемлари билан боғлиқ ҳодисалардир.

Асарда юртни яхлит сақлаш, туркий халқларга хос мардлик, орият, халқ раъйига қараш, инсон шаъни барча нарсалардан устун эканлиги, мусулмон одамга хос комиллик қисса сюжетида сингдириб юборилган.

“Ўғизхон оламини тартибга келтирди, дунё араваси тўрт томонга тортилмайди, ҳамма бирликда яшайди, Ер битта, уни асраш, унда тинч, осойишта яшаш, биргаликда кун кечириш барчанинг вазифасидир”, – деган чақириқлар замирида инсониятнинг асрий ниятлари ўз аксини топган.

Адабиётшунос Насимхон Раҳмонов “Ўғизхоннинг сўнгги қурилтойи” қиссаси ҳақида: “Ўғизнома” китобий эпоси ва Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асаридаги Ўғизхон шахси, унинг ҳукмронлиги давридаги маънавий ва ижтимоий-сиёсий муҳит асосига қурилган бўлиб, бу жаҳоншумул ҳукмдор ҳаётидаги битта воқеани – фарзандларига қўл остидаги юртларни бўлиб бериш воқеасини қамраб олади”, – деб ёзади.

Устоз олимнинг фикрларига тўла қўшилган ҳолда, бир воқеалик тасвирида Ўғизхоннинг ҳокимиятга ке-

лиши, халқнинг ишончини қозониши, юрт тинчлиги ва дахлсизлиги, қўшни давлатлар билан ўзаро тинч ва осуда ҳаёт кечириш, юрт фаровонлигини мустаҳкамлаш, марказлашган давлатни барпо этиш борасидаги тинимсиз меҳнат, аёвсиз кураш мотивлари сезилиб туради.

Асарда қурултой сўзига кўп урғу бериладик, аجدодларимиз давлат миқёсидаги ҳар бир ишни кенгашиб, кўпчиликнинг фикрини ҳисобга олиб, сиёсат олиб борганлигидан далолат беради.

Ўғизхоннинг улуғ ҳукмдор, меҳрибон эр, фарзандларига қаттиққўл ва ғамхўр ота, фарзандларини имтиҳон қилиши, унинг сўнгги васиятлари ҳам қиссани бугунги ўқувчи руҳига яқинлаштириб туради.

Жўра Фозилнинг “Бойқўнғир лолалари” (“Шарқ юлдузи”, 4-сон) қиссасида шоиртабиат йигит Жамолнинг шўро армиясида кечган кунлари “Полвон”, “Қаҳратон”, “Ложувард осмон”, “Жийда гуллаганда”, “Барханлар ичкарасида” каби қатор мустақил сарлавҳаларда кўплаб қаҳрамонлар образи, кўплаб янги воқеалар бадий талқин этилади. Уларнинг марказида бош образ Жамол тақдири билан боғлиқ кечмишлар туради. Воқеалар Жамол томонидан қисса қилинади. Ҳар бир қисм табиат, ҳолат, ижтимоий ҳаёт тасвири билан бошланади. Шу тарзда ёзувчи қисса қаҳрамони ва воқелик руҳиятига чуқурроқ кириб боришга эришади. Мутахассислар қисса жанрида асар воқелиги ва қаҳрамони бир жумла ёки ягона мазмун атрофида уюштирилади, деган фикрни билдирадилар. Жўра Фозилнинг ушбу қиссаси марказида “Бошга тушганни кўз кўради” дейилган халқ ҳикмати туради. Жамол, Шерназар, Самад, Ҳасан, Усмон, Ризо, Миша ёш бўлишига қарамай, кўплаб саргузаштларни бошдан кечиради. Турли ҳолат, вазиятларга тушади. Аммо иродаси букилмайди, инсонийлигини, имонини, одамларга, эзгуликка ишончини йўқотмайди.

Ёш йигитлар айна кучга тўлган, муҳаббат шаробини симирадиган вақтда инсон яшаши қийин бўлган, кум-барханлар ичида, ўзлари тушунмайдиган юмушлар билан банд бўлади. Ичи ифлосланган, фақат нафсини ўйлайдиган разил инсонлардан азият чекади.

Қисса жанри олдига қўйилган қадимий талаблардан бири қиссадан ҳисса чиқарилади. Бироқ, “Бойқўнғир лолалари” қиссасидан ҳамма вақт ҳам жўялик ҳисса чиқарилмайди. Айниқса, “Жийда гуллаганда” қисмидаги эски қабристон, қабрлардан келаётган сас, руҳларнинг безовта бўлиши эпизодлари ниҳоясига етмай қолган. Шунингдек, лейтенант Ежовнинг чўкиб кетиши, Миша Мижневнинг сирли йўқолиши етарли бадий асосланмаган.

Адабиётшунос А.Расулов: “Роман ҳикояга, қисса очеркка қаришдош”, деган гапни кўп гапирардилар. Бу ўринда қиссадаги лиризм назарда тутилган бўлса, ажаб эмас. Жўра Фозилнинг “Бойқўнғир лолалари” қиссасида публицистик руҳ устунлик қилади, яъни очеркка хос пафос етакчилик қилади.

Сойим Исҳоқнинг “Вафодор” (“Шарқ юлдузи”, 5-6-сонлар) қиссаси натурализм йўналишида ёзилган. Қисса қаҳрамони ўтаган мерган характериға барча чорвадорларға хос чапанилик, чўрткесарлик, тантилик, соддалик, орият сингдириб юборилган.

“Вафодор” қиссасида ҳайвонот, наботот, жамомота-ро алоқалар ўта табиий тасвирланган. Адибнинг ўзига хос ифода услуби билан инсонға хос хислатлар – мардлиқ, тантилиқ, яшаш учун кураш, яхшилиққа яхшилиқ, ёмонлиқдан нафратланиш каби туйғулар Вафодор лақабли ит воситасида тасвирланади.

Қиссадаги ровий табиат қонунларини обдан ўзлаштирган, ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишган. Қиссадаги воқеалар худди экран тасвирларида кўринганидек, ўқувчи кўз ўнгиде намоён бўлади. Китобхон ҳам ўтаган мерган, Вафодор лақабли ит билан бирға

Қорақуш, Норвонсой, Қавғоли, Қорақушсой, Шоғишмон, Осмонсой, Қайрағочли, Кўкбулоқ, Келитош, Ёзкечув, Қийқим, Қўйтош каби табиатнинг ўзи сифатини келтириб қўйган тоғ маконларида, даштларда юргандек бўлади. Ёзувчи услубининг ўзига хослиги шундаки, у тоғ сўқмоқларини, қоялар ва ирмоқларни эринмай тасвирлайди. Бадий асарнинг қиммати ҳам, фақат ижодкорнинг тасаввури ёки фантазияси билан эмас, балки воқеликни қанчалик ўзлаштира олганлиги, шу воқеликка ўқувчини қай даражада ишонтира олиши билан ҳам белгиланади.

Бир томондан Сойим Исҳоқ қиссасидаги Вафодор, бўрилар образи, уларнинг инсонга ўхшаган рухий кечинмалари, ўзига хос “қалби” билан тасвирланиши жаҳон адабиётида яратилган ҳайвонлар образини эсга солади. “Вафодор” қиссасининг табиати ва тасвир кўламининг қамрови айнан табиат билан инсонлараро муносабатларнинг бадий баёни миллий удумлар, миллий колорит ва ўзбеклар табиатига, миллий менталитетига хос тасвирлар билан параллел равишда олиб борилиши билан фарқланиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳайвонлар ҳаракатлари тасвирида ровий ақли билан иш кўрилмайди. Агар ҳайвонлар инсонлардек тафаккур юритганларида ёки инсонларга хос ҳаракат қилганларида китобхон бу тасвирга ишонмаган, бу ҳолатга шубҳа билан қараган бўларди.

“Вафодор” қиссасида ҳам итнинг инсонга ўхшаб фикр юритиши, баъзан онгли инсон қўлидан келмайдиган ҳолатлар жониворга юклатиладики, бу ҳолни оқлаб бўлмайди. Тасвирларга эътибор қаратайлик: “Бурилиб (Вафодор ит – Д.Х.), шу ерданок таъқибни бошлагиси келди-ю, бироқ ярадор итга ёрдам бериш истаги ёлиб чиқиб, ўзини зўрға тўхтатиб қолди. Вафодор тумшуғи билан авайлаб кўтариб, уни ўрнидан турғизмоқчи бўлди”, “Бунинг ҳалокатга олиб боришини билгани ҳолда

(қутурган итни тишлагандан кейин – Д.Х.) вазифасини охиригача бажарди”, “Жуда мажбур бўлиб қолмаса, уни ўлдиришга ҳеч қачон Мерганнинг қўли бормаслигини Вафодор билади”, “Лекин мен мардона ўляпман, ҳеч кимга зарарим тегмади, ҳеч кимни мусибатда қолдирмадим”, деган гаплар ёки қудуққа ўзини ташлаб ўлдириши зўрма-зўракиликдан бошқа нарса эмас. Қутурган ит, руҳий хасталикка чалинган инсон ўз ақл шуурини бошқара олмаслигини унутмаслик керак.

Бадиий асарда келтирилган воқеалар, жой номлари, образларнинг бадиий вазифаси бўлади. “Вафодор” қиссасида Ўғат руда кони, етти йиллик тўлиқсиз мактаб, клуб, Ўтаган мерганнинг ўғли Шукурбек номлари келтирилади. Аммо буларнинг бирортаси бадиий вазифани бажармайди. Шунингдек, Ўтаган мерганнинг тўрт кунлаб тошнинг устида ўтириши ва қашқирнинг кетмай туриши, саксондан ошган мерганнинг ёш йигитлардай итини ахтариб юриши ҳам ўқувчини унчалик ишонтирмайди.

Бахтиёр Абдуғафурнинг “Кибр минораси” (“Шарқ юлдузи”, 7-сон) номли қиссаси рамзий-мажозий мазмунга эга. Асарда Бобил цивилизацияси ва инқироzi ҳақида гап кетса-да, асар тагматнида бир қанча цивилизациялар, уларнинг айнан инсонлар туфайли инқирозга юз тутганлигига ишора қилинади.

Ҳозирги замонда космосни ўзлаштириш мақсадида тўхтовсиз ракета­ларнинг самога учирилиши оқибатида азон қатлами дарз кетди, турли ядровий қуролларнинг кашф қилиниши инсониятни жар ёқасига олиб келиб қўйди, завод-фабрикалардан чиқаётган чиқиндилар, табиатдан янада кўпроқ ҳосил олишга интилиш бир талай муаммолар келтириб чиқарди.

Асар қаҳрамони Ҳаммуда сингари инсонлар ҳамма замонларда бўлган ва ҳамма замонларда бир хил қатағонга учраган. Чингиз Айтматовнинг Авдий Каллистратов, Арсен Саманчук сингари қаҳрамонлари

ҳам инсонларни бўлғуси ҳалокатлардан асраб қолишга, огоҳлантиришга интиланган ва инсонлар томонидан қурбон қилинган.

Ҳар бир замоннинг ўз танланган одамлари бўлади. Улар инсониятни бўлғуси ҳалокатлардан хабардор қилиб туради. Яшаб ўтган 124 минг пайғамбар ҳам одам болаларини тўғри йўлга солишга, инқирозлардан, ваҳшийликлардан асраб қолишга интиланган.

Қиссадаги Ҳаммуданинг бобоси Эҳудр, сирли ёзувлар, сопол парчалари, ўтмиш асотир ва ривоятларларнинг ўз рамзий маънолари сезилиб туради.

Чорасиз қолган Ҳаммуда ҳайкаллар ясайди, ҳайкаллар билан гаплашади, дардлашади. Бу санъат дунёни қутқаради, деган пурмаъно фикрнинг нақадар тўғрилигига ишорадир.

Абдуҷалол Раҳимовнинг “Жийда гули” (“Шарқ юлдузи”, 8-9-сон) қиссасига ёш журналист йигит Ҳасан Алиевнинг ҳаёти, ижодий фаолияти асос қилиб олинган. Асар тили жуда раван, ғализликлардан холи.

Аммо қиссани ўқиб, ёзувчининг бадиий нияти нима? ўқувчига нимани айтмоқчи-ю, айтишдан мақсади нима эди? – деган саволлар пайдо бўлади.

Қисса қаҳрамони Ҳасан Алиев иқтидорли журналист. Қисқа вақт ичида туман газетасининг Қишлоқ хўжалиги бўлимига раҳбарлик қила бошлайди, туман катталарининг назарига тушади. Туман раҳбарининг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари Бегали Язидович шахсан келиб, уни қутлаб кетади.

Бироқ исбот қилинмаган бир хатолик учун ишдан ҳайдалади. Унинг ёнида юрган, унга хайрихоҳлик қилган муҳаррир ўринбосари Абдулла ака, масъул котиб Иззатилла Иброҳимов, меҳрибон Ёдгора опалари жимжит. Улар ҳаммаси тажрибали журналистлар, жамиятнинг зиёли одамлари, оддий шофер Зокиржончалик бўлолмайдилар. Савол туғилади: барча замонларда ҳаёт ичида қайнаган, оташқалб журналистлар қани?

Ёш билимли, иқтидорли журналист Хасан Али нега ўз тақдири учун курашмади? Ҳеч бўлмаса, ўз номини оқлаб қўймади, индамай узлатга чекинди? Қиссада бу саволларга жавоб йўқ.

Қисса сюжетига киритилган “Бўзсув” ҳақидаги афсона ҳеч қандай бадиий концепция бажармайди. Хасан ва Зухра учрашувлари, уларнинг муҳаббатлари ҳам зўраки ва ўта сунъий тасвирлардан иборат.

Услубий жиҳатдан ўзига хослик Қулмон Очилнинг “Қасд” (“Шарқ юлдузи”, 10-сон) қиссанинг композицион тузилишида ҳам кўзга ташланади. Қисса уч бўлимдан таркиб топган. Лекин уларнинг қамров кўлами баравар эмас. Қиссадаги асосий воқеалар баёни иккинчи бўлимда содир бўлади. Биринчи бўлим қиссадаги асосий воқеалар баёнига кириш-муқаддима вазифасида келади. Охириги бўлимда қиссанависнинг дил дафтари ёпилади.

Қиссада инсон руҳиятида доимий макон тутган, бир-бири билан азалий ғолиб-мағлуб бўлиб яшовчи шайтоний ва фариштавий туйғуларнинг кураши тасвирланади. Қисса ёшлик йилларида қасд олишни юрагига муҳрлаган ва унга эришган, ҳаёт поёнида қилган ишидан пушаймон еб, тавба-тазарруга юзланган ровий тилидан ҳикоя қилинади. “Мен тўрт одамни асфаласофилинга жўнатган жинойтчиман”, – дея иқроор келтиради ровий.

Қиссадаги ровийга исм қўйилмаган. Бу ҳозирги кўп қиссаларга хос хусусият. У бир вақтлар педуниверситетнинг тарих факультетини битирган, зиёли одам. Бироқ ҳаётнинг азалий қонуни, яъни қазойи муаллақ – ажал қачон, қаердан, қандай келишини бандаси билмаслигини тушуниб етмаган. Укасини машинада авария қилиб ўлдирган одамдан, унинг оиласидан қасд олишни кўнглига тугади ва унга эришади. Бу катта гуноҳ эканлигини англаб етганида эса ҳамма нарса бой берилган эди.

Ровийнинг онда-сонда профессор Панжи Намозов билан мулоқотга киришиши, дилидаги фикрларини ўртоқлашиши асарнинг жонли чиқишига сабаб бўлган. Ровий “Энди-энди иқрор бўлмоқдаманки, ёлғон ва фитнанинг ҳадди-ҳудуди йўқ, кўлами бора-бора ортса ортар эканки, камаймайди...”, “Инсоннинг фожиаси шундаки, у амал қилишдан кўра, талаб қилишга кўпроқ мойил бўлади”, “Одамзодни ғийбат, ерни шўр бузади”, “Соч толасининг ҳам сояси бўлади”, “Бу дунёдаги жамики мусибатларнинг илдизи таъмагирликка бориб тақалади”, каби мантиқли, жўяли гапларни айтиб турадики, ёмонлик фақат оми одамлардагина эмас, балки ҳаётини тажрибага эга, мантиқий тушунчаси бор одамлар кўнглида ҳам зуҳур бўлиши мумкинлигига ишорадир.

Қисса якунида ровийнинг муаллиф сифатида намоён (яъни – “Маҳмадана”) бўлиши маъқул усул эмас. Қиссада авария бўлган мотоцикл ва машина двигителларининг ўчмасдан туриши, Жонгулнинг гап-сўзлари ўқувчини ишонтирмайди.

Анвар Обиджоннинг “Мўттивоймисан, Миттивоймисан?” қиссаси “Ёшлик” журналининг 2016 йил 1-2-сонларида чоп этилган. Қисса ерга урса, кўкка сапчийдиган, шўх-шодон, тиниб-тинчимас Мўттивой тилидан қисса қилинади.

Қисса: “Э ошнажонлар-а, жа ғалати иш бўлди-да. Икки оёқда унчалик лапангламасдан юра олишимга қаралса, ҳарқалай, одам деса деғулик бўз бола эдим, кўзни бир очиб юмгунча тўрт оёқли кучукчага айланиб ўтирибман-ку”, – деган сўзлари билан бошланади. Сюжетнинг бу тартибда берилиши адабиётшуносликда ретроспектив сюжет дейилади. Яъни воқеалар кульминациядан бошланиб кетади.

Қисса тағматнида ҳалоллик, тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик, бошқаларнинг ташвишини ўзиникидай ҳис қилиш, одамларга қор келиш, атроф-муҳит, жонзот-

ларга меҳр кўрсатиш инсонийликнинг энг улуғ сифати эканлигини кўрсатиш, бу сифатларга амал қилмаган инсоннинг ҳоли вой бўлиши муқаррарлиги тасвирланади.

Асар болаларбоп тилда ёзилган бўлиб, сўз ўйинлари, аския усулидан ҳам маҳорат билан фойдаланилган.

Бола тарбиясида катталар орасида бўлиш, уларнинг тирикчилик тарзи билан яқиндан танишиш яхшилик ва ёмонликнинг фарқига боришда катта аҳамият касб этиши Мўттивой мисолида тасвирланади. Қуш уясида кўрганини қилади. Бола қанчалик шўх, шаддод, ўйинқароқ бўлса-да, унинг лексиконида бувисининг, умуман, катталарнинг тарбиявий таъсири сезилиб туради.

Ўзгаларнинг дилини оғритиш, қарғиш олиш, жониворларни, умуман, табиатга озор бериш нималарга олиб келиши ёш Мўттивой мисолида очила боради.

Анвар Обиджоннинг “Мўттивоймисан, Миттивоймисан?” қиссаси қаҳрамони Мўттивой “Шум бола” қиссасидаги Қоравой, “Сариқ девни миниб” асаридаги Ҳошимжон, “Мешполвон” асаридаги Мешполвон образлари каби боларнинг севимли қаҳрамонига айланиб қолади.

Абдужалол Раҳимовнинг “Тоғ гўзали” (“Ёшлик”, 12-сон) қиссаси мавзуси ҳам “Бойқўнғир лолалари” қиссасидаги эпизодларга ўхшаб кетади. Энди “Тоғ гўзали” қиссасидаги қаҳрамон бошидан ўтган воқеалар Мустақиллик даврида хизмат қилган Бердиёр, унинг Ойдин қишлоғилик покиза қалб эгаси Санамой билан кечган пок муҳаббати, дўсти Ғайратнинг ғаразли мақсадлари таъсирида пайдо бўлган туғёнларини жиловлай олмай, бир умрлик афсус-надоматда қолиши қисса қилинади.

Қиссадаги воқеалар ҳаётда жуда кам учрайди, яъни, типиклик касб этмайди. Бироқ ҳозирги адабиётда биргина инсон кечмиши билан боғлиқ воқеаларнинг тасвирланиши ҳам кўплаб учраб туради. Бу ҳол адабиёт-

нинг эскича қолиплардан воз кечиб, янгича тамойиллар сари интилаётганлигидан дарак беради.

“Тоғ гўзали” қиссаси қаҳрамони Бердиёрнинг кўнглидан кечаётган туйғулар, ёш йигитнинг беғубор илк муҳаббати ва бир оғиз сўз билан заволят топишини ўқиган ҳар қандай китобхон қалби ларзага тушади.

Қисса тилининг равонлиги, сўзларнинг қаҳрамон руҳиятига мос тушиши, қиссадаги лиризмни янада оширади. Ватанимизда кечаётган бунёдкорлик ишлари, ҳарбий соҳадаги муомала маданияти, намунали уй-жойлар қурилиши ҳақидаги ихчам тасвирлар, воқеалар бизнинг шу кунларимизда содир бўлганлигидан далолат беради.

Асар қаҳрамонларидан бири Ғайрат характеридаги худбинлик, ўзганинг бахтини кўролмаслик иллати ҳам ўз ажрини кўрсатди. Ёшлигининг айнаи ўйнаб кулаган даври ота-она, қариндош-уруғ, ошна-оғайнисидан йироқда, бир тирноққа зор бўлиб ўтди. Ўз яқинларидан ажралиб, ёлғизликка маҳкум бўлди.

Қиссадан чиқариладиган ҳисса шуки, вақт олий ҳакам, у одамларга бўйсунмайди, ўтган йиллар, бой берилган умидлар, ўйланмай қилинган ёки ташланган қадам кўнглимизда армон бўлиб қолаверади. Эҳтирослар орқасидан қувиб, юрак амрига, ақлга суянмаган ёшларга – ўйламай босилган ҳар қадамнинг саслари, умр поёнигача инсонни таъқиб этиши ҳақида огоҳлик бериб туради.

2016 йилда “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида чоп этилган қиссаларни ўқиб, шундай хулосалар қилиш мумкин:

Ҳозирги қиссаларда қаҳрамон ҳамда воқелик, сюжет ва композиция структур-семантик жиҳатдан ўзгаришларга учрамади; ўзбек насрида тарихий, натурализм, рамзий-мажозий ва реалистик мавзуларда қиссалар яратилаётир; айрим қиссаларда публицистик руҳ, баёнчилик етакчилик қилади, яъни қисса жанри билан очерк унсурлари қоришиб кетади. Бу ҳол бадиийлик-

нинг сезиларли даражада пасайишига олиб келади; замондошларимиз руҳи, мустақиллик ғоялари таъсирида шаклланган қаҳрамонлар характери акс этган қиссалар яратилмади; бу йилда болаларбоп асар сифатида Анвар Обиджоннинг “Мўттивоймисан, Миттивоймисан?” қиссасини, Бахтиёр Абдуғафурнинг “Кибр минораси” қиссасини рамзий-мажозий маънодаги мукаммал қисса деб кўрсатиш мумкин.

## II БЎЛИМ. ҲАЙРАТ УЧҚУНЛАРИ

**“Юрагинг – умрингдир, ором билмайди...”**

*Бағрим яшнар.  
Юрагим илиб,  
Қалбимда шеър гул каби  
битар.*

Шоирлик қисмат – яратганнинг инъоми. Шоирлик дард – берилган синов. Шеър яратилишидан олдин шоир минг азобларни бошидан ўтказади. Қаттиқ изтироблар чекади. Шунинг учун шеър кўнгил тубидан отилиб чиққан дард. Шеър ўзни англашга интилган қалб туғени. Ҳислар тушунади шеърнинг қадрини. Ҳиссиётсиз ўқилган шеър ўзини кўрсатмайди, дардини билдирмайди. Унда улкан ғурур мужассам. Шеърда шоир қалби билан шеърхон нигоҳи бирлашади. Фақат қарашлар ҳар хил, шоирда тўлғоқ дарди, шеърхонда ҳайрат. Шундагина улар диллашади, кўнгиллар бир-бирига ошно бўлади.

Саъдулла Ҳаким шеърлари кўнгилларга тез кириб боради, улар билан дўст тутинади:

*Юрагинг умрингдир,  
ором билмайди,  
Оғриса оғрисин,  
қилмагил ҳасрат.*

Чунки кўнгил мудом таскин излайди, ором истайди. Лекин юрак тиним билмайди, ҳамиша ҳаракатда, вужуд ҳарорати ундан. Бинобарин, инсоннинг тириклиги шу билан-да. Умр – қисқа, ҳаёт – ўткинчи. Шу қисматни англаган инсон елади, югуради. Инсонликка хос аъмоллар қолдиришга интилади. Шоир қалби би-

лан ошно тутунган кўнгил бу ҳақиқатни тез илғайди.  
Ундан ўзига хулосалар чиқаради.

Шоир қисқа ёзади, оз сўзга кўп маъно юклайди. Од-  
дий сўзлардан ҳам ташбеҳбоп маъно ясай олади:

*Эгри-бугри қайрағоч  
соясиди соялаб  
тўғри ўсган теракни  
шартта кесиб кетдилар...*

Хаёл мазмун ортига яширинган маънога кетади.  
Сохта қарашлар таъсирига берилган, “Ота пичоғи би-  
лан болаларини”, “Бола ханжари билан оталарни” (А.  
Фитрат) йўқ қилган сиёсатни “Эгри-бугри қайрағоч”  
тимсолида, ўша тузумдан манфаатдор бўлган кимса-  
ларни “соясиди соялаб” рамзлари билан баён этади.  
Ҳавасни ҳасадга алмаштирган кимсалар томонидан  
туҳматларга учраб, майиб ва мажруҳ қилинган мил-  
латнинг онгли кишилари қисматини кесиб кетилган  
тўғри теракка ўхшатади.

Шоир ҳаётнинг мураккабликларидан аччиқ са-  
боқлар чиқаради. Ўқувчини сергакроқ бўлишга, ин-  
сонни тушуниш, унга баҳо беришда шошилмасликка  
чақиради:

*От минган ҳар киши чавандоз бўлмас,  
Анди эмас эшак минганнинг бари!*

Файласуф шоира Анбар отин тўғри таъкидлагани-  
дек, “Махфий эмаски, ҳар шоирда ўткир ботиндаги,  
яъни ҳаёт ичидаги сирларни кўрадиган кўз бўлур.  
Ўшал ўткир кўз илан бошқалар кўрмаган сирларни  
мушоҳада қилуб, адаб ҳаририга буркаб, арзи маъни-  
сини нафис иборалар илан тараннум этар” (“Қаролар  
фалсафаси”).

Шоир Саъдулла Ҳаким ҳаётдаги воқеликдан, кўпчилик эътибор бермайдиган ҳолатлардан чиройли сатрлар яратади:

*Ҳавойи сўз эмас сукут,  
андиша,  
Тойса тилдан тояр одам  
ҳамиша.*

Андиша – инсонга берилган нодир неъмат. Керакли ҳолатларда сукут ризолик аломати. Андиша ва сукут меъёрларига риоя қилмаган инсон охир-оқибат шармисор бўлади, ҳурмат-иззатини йўқотади.

Шоир шу ҳикматнома фикрларга қуйидагича ташбеҳ битади:

*Бўшатиб бир четга отмас эдилар  
Оғзини очмаса май тўла шиша.*

Саъдулла Ҳакимнинг шеърларида файласуфона фикрлар бўртиб туради. Мақолларга, маталларга ҳамоҳанг туйғулар назмга кўчади. У халқимизга хос бўлган “етти авлодини суриштир”, “суяги тоза”, “арслон суягини хўрламас”, “тенг-тенги билан...”, “онасини кўриб қизини ол” каби қарашларга монанд “Ирсият” шеърида:

*Нечун гина қилай сендан, бадкирдор...  
Момонгнинг момоси балки дилозор,  
Бобонгнинг бобоси ўткандир жаллод! –*

каби мисралар орқали юқорида келтирилган пурҳикмат иборалар оҳанггини шеърга солади.

Шоир табиат манзаралари билан инсоннинг руҳий дунёсини уйғунлаштириб юборади. Унинг “Саратон” шеърида тасвирланган “Тераклар елпинар оёқда ту-

риб, Кетмон соясида мудрайди ғайрат” каби жонлан-тиришларида, “Тоблар, эритар қуёшни ёмби олтиндай, Фалакка ўт қўяр Саратон” каби мисраларида инсоннинг умри, унинг яшаш тарзи, инсонга хос бесаранжонлик аломатлари кўриниб тургандай таассурот қолдиради.

*Ер остидаги тупроқ  
Бош устида тож бўлар.  
Шох учидаги япроқ  
Оёқ остида сўлар,  
Уйғон, эй ер остида  
Ухлаб ётган дур ботир.  
Нур талашган япроқлар  
Бир-бир тўкилаётир.*

“Куз фалсафаси” шеъридан келтирилган мисраларда, инсон умри абадий эмаслиги, ҳамма нарсанинг ҳам поёни борлиги, “Нур талашган япроқлар” ҳам ерга тўкилаётганини таъкидлаш билан бирга, инсонни сергакликка чақиради. Манманлик, худбинлик, меҳрини бир-бировидан дариғ тутиши, бир кун бир манзилга бориши муқаррар бўлган инсонларга қанчалик ярашмаслигини айтади. Тупроқ “Бош устида тож бўлар” мисралари сергакликка даъват изҳори ҳамдир.

Шоирнинг Ватан, Она ҳақидаги ашъорлари кўп. Уларни эгиз тушунади:

*Шоирларинг кўндир – машҳур очунда,  
Улардан ошириб айта олмайман.  
Тириклигим, таянчим Ватан,  
Суюклигим, суянчим Ватан, –*

каби мисраларида камтарона дил изҳорлари бўлса ҳам, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббати ниҳоятда улуғ.

У Ватанга дабдабали ташбихлар айтмайди. “Ойбек наъматакка битди мадҳия, Олимжон назмида гул очди ўрик” каби мисралар билан дил изҳори қилади. “Ям-яшил майсалар наволарида” туяди Ватан ҳиссини. Ватанга бўлган садоқатини “Эт билан тирноқдек бир жону бир тан, Ватандан яралган Ватандан кетмас. ...Ватандан тўкилган Ватандан эмас”, – деб тушунади.

*Қуёш деди чўзиб илиқ кафтини:*

*“Менга берди онанг юрак тафтини”.*

*Тупроқ айтди: “Ҳар қадаминг ўйлаб бос,*

*Онанг менинг бағримдадир умрбод!”* – мисраларидаги онага бўлган муҳаббат, Ватанга бўлган меҳрдай таассурот уйғотади.

Муҳаббат ҳақида ёзмаган, унинг ҳажрида ўртанмаган, ҳижронида ёнмаган бирор кўнгил бўлмаса керак. Муҳаббат бу – тириклик белгиси, инсонийлик тамойилидир. Лекин муҳаббат ҳақида ҳамма турлича ёзади, турлича фикрлайди:

*Йўлбарснинг қўйнида*

*ухлагим келар,*

*Кийикнинг қулоғин*

*тишлагим келар.*

*Васлинг оташида куйиб-кул бўлиб,*

*Ҳажринг аёзида қишлагим келар.*

Кўриниб турибдики, Саъдулла Ҳаким муҳаббатни ўзгача тушунади. Ишқ дарди инсонни ботир қилади, қалбини гўзал ҳисларга чулғайди. Бироқ ҳижрон азоби ҳам борки, у ошиқни оташларда куйдиради. Шундай синовларга бардош берган кишигина ҳақиқий муҳаббатга етишади.

Саъдулла Ҳакимнинг аксар шеърлари бахшиёна туркумларни эслатади. Уларни мутолаа қилганда худди халқ дostonларидан парчалар ўқиётгандай бўласиз. Бу

табий, албатта. Чин шоирда миллий рух кучли бўлади. Шоирлик ҳам қондан ўтади-да. Бизнинг назмимиз илдизлари ўша оҳангларга бориб уланади.

“Кимнинг узуми ширин” деб номланган шеъри қадим оҳангларни ёдга солади:

*Шивирғони қуралай кўз,  
Барг остидан мўралайди.  
Териб есам бирин-бирин  
Ёр лабидек ширин-ширин.  
Воҳ, қани узум?  
Оҳ, мана, узум.  
Қўша-қўша олинг,  
Жуфт-жуфт солинг.*

Бу шеърни шунчаки ўқиб бўлмайди. Уни қўшиққа солиб, куйга солиб тинглаш керак. Шундагина шеърнинг завқини сезиш, унинг қатларида яширинган гўзалликка ошно бўлиш мумкин.

Тажнис мумтоз адабиётимизда кенг қўлланган бадий санъатлардан бўлиб, у “бирор нарса билан ўхшаш бўлмоқ” деган маънони англатади. Унда талаффузи ва шакли бир хил бўлган сўзларни турли маъноларда қўллаб, чиройли санъат ҳосил қилинган. Шоир ҳам тажнисдан фойдаланишга ҳаракат қилиб, ўзига хос тасвир яратган:

*Боқса гар субҳи қуёшдек  
боқади,  
Қалб қушин ёғду сутида  
боқади.  
Ям-яшил майса-гиёҳ  
бўстонида  
Лахча гулхан лоладек  
зебо қади.*

Биринчи мисрада қўлланган “боқади” – “қарамоқ” маъносида, иккинчи мисрадаги “боқади” – “боқмоқ, тўйдирмоқ”, тўрттинчи мисрадаги “зебо қади” – “қарамоқ” маъноларида тажнис ҳосил қилиши шеърни ниҳоятда гўзаллаштирган. Тўртинчи мисрадаги “зебо қади” сўзлари “зебо боқади” тарзида қўлланмайди-да, бўғинларни айрича қўллаб, таъсирни кучайтиради.

Саъдулла Ҳаким шоир сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам макташга арзирли одам. Унинг камтарлиги, соддалиги, кўнглида кири йўқлиги ёзган шеърларидан ҳам билиниб туради. Ўқувчиларга тақдим қилинган китобининг номи ҳам бежизга “Кўнгил юзи” деб номланмаган.

*Кўнгил юзин кўз ичидан  
ахтаринг,  
Кўклам изин куз ичидан  
ахтаринг.  
Сўздан либос киймиш,  
изтиробдан тож,  
Саъдуллони сўз ичидан  
ахтаринг.*

Шеър “Кўнгил юзи” деб номланган. Бу шеърда шоирнинг ўқувчига айтмоқчи бўлган асосий гаплари жамланган. Биз “инсоннинг сирини кўз сотади”, “яхши ҳосил олмоқчи бўлсанг, куздан ҳаракатингни қил”, “шеър-сўзга айланган шоирнинг дарди” маъноларига эътибор бермайлик-да, охириги “Саъдуллони сўз ичидан ахтаринг” мисрасига диққат қилайлик. Қани, шоир нима демоқчи? Шеърхонга яна қандай руҳий тухфалар қилди экан? Буни фақат китобни ўқиб, шоир билан сирлашиб, диллашиб билиб оласиз.

## **“Имтиҳони бордир ҳар оннинг...”**

*Балки...*

*Шеър ёзмоқнинг кераги ҳам йўқ,  
Қоп-қора тунларнинг пинжига кириб,  
Ногоҳ борлиғингга илашару чўғ...*

Ана шу “чўғ” Алишерни ашъор мулкининг султонига айлантирган, Шоҳ Бобурни Ватан сари чорлаган, Машрабни булбул каби сайратган, Мажнунни биёбонда кездирган. Ана шу “чўғ” бўлмаса, адабиёт бўлармиди, шеър бўлармиди? Ана шу “чўғ” бўлмаса инсон бедор бўлармиди, бедор бўлмагач, инсон инсон бўлармиди? Чўлпон бобо “Адабиёт яшаса, миллат яшар” деганларида инсонлардаги ана шу “чўғ”ни назарда тутган бўлса не ажаб. “Чўғ” – инсоннинг тириклиги, тафаккур манбаи. Ана шу “чўғ” шоир Ҳумоюнни (Ҳумоюн Акбаров) оташларга бошлайди, “Тўлин оймомони қучоқлаб олиб, Булутлар устидан...” парвоз қилдиради.

Ҳумоюннинг шеърларида болаларча буғуборлик бор, катталарнинг дард-алами бор:

*Бола эдик бир пайтлар биз ҳам,*

*Каттармоқни қилардик ҳавас, –* каби сатрлар ниҳоятда содда, самимий. Шеърхонни чуқур ўйлантиради, болаликнинг сирли гўшаларига етаклайди. Шоир сизни болаликнинг кўчаларидан дарҳол қайтариб олади. Ва ҳаёт сувратини чизиб қўяди:

*Имтиҳони бордир ҳар оннинг,*

*Қуринг йиллар аҳиллигини,*

*Ўзлаштирдик секин замоннинг*

*Айёрлик ва оқиллигини.*

Ҳумоюн Ватан ҳақида ёзаётганда баландпарвоз сўзлар ишлатмайди. Мураккаб жумлалар тузмайди. Шоир: “Далаларнинг кўксидан ўтган, Дехқон умри каби сўқмоқлар!”дан Ватан ҳиссини туюди. “Ўша содда боланг-

ни бугун Қўмсадингми, онажон Бешгул...” дея эркаланаётган сатрларда киндик қони тўкилган заминга меҳр бор. Ватанга бўлган муҳаббат бор.

Хумоюн “Эътироф” шеърида қуйидагича ёзади:

*Олис юртлар боғларин кездим,  
Уздим алвон лолаларини.  
Лекин қалбда бир қўмсаи сездим,  
Фарғонанинг далаларини.  
Чет шаҳарлар биноси гўзал,  
Курдим турфа фавворалари.  
Аммо мен-чун қадимий ғазал  
Самарқанднинг миноралари.*

Кўриниб турибдики, инсон меҳрини, Ватанга бўлган садоқатини, дил сўзларини ҳамиша баландпарвоз, эҳтиросли тарзда эмас, содда, самимий сўзлар орқали ҳам таъсирчан изҳор этиш мумкин экан.

Хумоюн шеърларида хаёл билан сирлашади, ёлғизлик билан танҳо қолганидан шодланади. Ана шундай лаҳзаларда “Дунёга не учун келгану Кимлигини билмаган одам...”дан ранжийди. “Дунёда меҳрга тўла кўзлар, ...жонозиқ сўзлар бор!..”лигидан таскин топади.

Шеър – дард ҳосиласи. Ижодкорнинг қоғозга тўкилган изтироби. Дарддан яралмаган шеър таъсирчан бўлмайди. Бироқ бу дард изҳори ҳар шоирда ҳар хил. Хумоюн-чи? Хумоюннинг изҳорида сокинлик бор. Ҳатто шивирлаб гапиради:

*Ўзингдан хафа бўл, ўзингдан,  
Хижолат ўтида ўртангил.  
Гуноҳлар қувганда изингдан  
Кечирма ўзингни,  
Ҳей, кўнгил.*

Ўзбек андишани ҳамма нарсадан устун қўяди. Андиша билан ғурур бошқа-бошқа маъноларни билдирса ҳам, ўзбек буларни эгиз тушунади. “Ўртада андиша бор” – деган боболардан қолган ўғит кўп ҳолларда халқнинг ғурурига урилган кишан бўлган. Ҳумоюнни худди шу ҳол қийнайди:

*Нега ахир бефаҳм зотлар  
Борлигини илмаслар кўзга?  
Юрагингдан кечган бу дардлар  
Айланолмас муносиб сўзга?*

Бир қарашда юқоридаги сатрлар Чўлпоннинг: Нега сенинг қалин товшинг “кет!” демайди уларга? Нега сенинг эрки кўнглинг эрк бермайди қўлларга? – сатрларини ёдга солади. Бу сатрларни битган Чўлпонни ҳам айна шу андиша қийнаган бўлса ажаб эмас. Андиша ортида эса бўғилиб ўлаётган ғурурнинг оҳлари бор эди. Лекин минг қилсаям, андиша-инсонга берилган нодир неъмат. Бу ҳикматни ҳис этган шоир:

*Андиша,  
Сен ҳайқириқ – сассиз,  
Сенда вулқон сукунати бор.  
Бефаҳмлар ўтаркан изсиз,  
Изларингга тан бериши бор!–* деб хитоб қилади.

Чинакам шеърда шоирона нигоҳ бўлади. Шу нигоҳ бўлмаганда, ойнинг тавсифи тутаган, гўзалликнинг аниқ формуласи яратилган бўлар эди. Ҳумоюннинг “Камалак” деган шеърда адабиётда кўп бор тилга олинган, такрорланган табиат тасвири келтирилади: эрта баҳор, осмонни қора булут босиб келиши, момақалдиरोқнинг гумбурлаган овози, чақмоқ чақиши, дарёларнинг лойқа аралаш пишқириб оқиши, сўнгра қуёш чиқиб, осмонда камалакнинг етти рангда товланиши. Шоир уни қуйидаги тарзда образли тасвирлайди:

*Осмон тўла қора жангчилар,  
Босиб келар қилич суғуриб.  
Қалқонларга теккан гурзидан  
Гумбур-гумбур садо келади.  
Жанг тугайди,  
Лашкарлар толган,  
Икки тараф кетар сақлаб жон.  
Фақат майдон бурчида қолган  
Товланади ўқсиз зар камон...*

Тасвир ифоданинг ўзига хослиги ўқувчини мафтун қилади. Шеърхонда баҳорий кайфият уйғотади.

Хумоюннинг аксар шеърлари халқ оҳанглари руҳида битилган. Улардан бахшиларнинг саси эшитилиб туради. Чунки у адабиёт майдонига кечагина кириб келган эмас, бир неча шеърини тўпламнинг муаллифи. Унинг дастлабки шеърлари дорулфунун талабаси бўлган кезлариёқ матбуот юзини кўрган. Шеършунос устозлар, талабалар чиғириғидан ўтган, эътироф қозонган.

\* \* \*

Шеър изтиробдан, хижрондан яралади. Ушалмаган орзулар, армонлар шеър бўлиб туғилади. Шоир айтганидек: “Ногоҳ армон бўлиб қолса-да, Шу армоннинг шароби ширин”. Шунинг учун шеър кўнгил тубидан отилиб чиққан дард. Шеърда шоир қалби билан шеърхон нигоҳи бирлашади. Шундагина улар диллашади, кўнгиллар бир-бирига ошно бўлади. Шеърятнинг азал талабини Хумоюн шоир жуда содда, самимий тарзда кўйидагича изоҳлайди:

*Бир кун айланарман оташин шеърга,  
Оҳанг қанотида ҳисдай елурман.  
Дўстим, ўйларингга берай деб далда -  
Юрагингга меҳмон бўлиб келурман!..*

Хумоюн ўз овозига, услубига эга бўлган ижодкорлардан. У борлиққа ҳайрат билан боқади. Нозик кузатишлари ила топган ҳайратларини шеърга солади. Шундан бўлса керак унинг шеърлари самимий ва содда, зўраки қофиялардан ҳоли. Айниқса, ёшлик деб аталмиш буюк хилқатнинг сеҳрли олами ҳақидаги нозик кузатишлари эътиборни тортади.

*Безор ёшликсан,  
Бебош, беташвиш,  
Ҳали самовийдир ҳаёлу сўзинг.  
Баҳорий фаслда сенгадир олқиш,  
Орзулар бобида бетимсол ўзинг.*

Ёшликнинг беғубор фаслини қўмсамаган, унга бир бора яна қайтмоқликни истамаган инсон борми? Инсон яратилишидаги поклик уни бир умр тарк этмайди. У ҳамиша ана шу покликка, беғуборликка талпиниб яшайди. Поклик ва беғуборлик эса, болаларгагина хос. Ҳазрат Навоий ёшликни: “умр фусулнинг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг шукуфа ва гулзоридур”, – дея улуғлаб, мадҳ этган. Хумоюннинг лирик қаҳрамони “Чорраҳада ўйчан ўспирин” бўлиб, ўзлигини топишга уринаётган, ҳали муҳаббатнинг хижронига йўлиқмаган, дўст-душманининг пандига учрамаган, хокисор инсон. Шоир болаликнинг пок туйғуларини ҳамиша соғиниб яшайди, уни ёмон кўзлардан қизғанади. Бироқ болалик ўткинчи. Вақт олий ҳакам, ҳаёт бешафқат, унда эзгуликлар билан бирга ёвузликлар ҳам бисёр:

*Айтгил, қандай унутмоқ мумкин  
Пок туйғунинг беғубор бағрин,  
Биз соғиниб яшашга маҳкум  
Болаликнинг соф туйғуларин...*

Инсон ҳамиша келажакка интилиб яшайди. Бирок ўтган умрдан, фурсатдан қоникмаслик ҳисси камдан-кам инсонларгагина хос фазилат. Шоирнинг мақсади битта, у ҳам бўлса, олий мақом – комилликка интилаётган ҳар бир инсон ҳаёт лаҳзаларини бесамар ўтказмасин. Чунки “Умр қисқа – ҳар лаҳза ҳикмат, Излаганга истагани мўл, Гоҳо тоғсан, гоҳо боғ фақат, Умр қисқа – Борса келмас йўл”.

Хумоюннинг шеърлари шеърхонни ўйлашга, фикрлашга ундайди. Асли, шоирнинг шеър ёзишдан мақсади ҳам шу-да. Шеър инсонга яшаш йўлларини ўргатмайди. Лекин мушоҳадага, хулоса чиқаришга чорлайди.

*Дилларга фараҳбахш туйғулар тўлар,  
Ёлғондан айтмасанг битта сўзни ҳам.  
Манзил яқин бўлар, йўл оқин бўлар  
Оддий инсон бўлиб босолсанг қадам, –*

каби мисраларидаги маъно инсоннинг бу синов дунёсидаги мазмун-моҳиятини англатади.

Шеър – тасаввур маҳсули, ҳайратлар жилоси. Уни англаш учун шоир қалбига яқинлашиш, сийратига қулоқ тутиш лозим. Шоир айтганидек:

*Шоирга кўп бермагил озор,  
Унинг мангу ташвишлари бор.  
Ҳамдард бўлу тушунолсанг, бас,  
Мададга қўл чўзмоғинг бекор.*

Хумоюннинг шеърларида табиат тасвири, шоирлик нигоҳи ҳам ўзгача. Унда ёмғир томчилари гулнинг гўзаллигига қараб йиғлаган булутнинг кўз ёшларига қиёсланади, “Аста кириб келади ёмғир, Шитир-шитир барглари босиб” каби жонлантиришларида, “Ям-яшилдир баҳорнинг йўли, Ҳаволар ҳам ювилган, рав-

шан. Тупроқларда томчининг гули, Ёмғирлардан қолган бу гулшан” каби баҳорий тасвирларида, “Воқиф бўлгин китоб сиридан – Шунда ҳаёл ураверар барқ. Оломоннинг устига бирдан Оқиб чиқар китоблардан халқ!” каби сатрларида шоирнинг ҳайрат нигоҳини ҳис қилиш мумкин.

Шоир бир шеърда:

*Менинг қаламимга термулма, етар,  
Бу йўлда кўзларинг не ҳам кўрибди.  
Йўлларим очгайдир муқаддас дуо –  
Оқ йўл берган бобом қараб турибди! –* деб ёзади.

Ҳа, Ҳумоюн ўз йўлига, овозига эга бўлган шоир. Ўз Ватанига, элига сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлаган фарзанд. Шунинг учун шеърларида Амударёю Сирдарёнинг мавж оҳанглари, кўҳна Бухоронинг минорлари, қадим Насаф қалъасию водий гўзалликлари тараннум этилади.

Ҳумоюн шеърлари ҳақида ҳассос шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сўзларини келтиришни жоиз топдик: “Асл шеърлар шоирнинг изтироб денгизидан топган гавҳарларидир. Илло, бу инжуларни топмоқ учун ғам дарёсини минг бора кечиш, қайғу жомидан сипқориш, кези келганда ўз ташвишларини четга суриб, ўзгалар дардига елка тутиш керак. Бу борада шоир қалбида “кўнғироқлар”нинг жаранглаб туриши уйғоқликка, бедорликка даъватдир.

Энг муҳими у шеър ишқида ёнишни, инсон кўнглига сўзлари билан гўзаллик, меҳр, яхшилик уруғи сепишни билади, унинг илоҳий масъулиятини ҳис этади”. Юқорида таъкидланганидек, Ҳумоюн адабиётнинг, санъатнинг инсоният олдидаги вазифасига жиддий қарайди.

*Кўкси доғ митти қалам  
Тик турса ҳам бир нафас,  
Осмонга устун бўлар,  
Юрак, юрак ёнса бас!*

Шоир ўзининг фикрларига содиқ қолган ҳолда, шеъриятнинг талабларига хиёнат қилмайди. “Ўткинчи елларга битмасман ашъор”, “Ҳар неки гўзалга атамасман шеър”, – каби мисралари ҳам шоирнинг адабиётга, шеъриятга қай даражада ёндашишини кўрсатиб турибди.

Шоир бир шеърда:

*Дил ором, сокинлик истайди  
Бу шовқин, бу довул дунёда.  
Соҳира оҳанглар излайди*

Соғинч-ла интиқ бир навога, – деган иқрорини айтади. Демак, шоир ҳали-ҳануз изланишда. Шеърхонга айтадиган дардлари, дил розлари ҳали олдинда. Демакки, шоир ижодида камчиликлар, ҳиссиоз сатрлар, қиёмига етмаган тасвирлар учрайди. Бу табиий ҳамдир. Интиҳога етган ижод бу ижодкор учун ҳалокатлидир.

\* \* \*

Ҳумоюн шоирнинг “Унутилган гул”, “Юракдаги рангин камалак”, “Дилхирож”, “Кўнглим гули”, “Ёшлик бекати”, “Туйғулар рақси”, “Интиҳосиз наволар” каби шеърий тўпламларида шеърлари, таржималари, дostonлари ўрин олган ва шеърият мухлисларининг нигоҳидан ўтган. Шоирнинг бир китоби “Ёшлик бекати” деб номланади. Бу тўплам Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига бағишлаган. Шунинг учун аксар шеърлар университетнинг муқаддас даргоҳи, талабаликнинг олтин даври, устоз ўғити, хуллас, унутилмас хотиротлар ҳақида.

*Ёшлик шаҳри, муҳаббат шаҳри,  
Қайтолсайдим бағрингга яна.  
Бошқачароқ яшардим балки,  
Юртимдаги улкан дарсхона.*

Инсон ҳамиша келажакка интилиб яшайди. Бироқ ўтган умрдан, фурсатдан қониқмаслик ҳисси камдан-кам инсонларгагина хос фазилат. Шоирнинг мақсади битта, у ҳам бўлса, олий мақом – комилликка интилаётган ҳар бир инсон ҳаёт лаҳзаларини бесамар ўтказмасин:

*Бу дунёга устун  
илми ахлоқдур.  
Бешак ушалгайдир  
Муқаддас орзу.  
Асли Дорилфунун  
Катта бир боғдир  
Туркий гулистонда –  
Ўзбекистонда.*

Шоир илм-маърифатнинг инсон ҳаётидаги беқиёс ўрни, унга чин дилдан интилган инсоннинг орзулари сўзсиз ижобат бўлишини таъкидлайди. Унинг шеърларида Миллий университетнинг Туркистон халқлари ҳаётида тутган мавқеи ва шу даргоҳдан фахрланиш туйғусини сезиш қийин эмас.

*Ҳаёт йўлини Ёшлик бекати,  
Манзилларни боғлагувчисан,  
Беғуборсан, пок муҳаббати  
Кўнглиларни чорлагувчисан.  
Юртимнинг ҳар гўшасидамиз,  
Қўмсаганда ҳаёлан, баъзан,  
Биргалашиб бағринг кезгаймиз.*

Ёшлик шаҳарчасининг беғубор таровати илму ур-фон йўлини танлаган ҳар бир толибнинг қалбидан чуқур жой олганлиги юқоридаги сатрларда ўз аксини топган. Зеро инсон ўз ёшлигини қанчалик соғинса, ёшлик билан боғлиқ ҳодисаларни, ўтган ҳар бир дамларни ҳам қўмсайверади. Шоирнинг инсонга хос бу туйғулари шеърий сатрларга кўчиб, шеърхонни узоқ болалик сарҳадларига бошлаб боради.

### III БЎЛИМ. АДАБИЙ ТАҚРИЗЛАР

#### Танқидшунос олим

Инсон санъатнинг моҳиятини англаш баробарида-ёқ таҳлил-талқин каби тушунчаларга дуч келган. Шу даврлардан бошлаб санъатдан маъно қидирган, унинг сеҳр-жозиба сирларини билишга интиланган. Чунки санъат асарлари ижодкор кўнглининг туб-тубида пайдо бўладиган сеҳрли оламдир. Унда сийрат фикрлайди, сураат ижро этади. Кўнгил асрорини ошкор қилиш учун ўша оламга кириш, унинг сирларидан воқиф бўлиш талаб қилинади. Кўнгилда кечган ҳисларни англаш ҳаммага насиб этмаганидек, уни тушуниш ва баҳолашга ҳам камдан-кам инсонлар муяссар бўлади. Ана шуларни мунаққидлар деб аташади. Улардан "...туғма истейдод, нафосат туйғуси, адабий билим, нозик диддан ташқари ўзи танлаган йўлда қатъият, шижоат, холислик, фидойилик ҳам талаб этилади" (У.Норматов).

Истиқлол шарофати билан бошланган бадиий тафаккурдаги янгиланишлар адабиётшунослик фанининг барча таркибий қисмларида ўз аксини топмокда. Жумладан, адабий танқид соҳасидаги тадқиқотларда бўй кўрсатаётган турли хил ёндашувлар бунинг далилидир. Адабий танқидчиликнинг зиммасида фақат бадиий ва санъат асарлари таҳлилигина эмас, балки таҳлил-талқин қилишнинг назарий томонлари ҳам қамраб олинганки, шунинг ўзиёқ бу соҳанинг катта масъулият талаб қилишини кўрсатади. Профессор Абдуғафур Расулов адабиётшуносликдаги мураккаб соҳа ҳисобланган танқид назариясига қўл урган ва уни қойилмақом бажара олган мунаққидлар сирасига киряди.

А.Расуловнинг "Танқид, талқин, баҳолаш" китоби айни шу соҳа олдида турган вазифалар, янгича қарашларни акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Китобда

бадий санъат нозикликларини англаш, уларнинг умуминсоний тамойиллар ва миллий мезонлар асосидаги талқини тадқиқ этилган. Унда кўхна Шарқ адабиётшунослигида дунё тан олган адабий-эстетик қарашлардан тортиб, рус-европа бадииятидаги замонавий тамойиллар ҳақида фикрлар билдирилади. Шарқ мусулмон адабиётидаги бадий-эстетик қарашлар рус-европа илмидаги мавжуд қарашлар билан қиёсланади. Мезонларнинг фарқли ва умумийлик хусусиятларига оид илмий хулосалар “Катарсис”, “Герменевтика” тушунчалари шарҳланган ўринларда яққолроқ намоён бўлади.

Бадий асарнинг завқ берувчи қуввати матн орқали амалга ошишини таъкидлаб: “Ҳақиқий адабий-бадий матн – ўзига хос, бетакрор қурилма. Унда адиб услуби, истеъдоди, интеллектуал даражаси акс этади. Чин адабий матн – маънолар хазинаси, пишиқ-пухта тўқилган мато мисоли. Матн бир қанча қатламлардан иборатки, китобхон, танқидчи ўз имконияти даражасида шу қатламларни забт этади”, – деб ёзади мунаққид.

Кўриниб турибдики, тадқиқотда бадиият намуналарини баҳолашда бирламчи омил матн экани, чиқариладиган ҳар қандай хулосалар ва талқинларда фақат матнга суянилиши таъкидланади. Адабиётимиз ўтмишидаги матндан ташқари маънолар излаш, турли “изм”ларга тикиштириш ва ғоябозлик ҳолатларини эсласак, бу фикрларнинг қиммати янада ортади.

Тадқиқотда реализм методининг пайдо бўлиши, унинг бадий тафаккурга таъсири кенг ёритилган. Олимнинг таъкидлашича, бу метод “Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Имом Таззолий, Замахшарий, Шайх Аҳмад Тарозий, Навоий, Иммануэл Кант, Хеорг Хегелдан бошланади-да, Фрейд, Фромм, Хайдеггер сингари файласуфлар ижодига уланиб кетади. Эътибор берилса, Хегелдан сўнг узилиш бўлади, азалий боғлиқлик маълум муддат йўқолади”.

Бўшлиқда “ижтимоийлик” концепциясининг пайдо бўлиши, унинг ижтимоий онга таъсири кўрсатилади. Шўро сиёсати таъсирида шакланган “шафқатсиз, адолатсиз китобхон образи”, “шахси, шакли-шамойили ноаниқ” лекин “коммунистик партия мафкурасига содиқ” тимсолларнинг яратилиши ва рағбатлантирилиши ишонарли далиллар билан очиб берилади.

Китоб уч бобдан иборат бўлиб, “Ўзлаштириш эстетикаси ва талқин тадрижи”, “Талқиний ёндашувлар ёхуд мақсадли таҳлил”, “Талқиний жараён: таҳлил йўллари, мақсад ва вазифалари” каби мавзулар қамраб олиниб, улар ҳам ўз ичида бир нечта фаслларга бўлинади. Мунаққид фикрини исботлаш учун гапни мозийдан бошлайди. Ҳозирда янгилик сифатида қаралаётган фикрларнинг илдизи кўҳна Шарқ адабиётида ҳам мавжуд бўлганини, улар қандай номлар билан аталганини ишонарли далиллайди. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг фикрларини таҳлилга тортади. Жумладан,

Сабот ўлмаса Навоий оти назми зайлида

Фаҳм айлар сирли дарк камоли адосидин, –

байтини келтириб: “Дарк назокати, идрок нафосати, зурафолик мушкулликлари хусусида Имом Ғаззолий, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Иммануэл Кант, Хеорг Хегел асарларида илмий-назарий фикр-мулоҳазалар айтилган. Аҳли дарк, зурафо ҳақида айтилган гаплар танқидчилик ҳақидаги мулоҳазалар эканлиги яқин-яқинларгача кўпчиликнинг ҳаёлига келмаган”, – деган ҳаққоний хулосага келади.

Кези келганда айтиш керакки, баъзи адабиётшунослар адабиётни “мумтоз” ва “замонавий” деб иккига ажратадилар. Ғўё улар наздида ҳар соҳанинг ўз мутахассислари бор. Абдуғафур Расулов бундай олимлардан эмас. Унинг “Илми ғарибани қўмсаб...” ва биз фикр юритаётган “Танқид, талқин, баҳолаш” китобларида мумтоз адабиётимиздаги танқид назариясига оид манбалар чуқур таҳлилга тортилган.

А.Расулов ўзбек танқидчилик илмидаги бир қанча жанрларнинг илмий-назарий асослари ва муаммолари етарлича ёритилмаганини бот-бот эслатиб ўтади. Ғарб адабиётида бу муаммолар тўғрисида салмоқли ишлар қилингани ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

Бадий асарда ижодкорнинг руҳи, дунёқараши эстетик савияси муҳим ўрин тутати. Бу ҳодисани ижодкор билан кўп марта ҳамсуҳбат бўлган, яқиндан билган мутахассис, айниқса, яхши тушунади. Асарни ўқиётганда ижодкорнинг овозини, унинг юрак тафтини сезиб туради. Танқидчилик назариясида танқидий-биографик очерклар, адабий портретлар, адабий лавҳа ва биографик эсселарга кўп марта мурожаат қилиниши ҳам бежиз эмас. Китобнинг “Бадий асарда ёзувчи тақдирини ёхуд тарихий-биографик ёндашув” деб номланган фасли илмий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Монографияда жаҳон адабий-танқидий тафаккурининг айна шу хусусияти ҳақидаги қарашлар умумлаштирилган. “Шарқ мумтоз адабиётида пайғамбарлар, авлиё, машойих, ҳакимлар, уламолар, ёзувчилар, давлат арбоблари-шоҳлар, султонлар, амирлар ҳақида битилган асарлар”нинг кўплиги билдирилиб, ўзбек адабиётшунослигида яратилган биографик тадқиқотларнинг ютуқ ва камчиликлари янгича қарашлар асосида таҳлил қилинган.

Абдуғафур Расулов сўзнинг маъносини ниҳоятда нозик ҳис қилади. Шундан бўлса керак, домла аудиториядами, дарсдан бошқа вақтдами мулоқот даврида ўзининг зиёли эканлигини унутмайди: юриш туришидан тортиб, то муомала маданиятигача чин зиёличасига иш тутати. Устознинг таҳлил-талқин маданияти ҳам ўқувчининг ҳавасини келтиради. Баъзи китобларда учрайдиган кескин қоралашлар, ўзгача қарашларни инкор қилиб, фақат ўзининг фикрини мутлақ ҳақиқат ҳисоблаш каби ножоиз тамойилга йўл қўйилмайди. Балки санъат асарларининг таҳлили шундай бўлиши керак-

дир? Фикрларнинг ўзаро бир хиллиги аниқ фанларда бўлади-да. Санъат асарларининг кўп томонлама жило бериши бор ҳақиқат-ку. Мунаққид мавжуд қарашларни келтиради. Фикрда хатолик бўлса, унинг сабабини аниқлашга ҳаракат қилади. Сўнгра ўзининг таҳлилий хулосасини айтади. Мунаққид китобни талабалар, магистрлар ҳам мутолаа қилишини назарда тутиб, боблар якунида умумлашма хулосалар берганки, бу ҳам ишнинг илмий қимматини оширади.

Китобда келтирилган “1890 йилдан то XX аср охиригача ўзбек танқидчилигида 250 дан ортиқ адабиёт мухлиси, журналист, мутахассис, арбоб-мунаққид танқидчилик майдонига кирган: узоқ-қиска муддатдаги ижоди; муҳим, ўртача, ҳатто паст савиядаги асарлари билан ўзбек танқидчилиги тарихида из қолдирган”, – деган фикрлари китобни ёзиш жараёнида мунаққиднинг жуда кўп манбалар билан танишиб чиққанлигидан дарак беради.

Профессор А.Расулов адабиётимиздаги тан олинган санокли мунаққидлардан бири эди. Мунаққиднинг адабий танқид назариясига оид фикрлари “Бадиийлик – безавол янгилик”, “Бетакрор ўзлик”, “Услуб – истеъдод портрети” каби китобларида ҳам давом эттирилди. “Адабий танқид тарихи”, “Адабий танқид назарияси” фанларида ўқиган маърузаларида ўз аксини топди ва талабалар томонидан қизғин кутиб олинди.

\* \* \*

Аждодлар яратган маданий ёдгорликлар авлодлар яратажак маънавиятга озуқа бериб туриши исботланган ҳақиқат. Зеро, юксак цивилизацияга эришган миллатлар маданиятига эътибор қаратилса, уларга ўтмишдан салмоқли мерос қолганлигини кўриш мумкин. Ўзбек миллий маданияти, хусусан, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида қадим аждодларимиздан қолган бой адабий дурдоналарининг руҳий қувва-

ти сезилиб туради. Шунинг учун олиму ижод ахллари аждодлар ижоди намуналарига, уларнинг ҳаёт йўллари бот-бот мурожаат қилади. Кўнгил ташналиги ва тафаккур эҳтиёжини улардан қондиришга уринади.

Кечагина бир кафедрада ёнма-ён ишлаб, адабиёт, танқидчилик, танқид этикаси ҳақида гаплашиб юрган танқидшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Абдуғафур Расулов бугун орамизда йўқ. Бадиий асарни таҳлил, талқин қилаётганимизда дафъатан устознинг фикрлари, йўл-йўриқларига эҳтиёж сезилади. Шунда олимдан қолган бой адабий меросга мурожаат қилинади.

Устоз Абдуғафур Расулов билан ўн йиллар чамаси “Ҳозирги адабий жараён”, “Ўзбек танқидчилиги тарихи”, “Адабий-бадиий танқид тарихи” фанларидан маъруза, амалий ва семинар машғулотларини бирга олиб бордик. Устознинг ҳар бир маърузаларини кириб кузатардим. Бир хил мавзудаги маърузалар кейинги йиллари айнан такрорланмас, янгиланган, тўлдирилган, биз каби ҳамиша устознинг ёнида юрадиган шогирдлар учун мутлоқ янгилик касб этарди. Устоздаги ўз касбига бўлган масъулият ва муҳаббат, ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик, дарслардаги самимий рух ҳамиша биз шогирдларни ҳайратга соларди. Домла мавжуд назарий ва амалий қарашларни талабаларга етказибгина қолмасдан, фандаги мавжуд муаммоларни, ечилиши керак бўлган масалаларни ҳам ўртага ташлардики, бу фикрлар кейинчалик битирув малакавий ишлари, магистирлик диссертациялари ва бошқа тадқиқотларда ўз нихоясини топарди.

Абдуғафур Расулов ўз замондошлари бўлган адабиётшуносларни, адибларни жуда яхши танирди ва уларнинг ижодини ҳамиша кузатиб борарди. Бу ҳол устознинг доимо адабиёт ичида “яшаган”идан дарак беради. Гап катта ёки кичик ёшдаги ижодкорлар ҳақи-

да кетганда, домла бир завқланиб олиб, “Ҳа, у жуда катта ижодкор”, ёки “Мана шу бола жуда зўр ёзипти-да, топқирлигига қойил қоламан”, каби таърифларни келтириб, ижодкорнинг ҳаёти, ўзига хос характери, асарларидаги кўпчилик эътибор бермаган топилдиқларини санаб кетардики, натижада, асарни қайтадан ўқиб чиқишга ҳаракат қилиб қолардик. Устознинг: “Фарзанд ўз ота-онасига ўхшайди. Асар ҳам ижодкор маҳсули экан, у ҳам ижодкорга ўхшамаслиги мумкин эмас. Асарни таҳлил қилаётган, баҳолаётган танқидчи ижодкор ҳақида, унинг ижод лабораториясидан хабардор бўлиши керак”, – деган гаплари бўлажак адабиётшуносларга, танқидчиларга ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

Маҳсулотни баҳоловчи одам, аввало, холис ниятли бўлиши керак. Бадиий асарни таҳлил қилишга уринган танқидчи ҳам пок ниятли, кўнглида кири йўқ, нозик дидли бўлиши лозим. Устознинг: “Асарга баҳо беришда шахсий гиналар, адоват устунлик қилиб турса, асар ўзининг ҳақиқий баҳосини ололмайди. Танқидчи энг аввало кўнгли тоза одам бўлиши даркор. Ғаразгўй одамдан танқидчи чиқмайди”, – деган сўзлари ҳамон ёдимизда. Устоз ҳаётда ҳам, ижодда ҳам кўнгли тоза одам эди. Домланинг бирор одамни ёмонлаётганини, қийётганини эшитган эмасмиз. У ҳар қандай кайфиятда, шароитда ҳам ўзини идора қила олар, вазминлик, самимийлик билан муомалаа қиларди. Устознинг танқидчиликка оид барча асарларида мана шу руҳ сезилиб туради. Танқидчи этикасини Абдуғафур Расулов ниҳоятда чуқур идрок этган эди.

Абдуғафур Расулов нафақат ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётшунослигини, балки жаҳон адабиётшунослигини ҳам яхши ўзлаштирган олим эди. Устознинг соцреализм, адабиётнинг сиёсийлашув жараёни, санъат асарларидан фақат ижтимоий ҳодисаларни талқин қилишнинг оқибатлари, герменевтик ва синергетик

тахлил усуллари, адабий танқиддаги структурал методлар, модернизм, постмодернизм оқимларининг ўзбек адабиётига таъсири ҳақидаги мақолалари ва маърузалари эътиборга моликдир. Айниқса, Абдуғафур Расуловнинг бадиий асарлардаги “увоқ” образлар орқали ҳам катта-катта талқинлар чиқара олганлиги, бадиий адабиётга ниҳоятда синчковлик билан ёндашганлигини кўрсатиб туради.

Абдуғафур Расулов танқидчиликнинг деярли барча жанрларида қалам тебратган танқидчилардан эди. Айниқса, адабий портрет жанрида баракали ижод қилди. Мунаққиднинг Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги “Абдулла Қаҳҳор ва ёшлар”, “Абдулла Қаҳҳор университети”, Озод Шарафиддиновга бағишланган “Истеъдод ва эътиқод”, “Шарафли Шарафиддиновлар”, Ўткир Ҳошимовга бағишланган “Ардоқли адиб”, Худойберди Тўхтабоевга бағишланган “Ғаройиб салтанат”, Анвар Обиджон ҳақидаги “Ижодий ўзлик сари йўл”, Эркин Аъзам ижоди ҳақидаги “Услуб – истеъдод портрети” асарлари, шунингдек, адабиёт майдонида номи чиққан олиму ижодкорлар портретига чизгилари адабиётшунослар, мунаққидлар эътиборига сазовар бўлган.

Устоз Абдуғафур Расулов ниҳоятда меҳмондўст инсон эди. Унинг хонадони ҳамиша очиқ, дастурхони тўкин, дастурхон атрофида ҳамма вақт адабиёт шинавандалари, ижодкорлар, шогирдлари бисёр бўларди. Дастурхон атрофида адабиёт ҳақидаги энг янги маълумотлар ҳақида гап кетарди. Устознинг уйида меҳмон бўлмаган, Раъно опамизнинг шириндан-ширин таомларини тотмаган шогирдлар бўлмаса керак. Устоз Абдуғафур Расулов ҳар томонлама ибрат бўларли фазилат соҳиби, яхши кайфият билан эсга олинадиган устозимиз эди. Устозимизнинг охирати обод бўлсин!

## Услуб назарияси хорижда

Ўзбек адабиётшунослигида услуб истилоҳининг унсурлари, таркиби ҳақидаги назарий қарашлар XX аср бошларида шаклланди. Санокли илмий ишларни истисно қилган ҳолда, узоқ вақт рус ва хорижий қарашларнинг таъсир доирасидан чиқиб кетолмади. Бадиий услуб тадқиқига бағишланган ишларда, асосан, рус адабиётшуносларининг назарий фикрлари келтирилиб, мисол тариқасидагина ўзбекча асарлардан парчалар берилди. Бироқ ўтган асрнинг сўнггида юз берган бадиий тафаккурдаги ўзгаришлар услуб истилоҳини назарий тадқиқ қилишни кун тартибига чиқарди.

Адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг “Наср ва услуб”<sup>1</sup> монографияси, гарчи наср услуби тадқиқига бағишланган бўлса-да, ана шу эҳтиёжни бир оз қондириш йўлида жиддий қадам бўлди. Асарда нафақат рус ва ўзбек адабиётшунослигидаги услубга доир ишлар, балки украин, арман, озорбайжон, болтиқбўйи олимларининг тадқиқотлари, назарий қарашлари умумлаштирилиб, ҳозирги давр талабига мос хулосалар чиқарилди. Ҳеч истиҳолага бормай айтиш жоизки, мазкур рисоладаги фикрлар, мавжуд қарашлардан бир поғона кўтарила ҳам олди. Ўзбекстонда ушбу монография 90-йиллар бошларида яратилган бўлса-да, орадан йиллар ўтиб, турк тилига таржима қилинди (мутаржим Yusuf AVCI) ва хорижий олимларнинг эътирофига сазовар бўлди.

“NESİR ve ÜSLÛP” (Üslûp Sorununa Nazarî Bakış ve Günümüz Özbek Nesrinde Üslûp Arayışları)<sup>2</sup> рисоласининг сўзбошисида турк адабиётида услубнинг назарий томонлари ҳақида жуда кам тадқиқотлар олиб борилгани, мавжуд ишлар ҳам Ғарб манбаларидан қилин-

---

<sup>1</sup> Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Т.: Фан, 1992.

<sup>2</sup> Prof. Dr. Hamidullah Baltabayev. NESİR ve ÜSLÛP. Aktaran: Yusuf AVCI. Çanakkale Onsekiz Mart Üniversitesi, 2006 (Türkiye).

ган таржималар эканлиги, ўзбек услубшунослигидаги назарий қарашларга асосланган ушбу таржиманинг турк адабиётига фойдаси катта эканлиги эътироф қилинди. Одатда бир тилдан бошқа тилга ўгириладиган илмий-назарий ёки бадиий манба юқори қимматга эга бўлиши керак. Шундагина у ўз доирасидан кенгроқ манзилларга парвоз қилиши мумкин. Ўзбек адабиётшунослигидаги, хусусан, услубшунослигидаги назарий қарашларнинг илк маротаба бошқа тилга таржима қилиниши назарий олимларимизнинг қўлга киритган жиддий ютуғидир.

Асардан кўзланган мақсад ҳам ҳозирги адабий жараёндаги хилма-хил йўналишлар, услубий ўзига хосликни назарий тадқиқ қилиш эҳтиёжи билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш даркор. Зеро, муаллиф айтганидек: "...насримиздаги шаклий ва услубий изланишларнинг назарий асосларини излаш, адабиётимизнинг бугунги қиёфаси ва нуфузидан келиб чиққан ҳолда унинг эртанги уфқларини чамалашга баҳоли қудрат уриниш, бу соҳада дадил изланаётган адибларнинг имкониятларини ўрганиш рисола олдига қўйилган талаблардан ҳисобланади"<sup>1</sup>.

Олим услуб истилоҳининг маъносини изоҳловчи "бадиий асар услуби", "адиб услуби", "бадиий оқим услуби", "давр услуби" ҳақидаги қарашлар, чалкашликлар ҳақида ўзининг мухтасар фикрини айтади. Шунингдек, шўро даври адабиётшунослари деярли эътибор қаратмаган ёки кўз юмиб ўтилган "миллий услуб" хусусида кенгроқ тўхталади.

Услуб тушунчаси азалдан адабиёт назарийчилари ўртасида турли қарашлар, тавсифлар ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Бинобарин, ижодкорнинг руҳий кайфияти унинг услубига ҳам бевосита таъсир қилади. Ижодкор сезимида зоҳир бўлган ўзгаришлар, унинг сийратида мавжуд бўлган табиий-биологик характер,

---

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 3.

албатта, унинг асарларида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Чунончи, яратилаётган санъат намуналари ҳам бевосита ижодкор тафаккури маҳсулидир. Демак, услуб шахснинг ўзи экан, унинг илдизлари миллий ўзандан озиқланмаслиги мумкин эмас. Кўринадик, халқимизга хос романтикага мойиллик, афсона ва ривоятларга бўлган ишонч ижодкорлар асарларида, тасвирлаш услубларида ҳам сезилиб туради. Рисолада ўзбек бадий тафаккурининг дарғалари саналган ижодкорлар асарларидаги миллий рух – аналитик (изчил таҳлилий), лиро-романтик ва рамзий йўналишда ижод қилаётган адиблар мисолида кўрсатиб ўтилади.

Шўро даври адабиётшунослари санъатнинг, бадий адабиётнинг эстетик моҳиятига эмас, балки унинг фалсафий-сиёсий томонларига кўпроқ эътибор қаратди. Натижада, “капиталистик” ва “социалистик” деб ном олган ҳудудда яшовчи инсонлар ўртасида санъатни икки хил тушуниш (ҳис қилиш эмас) пайдо бўлди. Рисола таржимасининг яна бир хусусияти шундаки, санъатни социал тушуниш қандай ва қай йўсинда шакллانганлиги, унинг ижод жараёнига етказган зиёни ҳақида маълумот олиш имконини беради. Ундан ташқари таржима билан танишганлар 70 йиллик истибдод даврида “қўшни ҳудуд” санъат оламида рўй берган воқеалардан бохабар бўладилар.

Антик давр адабиётшунослигининг намояндаси Арастунинг таъбирича, санъат табиатга тақлид экан, санъаткор борлиқдан ўз сезги кўламига яраша андоза олади, уни ўз тафаккур қувватида пиширади, сўнгра ўқувчига ҳавола этади. Ижодкор ҳаёт ҳақиқатини қалб сезимидан ўтказади, уни қайта ишлаб, бадий ҳақиқатга айлантиради. Ўқувчини ҳайратга сола олган тасвиргина ҳақиқий санъат даражасига кўтарилади, аксинча бўлса, тақлидлигича қолиб кетади. Шу маънода услубнинг хусусий ҳодиса эканлиги намоён бўлади. Аксинча, санъатдан ижтимоийлик аломатлари қиди-

рилаётган, унинг назарий асосларини белгилаб турган “социалистик реализм” методи услубнинг хусусийлигини билдирмай бўғиб қўйган эди. Профессор Ҳ.Болтабоев: “Хусусий” деб тан олинган ҳодиса ҳар қанча умумлаштирилиб, метод деб аталган ягона ғоя билан бошқарилмасин, у ҳақиқатан ҳам, хусусий ҳол, яъни ўзига хос ва бетакрор бўлса, умумий оқимга қўшилмаслиги, аксинча, унга қарши туриши, доим ўзининг хусусий, алоҳидалигини ўжарлик билан таъкидлаб, умумий методга бўйсунмаслиги керак-ку?!”<sup>1</sup> деб куюниб ёзади.

Тадқиқотда социалистик реализм методини жорий қилишдан мақсад, унинг хусусиятлари, бу метод таъсирига дастлаб тушуниб-тушунмай, кимлардир қизиқиб кириб қолгани, сўнгра оммалашиши ва унинг санъатга таъсири мисоллар билан кўрсатилади. Услубий ўзига хослик билан яратилган асарларни “яна метод қуюш-қонига қайта жойлаб, унга салгина тўғри келмайдиган томонини социалистик реализм эстетикасини унутганлик билан изоҳланиши” айтиб ўтилади. Умуман, социалистик реализм методининг жорий қилиниши буюк истеъдодларнинг асарларини сиқиб чиқаргани, ундан кейинги истеъдодлар “асарлари билан шу қуюш-қонни ёриб чиқишга қанчалар ҳаракат қилсалар ҳам, бирида бўлса иккинчи асарларида унга бўйин эгишга мажбур” бўлганликлари кўрсатилади. Бундан рисолада шўро даври адабиёти бутунлай қора рангларга бўяб ташланган экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Чинакам истеъдод ҳар қандай вазият ва ҳар қандай замонларда ҳам ўзлигини намоиш эта олиши керак. Фақат уни адабий сиёсатгина турли ўзанларга буришга, оғдиришга ҳаракат қилиши мумкин.

Шўро даврида яратилган эртақ-қисса, роман-миф, афсона ва ривоятларга асосланган асарлар ҳам яратилганлиги, бу асарлар шакли, мазмуни ва услуби миллий анъаналардан озикланган бўлишига қарамай, “Шаклан

---

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. — Б. 18.

миллий, мазмунан социалистик” деб умумий талқин қилинганлиги кўрсатиб ўтилади. “Маълум бир асарнинг мазмуни фақат ўз шаклидагина, аниқроғи, ўзига хос услуб билан шакллангандагина ўша адиб мақсади-га эришиши мумкин”<sup>1</sup>лигини изоҳлаш шарт бўлмаса керак. Кўринадик, таржимадан турк биродарларимиз ўзбек адабиётининг яқин ўтмишдаги ҳаракатларидан ҳам воқиф бўладилар.

Таржимон Yusuf AVCI китоб сўзбошисида: Туркия туркчасида ёзилган адабий асарларни юзага чиқарувчи услуб кучининг нима эканлигини, бадиий асарларнинг услуби қандай таҳлил қилинишини яна бир бора ўйлаб кўришимиз кераклигини тушундик. Эътибор берилса, бадиий асар қандай ёзилади, ижод жараёни нима, бадиий адабиёт билан жамият тараққиёти қандай белгиланади? деган саволларга бу китобдан жавоб топишимиз мумкин, – деб ёзади. Дарҳақиқат, рисо- ланинг “Üslûbun Doğuşu” (Услубнинг туғилиши) бобида услуб ва бадиий ижод муносабати, услуб шаклланиши учун зарур бўлган омиллар, насрий асарларда муаллиф ва қаҳрамон нутқининг намоён бўлиш йўллари ҳамда услуб назариясидан баҳс юритувчи мавжуд адабиётлар таҳлил қилиниб, мисол тариқасида ўзбек адабиётида машҳур бўлган асарлар услуби талқин қилинадик, ри- сола нафақат услуб назариясидан, балки ҳозирги ўзбек адабий жараёни ҳақида ҳам маълумот олиш имконини беради.

Ўзбек адабиётшунослигида тарихий асарлар тад- қиқига бағишланган ишлар мавжуд бўлса-да, уларнинг услубий хусусиятлари билан боғлиқ ишлар жуда кам. Мавжуд ишларда ҳам услуб ҳақида маълумот берила- ди-ю, асосий урғу асарнинг умумий таҳлилига қарати- лади. Тарихий асардаги услуб ўрганилаётганда: “Ҳуж- жатли ва тарихий асарлар билан унга манба бўлган та- рихий омил ўртасидаги муносабат, ҳужжатни бадиий-

---

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 36.

лаштиришда тутган ёзувчининг принципи ва у қўллаётган бадиий тасвир воситалари”<sup>1</sup>, тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш, ижодкор фантазиясининг маҳсули бўлган тўқима образ ва воқеалар, уларни замон билан боғлашдаги ўзига хослиги ҳисобга олинди. Тарихий асарлар услуби юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар асосида текширилар экан, бу тасодифми ёки бирон ҳикмат борми, асар яратилганидан кейин турк тилига таржима қилинган Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романлари кенг таҳлилга тортилади. Бу асарларнинг услуб борасидаги ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади.

Тадқиқотда кўплаб ўзбек насрнавислари, жумладан, уларнинг ижоди хусусида холислик билан фикрлар билдирилади. Бу ҳозирги ўзбек ва турк тилларидан амалга оширилаётган таржималар салмоғи ошган вақтда, хориж китобхонлари учун ўзига хос реклама вазифасини ҳам бажаради. “Холислик” деган сўзимизнинг маъноси шундаки, рисола муаллифи асарларнинг бадиий қимматини ҳам рўй-рост айтиб ўтган. Бу ҳолат турк ўқувчисига асарларни саралаб ўқиш имконини беради.

Рисола сўзбошида келтирилган таржимоннинг бир фикрини айнан келтиришни лозим кўрдик: “Адиблик боғбонликка, асарлар эса улар етиштирган гулларга ўхшайди. Бу гул фақатгина ўз боғингизда, ўз сувингиз ва меҳнатингиз ҳамда хизматингиз билан етиштирилса сизники бўлади. Ўзганинг боғида етиштирилган ёки ўз боғингизда қўшнанинг меҳнати ва фикри билан етиштирилган гуллар сизга қанчалик завқ беради, қанчалик сизники бўлади?

Адабиётдан жамиятга хос фойда кутганларга, ёзишни истаганларга назарий билим билан биргаликда талқин қилиш хусусиятларини ҳам берувчи бу таржиманинг фойдаси тегишига ишонамиз ва ўз боғимизда

---

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 58.

Ўз гулларимизни етиштиришни умид қилган ҳолда, барча адабиётсеварларга бу ишнинг ўзгача бир йўл очишини умид қилиб қоламиз”<sup>1</sup>.

Биз ҳам таржимоннинг бир оз мағрурона фикрларини тўғри тушунган ҳолда, ўзбек олимининг назарий фикрлари дунёга юз очганидан, қардошларимизга қўл келаётганлигидан ва икки халқ адабиётшунослари ўртасида йўл очилганлигидан мамнунмиз.

### **Кўнгил сеҳр истайди**

Бундан йигирма беш йиллар аввал профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирокида ўтган анъанавий илмий анжуманни яхши эслайман. Тадбир бошланган, маърузачилар бирин-кетин минбарга чиқиб, турли мавзуларда маъруза қилардилар. Навбатдаги маърузачига сўз берилганда озғин, қорачадан келган, кўзойнакли, қалин тик сочларига оқ оралаган бир йигит минбарга чиқди. У жуссасига унчалик мувофиқ келмаган фавқуллодда ўктам овоз билан сўзлай бошлади. Дастлаб эътиборсиздай ўтирган аудитория жонланди, вужудлар қулоққа айланди. Маърузачи йигит тингловчиларга қарамас, ўз кўнгил оламига шўнғиб, адабиёт, бадиият ҳақидаги теран фикрларини асослашга уринар, жаҳон тан олган адабиёт назариётчиларининг фикрларидан иқтибослар келтирарди. Маъруза қарсақлар билан олқишланди. Конференцияни бошқараётган профессор Умарали Норматов: “Аспирант Абдулла Улуғовга саволлар бўлса, марҳамат”, – деганда айримлар қўл кўтарди...

Хуллас, Абдулла Улуғов билан илк бор ўша илмий анжуманда танишган эдик.

---

<sup>1</sup> Prof. Dr. Hamidullah Baltabayev. NESİR ve ÜSLÛP. Aktaran: Yusuf AVCI. Çanakkale Onsekiz Mart Üniversitesi, 2006 (Türkiye). Ön Söz. – S. VI.

Кейинчалик филология фанлари номзоди, доцент Абдулла Улуғов билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультетининг Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий алоқалар кафедрасида бирга ишлаш насиб этди. Унинг феъл-атворидаги нозиктаъблик, инсон қалбини ҳис қилишдаги ўзига хослик, самимийлик ҳар қандай кишини ўзига тортади. Мана шу фазилатлари унинг адабиётга қарашида, ёзувчи, шоир меҳнатига муносабатида ҳам сезилиб туради. Муҳими, мен танишган кездеги адабиётга чуқур меҳр, талқин ва таҳлил бора-сидаги жўшқинлик йўқолмаган, ҳамон ўша-ўша. Ушбу хусусиятлар А.Улуғовни ўз фикри ва овозига эга бўлган, китоблари, адабий-танқидий мақолалари кўпчилик томонидан эътироф этилган зукко адабиётшунос, фаол танқидчи сифатида танилишига омил бўлди. Чунончи, унинг “Ҳозирги ўзбек қиссачилиги”, “Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сеҳри”, “Ватан – жон ва тан”, “Қалб қандили” сингари илмий, адабий-танқидий китоблари ва кўплаб мақолалари, публицистик чиқишларида фаоллиги, тинимсиз изланишлари самаралари акс этган.

Ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби бўлганидек, истеъдодли танқидчи ва адабиётшуноснинг ҳам ўз услуби бўлади. Абдулла Улуғов адабиётдаги сара асарлар ҳақида завқ билан фикр юритади. Ана шу завқ, эҳтирос мунаққид талқинлари, таҳлилий мулоҳазаларини жозибали қилиб, ичдан нурлантириб туради. Зотан, чинакам истеъдод билан яратилган бадиий асарларни таний билиш ва танита олиш танқидчининг синчковлигидан далолатдир.

Адабиёт инсонга нима беради, деган савол ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. “Инсоннинг руҳияти, қалб кечинмалари, изтироб-қувончлари тасвири унга ўзлигини англатиш учун хизмат қилади ва комиллик йўлини кўрсатади”, – деб ёзади у. Дарҳақиқат, мунаққиднинг асосий вазифаси бадиият намуналаридан шу

каби саволларга жавоб топмоқ ва уларда кўтарилган муаммоларнинг моҳиятини англашга қаратилган. “Инсон ибратга интилади” мақоласида айтилган қуйидаги фикр ҳам теранлиги билан эътиборни тортади: «Инсон руҳияти, қалб кечинмалари ҳаққоний акс эттирилган асарлар барча миллат кишиларининг диққатини беихтиёр жалб этади. Ғарблик билан шарқликнинг, япон билан инглизнинг, рус билан французнинг, хитойлик билан немиснинг миллий турмуш тарзида, оила тартибларида, урф-одатларида, тўй-маросимларида, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражасида жиддий фарқ – тафовут мавжуд. Аммо уларнинг қалб кечинмаси, ҳис-туйғуларида, муҳаббат қувончи, изтиробларини, меҳр-оқибатни ҳис қилишида жуда яқин ўхшашлик, уйғунлик бор. Бу жиҳатдан ер юзидаги барча миллат кишилари бирлашиб кетади». Мазкур фикрда бугунги глобаллашув даврида жаҳон адабиётида кечаётган жараёнларни назарда тутиб, адабиётнинг умуминсоний қадриятлар қаторидаги ўрни муҳимлиги таъкидланаётир.

Санъаткорона яратилган асарлар ҳайратнинг маҳсулидир. Бу маҳсул илҳом билан яратилган дурдона асарларда ҳайратланарли даражада намоён бўлади. Мунаққид китобхон эътибор қилмаган ёки англамаган сирли, сеҳрли тасвирларга нигоҳ ташлайди. Уларнинг моҳиятини очиб беради. Бу ҳам адабиётшунос Абдулла Улуғовнинг илмий-адабий фаолиятига хос муҳим жиҳатларидан бири.

Бугун баракали ижод қилаётган, изланаётган ҳамкасбимизда ўша – йигирма беш йил бурун илмий анжуман минбарида маъруза қилган пайтдаги шижоатни, зукколикни кўриб қувонамиз. Бадиий асарлардан олган ҳайратларини нозиклик билан ифодалаб, китобхонга таъсирчан тарзда – ўзининг ҳаяжони, ҳайратига уйғун тарзда етказишга муваффақ бўлаётганини таъкидлаш мумкин.

Бадий асар ҳамиша ўқувчини ижодкор қалбига киришга, ҳеч бўлмаганда унга яқинлашишга ундайди. Кўнгил қатламларидаги эзгулик туйғуси санъат асарларидан озик олади. Бадииятдан олислаш эса, қалбни ҳиссизлантиради. Шунинг учун ҳар давр кишилари бадиият сарчашмаларидан кўнгил эҳтиёжларига қараб тегишли озуқа олади. Чинакам бадииятнинг яшовчанлиги, эскирмаслигининг сири ҳам шунда. Ўзбек китобхони “Ўткан кунлар”ни ҳар ўқиганида ҳайратга тушаверади, гоҳо Кумушни алқайди, гоҳо Отабекдан ўпкалайди, гоҳо Зайнабга ачинади. Кўнгил кўнгилда турғун эмас, ўзгарувчан. Аммо ҳар ўқиганда ўзи учун ниманидир кашф қилади. Ҳар ўқиганда кўнгил ўзи учун мутлоқ ҳукм чиқаради ва ҳар сафар бундай ҳол такрорланаверади.

Абдулла Улуғовнинг “Асл асарлар сеҳри” деб номланган тўпламидаги мақолалар инсон ҳаётида бадий адабиётнинг ўрни, ўқувчини ҳамиша ҳайратга солаётган сеҳри ҳақида фикр юритилади.

А.Улуғов мақолаларида адабиётнинг сара асарлари ҳақида фикр юритади. Бадий жиҳатдан саёз, бўш асарлар ҳақида деярли оғиз очмайди. Бир томондан бундай андиша ҳам тўғридир. Чунки адабиёт катта бир дарё. Унда балиқ ҳам, хас ҳам оқади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Унинг олдини ҳам олиб бўлмайди. Энг муҳими унинг оқиши. Шу нуқтаи назардан А.Улуғовнинг “Адабиётнинг асл асарлари ноёб истеъдод соҳибларининг илоҳий илҳом билан иштиёқла қилган меҳнати самараси сифатида дунёга келади. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб”, Ойбекнинг “Навоий”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романлари, Ғ.Ғуломнинг “Вақт”, “Соғиниш”, Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим”, “Муҳаббат”, “Баҳор” каби шеърлари шундай асарлар сирасига

киради”, – деган фикрлари замирида жуда катта маъно ётади.

Адабиёт тарихига назар ташласак, жуда кўплаб ижодкорлар номига кўзимиз тушади. Бироқ улардан жуда озларигина ўқувчи чиғириғидан ўтиб яшаб қолган. Ва шулар таҳлилнинг, талқиннинг объекти бўлиб келган. Тўпламдан жой олган мақолалар бизга таниш ва ёд бўлиб кетган Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Мирзакарим қутидор, Юсуфбек ҳожи, Офтоб ойим, Ўзбек ойим, Солиҳ маҳдум, Нигор ойим каби образлар ҳақида. Бир қарашда бу асарлар яратилганига салкам бир аср бўлди, Асар ва унинг қаҳрамонлари ҳақида жуда кўплаб мақолалар ёзилди. Яна нима дейиш мумкин? Абдулла Улуғов қаҳрамонларнинг янги-янги хислатларини топа олган. Ўқувчи эътибор бермаган нуқталарини топиб талқин қилган. Ва асар билан жуда яхши таниш бўлган ўқувчини-да ҳайратга туширган.

Талқинчи “Абдулла Қодирий қаҳрамонлари ҳаракат-ҳолатларидаги ўзгаришларни уларнинг ички дунёси билан боғлиқ тарзда кўрсатади. У инсоннинг ҳар қандай ташқи ҳаракати унинг ички олами, руҳияти билан боғлиқлигини чуқур хис қилади”, – деб ёзади ва ўзи ҳам ёзувчи руҳий оламга кириб боради. Ўқувчи Отабек ва Ҳомид ўртасидаги зиддиятни Кумушга совчи қўйилган вақтдан бошланишини айтади. Асардаги Мирзакарим қутидорни таниш ёки танимаслик ҳақидаги суҳбатда Отабекнинг “ғайри ихтиёрий” тебранишига кўпчилик эътибор беравермайди. Чўлпон ҳам “Кеча ва кундуз” романида “эшикнинг бесарамжон очилиши” – деган жумлани қўллайдики, булар ижодкорлар томонидан қўлланган калит сўзлардир. А.Улуғов “Романда Отабекнинг ўз душманларини ички бир туйғу билан сезиши ҳам таъкидланади”, – деб ёзади ва бунга романдан жуда чиройли тасвирлар топиб таҳлил қилади. Абдулла Қодирийнинг психологик портрет яратишдаги маҳоратига тўхталар экан, Зайнабнинг заҳар бериш

арафасидаги бесарамжонлиги, Кумушнинг кўнглидан аллақандай нохуш кайфиятлар кечиши каби ҳолатларга эътибор қаратади.

Мунаққид "...ёзувчи ўқувчини қизиқтириш мақсадида воқеаларни шундай сирли қилиб қўяди", – дейди-да, асардаги "ер остидан таъқиб этиши", "Отабекнинг кўзлари ихтиёрсиз каби қаршисидаги қутидорга қараши", қовоқ девонани сўроққа тутган "кўз оғриғи", "душанба кечаси" фожеаси, Раънонинг "ўз кишиси" каби бирикмаларининг қўлланиши асарда қанчалик эстетик вазифа бажарганлигига мисоллар келтиради.

Абдулла Қодирий романларида тасвирланган муомала маданиятининг нозик қирралари ҳозир ҳам ўқувчини ҳайратга солади. Асардаги эр-хотин, ота ва бола, қайнота-қайнона ва куёв ўртасидаги мулоқот, Шарқона иббо, ҳаё фикримизнинг ёрқин далилидир. "Инсоннинг ким эканлиги унинг аёлларга қандай муносабатда бўлишида билинади. Ҳар бир қизни, аёлни ўз фарзанди, онаси, опаси, синглиси ўрнида тасаввур қилдиган киши аёлларга ҳеч қачон қўпол, дағал муомала қилмайди". Мунаққид фикрини Ҳомид, Содик, Мутал, Жаннат, Солиҳ маҳдум, Абдурахмон домла каби образларнинг мунофиқликлари тасвирланган эпизодлар орқали баён этади. Чунки улар хотин-қизларга бир буюмдай муносабатда бўлади, уларга кўнгил эҳтиросларини қондирувчи восита сифатида қарайди. Шу ўринда мунаққид: "Абдулла Қодирий маишатпараст ҳукмдорларнинг "мамлакат хотин-қизларини истаганча тасарруф этиши, бунга қаршилиқ қилувчиларга раҳмсиз жазо беришига" уламолар, яъни дин аҳллари сабабчи бўлганини "Романнинг мавзуи тўғрисида"ги изоҳида таъкидлаб ўтади", – деб ёзади. Албатта, бу ўринда гап имони суст уламолар тўғрисида бораётганлигини бугунги ўқувчи тўғри англайди. Алқисса, ёзувчи идеалларини амалга оширувчи образларда шарқона муомала маданияти устувор. Масалан, Отабек, Юсуфбек

хожи, Мирзакарим қутидор, Уста Олим, Офтоб ойим каби образларнинг ҳар қандай вазиятларда ҳам бирор марта муомала маданиятидан чиқмаганлигини кўриш мумкин. Ҳатто ўзининг такаббурлиги билан эътибор қозонган Ўзбек ойим ҳам эри олдида ўзини паст олади, “Юсуфбек хожи деганнинг кўчиман”, – дейди. Муомала одоби билан боғлиқ нозик тасвирларни мунаққид сез-гирлик билан топади, уни китобхонга ҳавола қилади.

Бадиий адабиёт санъат тури бўлганлиги учун ундаги тасвир санъаткорона нигоҳ билан ҳис қилинади. Табиат тасвири бўладими, ҳолат ёки қаҳрамон тасвирими у, албатта, китобхон кўз ўнгиде гавдаланиши лозим. Эътироф этилган санъат дарғаларининг асарлари бу тушунчани исботлаб берган. Олим А.Қодирий асарларини талқин қилар экан, адибнинг портрет яратиш маҳоратига тўхталади. “Мен рассом эмасман”, – деса-да, аммо рангларнинг товланишини, инсон аъзоларини сўз ёрдамида шу даражада тиниқ тасвирлайдики, бундан беихтиёр ўқувчининг завқи, ҳаяжони ортади. Ҳар бир ўқувчи “Меҳробдан чаён” қаҳрамони Раъно чиройлими ёки “Ўткан кунлар”даги Кумушми, деб уларнинг қиёфасини хаёлан тасаввур қилади”, – деган фикрларини мисоллар орқали изоҳлайди. Кумуш, Отабек, Анвар, Раъно каби образларнинг портретларини яратишдаги ўзига хослик, Ҳомид, Абдурахмон домла, Солиҳ маҳдум каби персонажларнинг салбий бўёқдорлигини кўрсатади. “Абдулла Қодирий романларида қаҳрамонлар портретини тасвирлашда халқ дostonлари услубига амал қилади. Эртaк, дostonларида ёвузлик дунёси вакиллари кўрқинчли, жирканч қиёфада гавдалантирилади”, – деган фикрларни билдирадики, Ҳомид, Абдурахмон домла портретларини эслаган ўқувчи юқоридаги фикрнинг қанчалик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Абдулла Улуғов тўпламни беъжизга “Асл асарлар сеҳри” деб номламаган. Таҳлилга тортилган бадиият

намуналари узоқ йиллардан бери ўқувчилар нигоҳидан ўтган, сеvimли асарларига айланган. Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи ҳам китобхон қалбидан чуқур жой олган асарлар сирасига киради. Мунаққид тўғри таъкидлаганидек: “Асл санъат асарлари ҳамиша сирли бўлади. Улар ҳар кимга ҳар хил кўринади. “Сароб” ҳам худди “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз” сингари санъаткорона маҳорат билан яратилгани боис кишиларга турлича таъсир қилган. “Сароб”нинг кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани унинг анчагина маънодорлигидан далолат беради”.

Гарчи мунаққид, Абдулла Қаҳҳор ижодига муносабат билдирмаганлиги учун Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек Ғафур Ғуломлардан гина қилган бўлса-да, адибнинг ижодига, хусусан, “Сароб” романига кенг тўхталади. Абдулла Қаҳҳор ижодини Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш маҳорати билан чоғиштиради. Олим романдаги Саидий, Мунисхон, Муродхўжа домла, Сорахон каби образларни тасвирлашдаги ёзувчи маҳоратига тўхталар экан, инсон характеридаги худбинлик, манфаатпарастлик, такаббурлик иллатларининг фожеавий якунини мисоллар орқали кўрсатади. Абдулла Қодирий ижодида романтик тасвир устиворлиги, Абдулла Қаҳҳорга хос реал воқеалик Кумуш, Раъно, Сорахон образлари орқали таҳлил қилинади. Мақолада “Сароб” романи ҳам давр ва унинг муаммолари тўғрисида батафсил тушунча бериш баробарида, инсоний муносабатларнинг мураккаблиги, инсон қисматининг чигалликлари, кишининг тақдири, истаса-истамаса, бошқаларга бевосита боғлиқлиги ҳақида аниқ тасаввур” бериши таъкидланади.

Мунаққид Абдулла Қаҳҳор ижодига баҳо берар экан, хотин-қизлар образи тасвирини ҳам эътибордан қочирмайди. Ҳақиқатан ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг барча асарларида хотин-қизлар образи ўзининг тўлақонлиги, характерли хусусиятлари билан китобхон эъти-

борини тортади. Адибнинг “Анор”, “Ўғри”, “Бемор”, “Даҳшат”, “Бошсиз одам” ҳикояларида асосий қаҳрамонлар эркаклар бўлса ҳам, хотин-қизлар образи ҳам батафсил тасвирланади. Танқидчи тўғри таъкидлаганидек: “Ёзувчи асарлари аёллар ўтмишда қанчалик уқубатли ҳаёт кечиргани, ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқларига эришиш учун улар қанчалик мураккаб йўлни босиб ўтгани тўғрисида тасаввур беради”.

Абдулла Орипов ижодидан баҳраманд бўлмаган, айниқса, муҳаббат мавзуидаги шеърларидан камида тўрт қатор ёд олмаган ўзбек бўлмаса керак. Тўпلامдан жой олган “Муҳаббат мадҳи” мақоласи севимли шоиримиз ижодидаги ишқ-муҳаббат мавзуйига бағишланган. Шоирнинг “Муҳаббат”, “Чувалади ўйларим сенсиз...”, “Сув париси”, “Сўз”, “Ирода”, “Ишонч”, “Тўлин ой” каби шеърларидаги лирик қаҳрамоннинг пок ва самимий қалб туғёнлари, ҳиссиётлари таҳлил қилинади. Мақолада инсон севгисиз яшаши мумкин эмаслиги, севгисиз ҳаёт маъносиз, пуч эканлиги, бадий асарлардан муҳаббат мавзуси олиб ташланса, улар аҳамиятсиз бўлиб қолиши айтилади. Мунаққиднинг “Шоирнинг муҳаббат мавзусидаги аксарият шеърлари алам, изтироб изҳори билан тўла бўлса-да, уларни мутолаа қилганда, эшитганда кишининг қалби янги фикрлар, тиниқ туйғулар билан нурланади”, – деган фикрларини шеърят мухлислари тўла қўллаб-қувватлайди. Шоирнинг “Биринчи муҳаббатим”, “Муҳаббат”, “Аёл”, “Кетмоқдаман”, “Хайр, энди” каби нодир битиклари севилиб ўқилишининг сири ҳам шунда.

Санъат асарлари ҳайратнинг маҳсулидир. Ҳайрат илоҳий илҳом билан яратилсагина бошқаларни ҳам ҳайратлантиради. Мунаққид Абдулла Улуғов ўзининг ҳайратларини нозиклик билан тўпламга жойлаган. Китобхон эътибор бермаган, разм солмаган сирли, сеҳрли тасвирларга нигоҳ ташлаган. Ўзининг ҳаяжонини, ҳайратини ўқувчига ҳам илинган. Китобни мутолаа қилган ўқувчи бунга амин бўлиши мумкин.

## Англанаётган руҳий олам

Адабиёт деб аталмиш буюк тафаккур уммонига томчилаган ҳар томчининг қадри ўз вақтида англанмаслиги табиий ҳол. Фақат унинг нечоғли қимматга эга эканлигини кузатиб турганлар ёки ҳис қилганлар билишлари мумкин. Абдулла Қодирий ижоди ҳам адабиёт уммонига ўз вақтида томган ва уммонда ўзига хос тўлқинлар ҳосил қилишга сабабчи бўлган ҳодиса эди. Салкам бир аср оралиғида ҳаваскор адабиётшунослардан тортиб, қалами тобланган мунаққидларгача барчаси томчидан пайдо бўлган тўлқинчалар залворини англашга интилдилар. Ва ҳар ким олган таассуротларини ўз ҳиссий олами кўламидан келиб чиқиб шарҳладилар. Зеро, англанишга мансуб бўлган қадриятгина йиллар қаъридан эскирмай ўзининг мавжудлигини намоён қилаверади. Гарчи Абдулла Қодирий ижоди мафкуравий тазйиқлар гирдобиди турлича талқин қилинган бўлса-да, унинг асл бадиий қимматидан ҳеч ким кўз юмолмади. Шўро даври адабиётшунослари ёзувчи ижодига сиёсий тус берган бўлсалар, хорижда адиб ижодининг соф бадиий эстетик томонлари талқин қилинди.

Адабиётшунос Баҳодир Карим “Қодирий қадри”, “Янгиланиш соғинчи”, “Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин” каби китоблари ва бир қатор залворли мақолалари билан қодирийшуносликда янгича талқин усулларини намоён этган.

Адабиётшуноснинг узоқ изланишлари ҳосиласи бўлмиш “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур” китоби ҳам қодирийшуносликда изланишлар изчил давом этаётганидан дарак беради.

Мунаққид Абдулла Қодирий ижодининг талқини мисолида бугунги бадииятга ёндашиш концепциясига тўхталади. Абдулла Қодирий ижодига дунё адабиётшунослари томонидан эътироф этилган бадиият тамоийилларидан келиб чиқиб муносабат билдиради. Шўро

танқидчиларининг Абдулла Қодирий ва унинг са-  
лафлари ижодига бирёқлама баҳо берганлигига ўзи-  
нинг салбий муносабатини билдиради. Бир “онг” то-  
монидан яратилган матн бир “субъект” орқали илмий  
тилга кўчирилишини шарҳлар экан, “Бадий асар  
матнини тўғри, ўз ҳолича, ҳеч қандай мафкуравий-си-  
ёсий таъсирларга берилмасдан тушуниб олиш нати-  
жасида, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, ҳис-туй-  
ғулар”ни англаш, мунаққиднинг асосий вазифаси  
эканлигини таъкидлайди. Бадий адабиётга синфий-  
лик нуқтаи назаридан ёндашиш, ёзувчининг мақсади  
ва ниятини тушунмаслик, адабиётнинг мафкуравий  
қуролга айлантирилиши оқибатида пайдо бўлган сал-  
бий иллатлар 30-йиллар адабиётида, хусусан, Абдулла  
Қодирий ижодига нечоғли таъсир этганлигини далил-  
лар билан исботлайди. Олим тўғри таъкидлаганидек:  
“Асарни жиддий таҳрир этишга чанқоқлик, ёзувчи-  
нинг дунёқараши билан ҳисоблашмаслик, сўз санъа-  
тининг нозик ва нафис спецификасини назар-писанд  
қилмаслик, ҳар қандай адабий воқеликка фирқанинг  
сиёсий-мафкуравий позициясидан синфий ёндашиш,  
ўзгани хатокор, ўзни мутлоқ ҳақгўй дея тасаввур этиб,  
бошқага йўл кўрсатиш ва ақл ўргатишга иштиёқманд-  
лик – буларнинг барча-барчаси вульгар социологизм  
иллати негизидаги бирёқлама сиёсий талқинларнинг  
асосий хусусиятлари эди”. Етакчи мафкура билан қу-  
ролланган тадқиқодчилар Фитрат, Чўлпон ижодига  
қандай ёндашган бўлсалар, Абдулла Қодирий ижоди-  
га ҳам шундай муносабатда бўлганлари бугун барчага  
аён.

Баҳодир Карим Абдулла Қодирий ижодига, хусу-  
сан, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларига  
муносабат билдирган М.Шевердин, С.Хусайн, Ой-  
бек, М.Бузрук, И.Султон каби адиб ва олимларнинг  
тадқиқотларига тўхталар экан, уларнинг қарашлари-  
даги ижобий ва чегараланган фикрларни ҳолислик

билан таҳлил қилади. Адабиётга мафкуранинг кириб келиш босқичлари, шўро сиёсати ва аста-секинлик билан бадииятнинг сиёсийлашуви далиллар билан очиб берилади. “Ёзувчининг эстетик идеалини ҳам, асар моҳиятидаги нафосатни ҳам аниқ-тиниқ тушунган ҳолда, сиёсатнинг монеликлари туфайли уларни тушунтиришнинг имкони бўлмаса, албатта, ғайритабиий талқинлар” айтилишини юқорида номлари тилга олинган мунаққидлар фикрлари асосида далиллайди.

Абдулла Қодирий ижодини ҳар давр мунаққидлари сиёсий-мафкуравий посангидан туриб талқин қилганлиги, ундан сиёсатга оид маънолар чиқаришга уринганлари ва нималарнидир кашф этганликлари ҳолда, асарнинг соф эстетик моҳиятини инкор этолмаганлари тарихий ҳақиқат. 30-йиллар танқидчилари Абдулла Қодирий ижодидан синфийлик аломатларини қидирган бўлсалар, 60-80-йилларда адиб социализм тарафдорига айлантирилди.

Мунаққидлар Абдулла Қодирий ижоди ҳақида гап кетганда, аксарият ҳолларда, унинг романларини эсга оладилар, холос. Унинг жаҳон ҳажвиёти билан бўйлаша оладиган ҳажвий асарлари четда қолиб кетаверади. Баҳодир Карим Абдулла Қодирийнинг сатирик асарларига ҳам кенг тўхталади. Китобнинг “Сатирик талқин қирралари” деб номланган бўлимида адиб қўллаган таҳаллуслар, ижодкор табиатидаги воқеликка танқидий муносабат таҳлил қилинади. Унда “махфий таҳаллусларни қўллаш” натижасида пайдо бўлган айрим чалкашликларга аниқлик киритилади. Жумладан, “20-йиллар адабий жараёнида, илмий ҳаётида фаол бўлган Чўлпон, Ғози Юнус, Ашурали Зоҳирӣ, Вадуд Маҳмуд каби ижодкорлар”нинг шартли имзолари натижасида “асарнинг қайси ижодкорга тегишли эканлиги”, “бировнинг асари бошқага нисбат берилиш” ҳолатлари аниқланади.

“Вов” тахаллуси билан “Туркия матбуоти” мақола-сини ёзган Абдулла Қодирий эмас, балки Вадуд Маҳмуд эканлиги фактлар асосида илмий изоҳланади. Олимнинг таъкидлашича: «Шу пайтгача Абдулла Қодирийга нисбат бериб келинган ва адибнинг “Тўла асарлар тўплами”ни нашрга тайёрлаш муносабати билан шубҳа остига олинган яна бир имзо бор: Шапақ махзум. Мазкур биринчи жилддаги “Изоҳлар”га кўра “Кичик асарлар”га киритилган “Лаҳми қадид”, “Ғирвонлик Маллавой”да эълон этилган “Лаҳми қадид”, “Иҳий, базмимиз тарала гижданг!”, “Жойинг жаннатда бўлсин”, “Бечора Розикбой ака”, “Маймунларимиз” деган беш ҳажвия Абдулла Қодирий қаламига мансуб эмас. Шапақ махзум имзоси билан битилган бу беш ҳажвиянинг китоблардан ўрин олиши хато” эканлиги таъкидланади.

Баҳодир Карим адибнинг ҳажвий асарлари талқинидаги матносни маъноларига эътибор бермаслик натижасида пайдо бўлган юзаки қарашлар, “ҳажвий қаҳрамонларнинг салбий эканликларини таъкидлаганлари ҳолда, Абдулла Қодирийни ҳам фақатгина янги жамият йўлидаги курашчи, социалистик жамият тарғиботчиси, эски жамият, дин-диёнатнинг ашаддий душмани” сифатидаги қарашларга янгича мезонлар асосида фикр билдиради.

Маълумки, Абдулла Қодирий асарлари методини аниқлаш 30-йиллардаёқ адабиётшуносларда қизиқиш уйғотган. 60-80-йилларда бу жараён анча фаоллашган. Олим баҳс-мунозаралар тафсилотини шарҳлар экан, давр адабиётшунослари устидан ҳукм суриб турган мафкуравий сиёсатнинг таъсирини унутмайди. У асосий диққатини баҳслар баҳона “Абдулла Қодирийнинг дунёқараши, ижтимоий фикри, қаҳрамонларининг ҳолати, тасвирлаш санъатидаги етакчи хусусиятлар борасидаги фикр-мулоҳазалар”га қаратади. Бадиий асар талқинидан кўзланган асосий мақсад ҳам шун-

да-да. Ижод намунасини маълум бир методга менг-  
заш, маълум бир назариялар қолипига тикиштириш-  
лар ўзини оқламаганлиги дунё адабиётшунослигидан  
ҳам маълум-ку!

80-йилларнинг охири – 90-йиллар бошларида-  
ги янгиланиш шабадалари адабий танқидда ҳам бўй  
кўрсата бошлади. Энди санъат асарлари талқинига  
мафкуравий тазйиқлар остидан эмас, бевосита матн  
орқали ёндашиш, янгича тамойиллар асосида қараш  
кучайди. Мазкур китобнинг “Бадиий-эстетик тафак-  
курнинг янгиланиши ва қодирийшунослик” бўлими-  
да ана шу ўзгаришларга муносабат билдирилган. Унда  
М.Қўшжонов, У.Норматов, А.Расулов, М.Қаршибой,  
Х.Султоновларнинг талқинлари, фикрлар хилма-хил-  
лиги, баҳсталаб таҳлилларларга муносабат билди-  
рилган. Мунаққиднинг: “Абдулла Қодирий ижоди  
юзасидан янгидан-янги талқинларнинг майдонга  
келишини, уларнинг тасдиқланиши ёки инкор эти-  
лишини, улар устида баҳс-мунозараларнинг авж оли-  
шини илм оламидаги табиий ҳодиса сифатида қабул  
этмоқ жоиз”, – деган фикрларидан англашиладики,  
олим, баҳс-мунозараларга билдирган фикрларини  
мутлоқ ҳақ дейишдан йироқ. Адабиётшуносликнинг ҳам,  
талқинчининг ҳам этик савияси бунга изн бермай-  
ди. Бадиият кўнгил мулки экан, у турфаликни ёқти-  
ради. Баҳодир Каримнинг Абдулла Қодирий асарлари  
талқинида санъат асарларига янгича ёндашиш та-  
мойилларини кузатиш мумкин. Ижодкорнинг муҳаб-  
бат тасвири талқини, вақт бирлиги, асардаги замон ва  
макон тушунчаси, замин ва давр манзараси, шарқона  
одоб маданияти акс этган тасвирлар таҳлили ўта на-  
зокат билан талқин қилинган.

Баҳодир Карим китобнинг кириш қисмида гер-  
меневтика истилоҳи ҳақида сўз юритади. Герменев-  
тика “тушуниш”, “тушунтириш” маъноларини бажа-  
рар экан, бу ҳолат бевосита матн билан боғлиқ ҳолда

амалга оширилади. Матнга чуқур кира олмаслик ёки матндан чиқиб кетиш тушунтирувчини янглиштирадди. Матн ижодкорнинг хусусий мулки экан, талқинчи унга кириш учун, албатта, унинг ҳасбу ҳолига разм солишга мажбур. Дунё адабиётшунослигида биографик методга қайта-қайта мурожаат қилинаётганлиги ҳам бежиз эмас. Олим тўғри ёзганидек: “Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг маънавий-ахлоқий дунёсини адибнинг эстетик оламидан айрилган ҳолда тасаввур этиш қийин”. Китобда адибнинг яқинлари, ўғли Ҳ.Қодирийнинг “Отам ҳақида” китоби, матбуот материалларидаги кичик деталлар ҳам инобатга олинган ва ишга жалб қилинган. Айниқса, Абдулла Қодирий ижодини хорижда ўрганилишига доир маълумотлар қодирийшуносликда янгича қарашлар бошланаётганлигидан дарак беради. Эден Наби (АҚШ, Колумбия), Христафор Майкел Мурфи (АҚШ, Вашингтон), Ингеборг Балдауф, Зигрид Клайнмихел (Германия, Гумбольд) каби олималарнинг ўзбек адабиёти, хусусан, Абдулла Қодирий ижоди ҳақидаги тадқиқотларига батафсил тўхталган. “Хориждаги олимларнинг бу хизматлари ўзбек адабиётини, Абдулла Қодирий ижодини дунё адабий жамоатчилигига таништиришда катта аҳамият касб” этганлигига эътибор қаратилган.

Баҳодир Каримнинг “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур” китоби халқимизнинг маънавий мулкига айланган санъат дурдоналарининг турли даврлардаги талқинлари, уларга бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашганлиги ва келгусидаги қодирийшунослик олдидан турган долзарб муаммоларни илм аҳлига ҳавола қилганлиги билан аҳамиятлидир.

## “Худудсиз жилва” жилolari

80-йиллардаги бадиий ижодда юз кўрсатган янгиланиш жараёнлари унинг назарий қатламларида ҳам сезила бошлади. Ғарб адбиётшунослигидаги адабий-назарий қарашларнинг моҳияти, қадим мумтоз адабиётимиздаги бадиий ҳодисалар таҳлил қилинган мақолалар, монографиялар сони сезиларли даражада ошди. Ўзбек адабиётшунослигида ўзларининг дадил қарашлари билан адабий-бадиий таҳлилга янгича бир рух олиб кирган олимлар сафи кенгайди. Улар адабий танқид ва адабиётшунослик илмида устивор бўлган публицистик услуб ўрнига академизм услубини олиб кирдилар. Улар сафида жаҳид адабиётшунослари фаолиятига янгича қарашлар руҳи билан ёндашган Беғали Қосимов, фольклоршунос-назариётчи Баҳодир Саримсоқовлар ҳам бор эдики, улар мафкура зуғумлари кучайган пайтларда ҳам санъат деб аталмиш буюк хилқатнинг сеҳрини соф илм йўли билан таҳлил-талқин эта олдилар. Шунинг билан бирга бу заҳматкаш олимлар ўзларининг атрофига фидойи, санъатнинг ва бадииятнинг нозикликларини англайдиган ёшларни ҳам тўплай олдилар. Бугунги кунда устоз олимларнинг шогирдлари адабий жамоатчилик ўртасида ўзларининг кенг мушоҳадали қарашлари ва матбуотдаги чиқишлари билан алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда.

Узоқ Жўрақулов юқорида номлари келтирилган икки буюк алломанинг шогирди, улар бошлаган эзгу ишларни амалга ошираётган ёш олимлардан. Унинг адабиётшунослик методологияси, адабий оқимлар, ғарб адабиётшунослигидаги эстетик ҳодисалар ва бугунги адабий жараён ҳақидаги чиқишлари билан кўпчилик яхши таниш. У. Жўрақуловнинг “Худудсиз жилва” тўпламидан ўрин олган мақолалари бугунги адабиётимизда янгилик сифатида баҳоланаётган адабий-эстетик қарашлар таснифи, бир қатор Ғарб ва рус

адабиётшунослари ва файласуфлари Сент-Бёв, Дамирон, Лакомб, Ренар, Макс Верли, Виктор Жиро, Валтер Мушг, Д. Штолниц, Андре Моруа, Г.О. Винокур, Б.М. Кедров, М.Г. Ярошевский, Б.С. Мейлах, А. Машковскийларнинг адабий-назарий қарашлари шарҳланган, Шарқ мумтоз поэтикасидаги шу каби қарашлар билан чоғиштирилган, баъзи ўринларда ўзининг муносабати билдирилган.

Олимнинг “Худудсиз жилва” деб номланган мақоласида экзистенциализм таълимоти, ундаги абсурд тушунчасининг моҳияти очиб берилади. Инсоният шуурида мавжуд бўлган бу хусусиятнинг чегаралари қадим замонларга бориб тақалиши, унинг илдизлари Шарқ халқлари адабиётида ҳам мавжудлиги, XX асрдан бошлаб Э. Ионеско, С.Беккет, Ж.-П. Сартр, А. Камю, Ф. Кафка, М. Пруст, Ж. Жойс, А. Роб-Грийе, Ж. Жене, А. Адамов, Б. Виана, Ж. Тарде, Д. Буццати, Э. Эрико, Х. Пинтер, Н. Симпсонлар ижодида юқори босқичга кўтарилгани таъкидланади. “...абсурд инсон умрининг ҳар қандай замонида ва маконида, шунингдек, ҳам индивидуум, ҳам универсум ҳаётининг исталган нуқталарида мавжуд бўла олади. Зотан, инсон табиатан қанчалик улуғвор бўлса, шунчалик майда ҳамдир. Даҳшатли бўронларга, турмушнинг оғир синовларига мардона бардош бера олган Одам авлоди баъзан биргина мушугининг ўлгани боис “ҳаёт яшашга арзимайди”, деган хулосага келиши мумкинки, бунинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ”, – деган фикрларни билдиради. Олим Альбер Камюнинг “Бегона” қиссаси ҳақида тўхталар экан “...мен “Бегона” қиссасини абсурд асар эмас, балки абсурд фалсафасининг муқаррар ҳалокатини ифода этган адабиёт намунаси дейишга мойилман”, – деган фикрларида катта маъно бор. Зеро, адабиётнинг, санъатнинг вазифаси, унинг инсоният олдидаги фалсафаси эътиборга олинса, бу хулосанинг моҳияти янада равшанлашади. Шунинг учун “абсурд

ҳеч қачон инсоният ҳаёти учун хос фалсафа бўла олмаганидек, ҳеч қачон универсал бадий ҳодисага ҳам айлана олмайди”. Абсурд тушунчасининг шарқ адабиётида воқеаланмаганининг асл сабаби қилиб ислом оламида “тавҳид аталган маъни”нинг мавжудлиги кўрсатилади.

Шўро адабиётида инсонларни синфларга ажратиш тамойилининг мавжудлиги биографик метод тушунчасини бирёқлама ўрганилишига сабаб бўлди. Устоз Абдуғафур Расулов тўғри таъкидлаганидек: “Фарзанд, табиийки, ота-онага ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадий асар санъаткор фарзанди экан, унда ёзувчининг руҳий ҳолати, қарашлари, кайфияти акс этмаслиги мумкин эмас”.

Узоқ Жўрақулов биографик метод ҳақида Ғарб адабиётшунослигидаги мавжуд қарашларга тўхталар экан: “биографик методнинг марказий концепциялари, илмий назарий принциплари, метод сифатидаги ўзига хос жиҳатлари, бошқа тадқиқ методлари, фан соҳалари билан алоқадорлиги масалаларини умумлаштирувчи методологик тадқиқотлар мавжуд эмаслигига» эътиборни қаратади. Дарҳақиқат, XX аср ўзбек адабиётшунослигида бир қанча ижодкор ёзувчи ва олимларнинг адабий портретлари яратилганлигига қарамай, методнинг назарий томонлари жуда кам ўрганилган. Биографик методнинг янги концепцияларини, специфик жиҳатлари, «уни ижоднинг ҳар қандай тури (амалий, назарий) ва ҳар қандай шакли (фан-техника, санъат, сиёсат, маданият)га нисбатан қўллаш мумкинлиги» эътиборга олинса, кўтарилаётган муаммонинг долзарблиги кўзга ташланади. Мақолада биографик методнинг бир қанча омиллари – генетик, ёзувчининг интим ҳолати, ижодкорнинг маиший турмуши, ижодкор фалсафаси, муаллифнинг психологик ҳолатлари ҳақида батафсил фикр билдирилади. Бинобарин, мунаққид биографик методда

«гегемонлик вазифасини филологик омил» бажаришини тўғри уқтиради. Чунончи, “Бадий асарда ҳар қандай поэтик фикр, ҳар қандай ноёб ҳиссиёт ифода-даланишидан қатъи назар, бу жараён сўз воситасида амалга ошади”, – деб таъкидлайди.

Санъат асарларининг сеҳри қадимдан кишиларни ўйлашга, мифологик олам ва реал борлиқ ҳодисаларининг боғлиқлик ва айрича чегараси қаердалиги қизиқтириб келган. Ваҳоланки, мифологик ва реалистик ижод намуналарида бирдек тасвир этилувчи эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, вафо ва бевафолик, садоқат ва хиёнат каби тушунчалар доимо асосий мавзу бўлиб келаётганининг сабаби нимада?

“Худудсиз жилва” тўпламидан жой олган “Миф ва ижодий жараён” деб номланган мақолада муаллиф бу каби абадий ва давомий саволларга жавоб топишга ҳаракат қилган. Муаллиф «хаос» ва «космос» тушунчаларининг истилоҳларини шарҳлаш орқали санъатнинг пайдо бўлиш жараёнига муносабат билдиради. “Тартибга беистисно риоя қилиш, сўзни қатъий мазмун ва шакл қолипига бўйсундириш орқали классицизм, сўз функциясини мумкин қадар таълим-тарбияга йўналтириш орқали маърифатчилик, сўзга қаноат боғлаб самовий идеалларни ифодалаш орқали романтизм, унга тушкунлик либосини кийдириш ва сўзни фожиа, зулмат оҳанглари билан ўраш орқали сентиментализм ҳамда барокко, сўзни мутлоқ рамзга айлантириш орқали символизм, сўз устига ҳаёт ҳақиқатини шафқатсиз ва аниқ ифодалаш мажбуриятини юклаш орқали танқидий реализм ҳамда реализм, сўз тўзони-га мутлоқ эрк беришга интилиш орқали модернизм адабиёти туғилади”, – деган фикрларни билдиради-ки, булар адабиётшунослик илмида адабий оқимлар ва йўналишларга берилган энг қисқа ва лўнда таърифлардир.

Кейинги йиллардаги бадий талқинларда психологик таҳлил, Фрейд назарияси, психоанализ тамойиллари каби истилоҳлар бот-бот учраб туради. Бироқ бу истилоҳларнинг назарий асоси, умуман, Фрейд назарияси билан боғлиқ қарашлар ҳақида мукамал мақола ёки фикрларга дуч келмаймиз. Зигмунд Фрейднинг психологияга бағишланган қарашлари файласуф-психологлар томонидан умумтушунча ҳолатида ўқитилади. Бироқ унинг бадий-эстетик моҳияти ўзбек китобхоналарига унчалик таниш эмас. Олимнинг «Психоанализ ва бадий ижод» мақоласи З.Фрейд назарияси, Фрейддан кейинги психоанализнинг йўналишлари, умуман, Фрейднинг психологиядаги янги кашфиётини очишга қаратилган. З.Фрейд ва унинг издошлари тамонидан ривожлантирилган қарашлар ва тушунчалар Шарқ фалсафий тафаккури билан чоғиштирилади.

Мунаққид З. Фрейд назариясини таҳлил қилар экан, инсон фаолиятини намоён қилувчи уч тушунча Ид, Эго, Суперэго муносабатларини таҳлил қилади. “Ид соф биологик, Суперэго-соф ижтимоий асосга эга бўлса, Эго ҳам биологик, ҳам ижтимоий омилларга эга бўлган тушунча” эканлигини таъкидлайди.

Олимнинг З.Фрейд назариясининг бу хусусиятларига кенгроқ тўхталишининг мантикий асоси бор. Бу ҳам бўлса, ҳозирги адабий таҳлилларда инсон фақат ижтимоий мавжудод сифатида эмас, унинг биологик хусусиятларига ҳам эътибор қаратилаётганлигидадир. Бироқ инсонга фақат биологик ёндашув доим ҳам ўзини оқлайвермайди. “Фрейдизмнинг энг ноҳолис ва инкор этишга маҳкум жиҳати инсонга фақат биологик мавжудод сифатида ёндашганидир”, – дея таъкидлайди муаллиф. Инсон руҳиятида мавжуд бўлган “фариштавий” хислатлар яратган томонидан берилган бўлиб, уни тадқиқ қилишга, турли “изм”лар исканжасига солишга уринишлар бефойда бўлаверади. Муаллиф тўғри

айтганидек: “психоанализ доимий танқидий ёндашувни тақозо этади”.

Китобдан жой олган “Мимесис” мутлоқ назариями?” деган мақолада Аристотель томонидан тақдим этилган назарий қарашлар, хусусан, мимесис истилоҳига муносабат билдирилган. Маълумки адабиётшунослик назариясига оид китобларда “санъат табиатга тақлид” деган Арасту томонидан айтилган фикр ҳали ҳам мутлоқ саналади ва адабий турларни белгилашда “тақлид”нинг ҳолати ҳисобга олинади. Мақолада санъат тўғридан-тўғри “табиатга тақлид” эмаслиги, санъат ирроционал идрок маҳсули эканлиги, ғарб адабиётидаги культеранизм, концептизм, “66 лар гуруҳи”, борингки, биргина модернизм номи билан айтилаётган символизм, экзистенциализм, абсурдизм, формализм, футуризм, сюрреализм, дадаизм, кубизм, ташизм, абстракционизм сингари фалсафий-адабий оқимлар Арастунинг мимесис назарияси қолипларига тушмаслиги айтилади.

Олим ўзбек адабиётшунослигида Б.Саримсоқов томонидан илгари сурилган тўртинчи адабий тур “паремик” истилоҳи, яъни “...ҳикматли гап, ибора ва сўз маънолари” мустақил адабий тур ва жанрларга мансублиги, бироқ бу янгилик эътибордан четда қолаётганлиги тўғрисида куюнчаклик билан ёзади.

Мақолада Шарқ ва Ғарб поэтик тафаккури эстетикаси ўртасида тафавут борлигини айтиб, “Ғарб поэтика илмини тўғридан-тўғри татбиқ этиш анъанаси ўзини ҳукмронлик вазифасини ўтаб бўлди”, – деган хулосасини билдиради. Унинг “Шарқ адабиётида ҳаётни акс эттириш эмас, уни маърифий-бадий талқин этиш усули етакчилик қилади”, – деган фикрларини мумтоз адабиётимиз намуналари исботлаб турибди.

Муаллифнинг “Янги эстетиканинг шаклланиши” деб номланган мақоласи XX аср бошларидаги жадид боболаримизнинг адабий-назарий ва эстетик қа-

рашларининг шаклланиш жараёнларига бағишланган. Мақола ҳажман катта бўлиб, бир неча – а) миллий адабиёт ва умумназарий талқин муаммолари, б) санъат тушунчасининг назарий талқинлари, в) адабиёт сўз саъати сифатида, г) тил ва услуб масалалари, д) ижодий жараён, е) адабий тур ва жанрлар масаласи, ё) фольклор каби кичик мавзулардан иборат. Мавзуларнинг номланишидан оқ сезилиб турибдики, мақолада адабиёт назариясига оид қарашлар таҳлилга тортилган. XX аср бошида адабиётимиз ва санъатимизнинг назарий тамал тошини қўйган А. Фитрат, В. Маҳмуд, М. Шермуҳаммедов, А. Саъдий, М. Беҳбудий, А. Авлоний, Чўлпон каби ўз даврида нисбатан таъсир доираси юқори бўлган ижодкор ва олимларнинг қарашлари талқин этилади, жадид эстетикасининг моҳияти кузатилади.

Олим “Санъат адабий-назарий муаммо сифатида” мақоласида А.Фитрат, А.Авлоний, А.Саъдий, О.Ҳошим каби жадид намояндаларининг адабий-бадий танқиддаги қарашлари, санъатнинг инсон ҳаётидаги ўрни, моҳиятини белгилашдаги қарашларига тўхталган. Унда санъат ҳақидаги Шарқ ва Ғарб эстетик тафаккури таъсири, шу даврда оммалашаётган марксистик қарашларнинг таъсири кузатилади.

Абдурауф Фитрат XX асрда шаклланиб келаётган янги адабий-бадий ва эстетик ҳодисаларнинг тадрижийлигини сақлашга интиланган, унитилиш арафасига келиб қолган адабий ёдгорликларни миллат болаларига етказишга ҳаракат қилган буюк алломадир. Марксистик мафкура таъсирида ўтмиш адабиётини ялпи йўқ қилиб, янги адабиёт барпо этиш ҳаракати авж олган паллада ҳам, у ўз маслагидан кечмаган. “Худудсиз жилва” тўпламига кирган “Фитрат ва эски турк адабиёти”, “Фитратнинг илк ёзма адабиётимиз тарихига оид тадқиқотлари”, “Яссавийшунослик сарҳадлари” мақолаларида Фитратнинг эзгу уринишлари, тарихий оби-

даларни таҳлил қилишдаги ўзига хослик ва бирёқлама қарашлари холислик билан ёритиб берилган. Шунингдек, илмий манбалардаги нотўғри, ғализ, чалкаш қарашларга муносабат билдирадики, бу олимнинг мақола ёзиш жараёнида жуда катта манбалар билан танишиб чиққанлигидан далолат беради.

Китобнинг учинчи бўлими “Илмий-адабий жараён” – деб номланган. Бунда ҳозирги адабий жараёнда кечаётган бадий-эстетик изланишлар, эпик ва лирик тафаккурда юз бераётган ўзгаришлар, шунингдек, бадий талқиндаги ўзгача оҳанглар ҳақида фикр билдирилади.

Абдулла Ориповнинг Она мавзусига бағишланган туркум шеърлари ҳақида мунаққидлар ҳўб ва кўп ёзишган, турлича талқинлар ҳавола этилган. Тўпламга киритилган “Армон талқинлари” мақоласида шоирнинг Она мавзусидаги шеърлари таҳлилга тортилган. Аҳамиятли томони шундаки, мунаққид шеър маъносини ижодкор руҳиятида зухур бўлган ҳолатлар билан изоҳлайди. Шеър бўлимларга ажратилиб, онгости қатламларида кечаётган изтироб аломатлари билан онг устки, яъни “ақл механизми” таъсирида содир бўлган жараёнлар муқояса қилинади. Ҳақиқий шеър руҳият маҳсули. Бугунги шеърӣ асарлар таҳлилида маҳоратнинг устиворлиги эмас, балки шоир исьтедодининг қуввати талқин қиланаётганининг сабаби ҳам шунда.

Ҳаётдаги ҳар қандай янгилик осонликча қабул қилинавермаслиги исботланган ҳақиқат. Бунинг сабабини турлича изоҳлаш мумкин. Бадииятда юз кўрсатаётган ноанъанавий тасвирлаш услуби ҳам турли баҳс мунозараларга сабаб бўлди. Олимнинг “Асл адабиётнинг нашъу намоси” деб номланган мақоласи адабиётимиздаги ноанъанавий йўналиш, яъни модерн усули ҳақида бир гуруҳ ижодкорлар ва олимларнинг баҳсларига қаратилган. Шўро мафкураси Ғарб адабиёти намояндаларининг бир қанча асарларини ғоявий

зарарли деб таъқиқлаганлар. Бир қарашда ғализ жумла, қора рангларнинг қуюқлиги, фожеавий ҳолатлар, тушкун кайфият, бадбўй ҳид тасвири модерн адабиёти ҳақида ғалати таассурот уйғотиши мумкин. Бироқ ғализ жумла қатида сермаънолилик, инсон сийратида кечаётган ботиний ҳолатлар тасвири фикр юритган ўқувчига аён бўлиши мумкин. Алқисса, “Файласуфлар эзгулик билан ёнма-ён келгувчи қора рангларга ҳам ҳаёт учун нормал ҳодиса сифатида қарайдилар”. Мунаққид таъкидлаганидек: “Даврлар, миллатлар аро фарқланди. Бироқ ижодкор ҳамон асл адабиётнинг нашъу намоси йўлида ёзишини қўймади. Руҳни шаклга эмас, шаклни руҳоний оҳангга мослади. Буларни классицизм, барокко, реализм, сентиментализм, модернизм тарзида таснифлаш кейинроқ расм бўлди. Аксинча, руҳ шаклга кирмади”, – деган фикрни билдирадиги, асл санъат асарлари ҳар қандай “изм”лардан ҳоли. Уни назарийтчиларгина ўзлари ёқтирган андозалар билан ўлчайдилар.

“Исмсиз макон синоати” мақоласи билан олим юқоридаги баҳсга Шодиқул Ҳамронинг “Қора кун” қиссасининг таҳлили орқали ўз муносабатини билдирган. “Қисса ўзига хос кўп сюжетлилик асосида қурилган. Бу ўзига хослик асар қурилишида марказий устун вазифасини бажарган макросюжет ва микросюжетлар аро нозик муносабатда намоён бўлган”, – деган фикр билдириб, макросюжет ва микросюжет маънолари асар матни орқали далилланган. “Қора кун” қиссаси ноанъанавий асарлар сирасига кириб, уни янгича талқин призмаларидан ўтказиб таҳлил қилинмаса, ташқи маъно орқали ёзувчининг мақсад ва ниятини англаб олиш мушкул. Мақола муаллифи янгича таҳлил йўлидан бориб, ўз кўзлаган мақсадига ета олган.

Узоқ Жўрақуловнинг Фозил Зоҳид ижоди ҳақидаги “Шарқона назар”, адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг “Алпомиш талқинлари” рисоласи

ҳақидаги “Руҳафзолик инкишофи”, “Ўзбек ойим нега “оғма”?” номли “Ўткан кунлар” романи ҳақидаги ҳайратлари, япон адиби Синъитиро Накамура ижоди ҳақидаги мақолаларида инсон зоҳири ва ботинида зуҳур бўлувчи хусусиятлар, миллий ва шарқона муносабатлар синчковлик билан кузатилади ва талқин қилинади.

Олим “Феномен”, “Олим” мақолаларида устоз адабиётшунос олимлар Бегали Қосимов ва Баҳодир Саримсоқовларнинг олим ва инсон сифатидаги нозик характерларини тасвирлаганки, бунда шогирднинг устозларига бўлган чексиз ҳурмати ва эҳтироми яққол сезилиб туради.

Бадиий тафаккурдаги ўзгаришлар янгича қарашларни ҳам тақозо этмоқда. Энди ўқувчини ҳам бевосита одамнинг ташқи томони эмас, ички олами қизиқтира бошлади. Йиллар давомида китобхон ўрганиб қолган ёруглик ўрнини қоронғулик, турфа хил ифोरлар ўрнини бадбўйлик, махлуқотнинг энг олий тоифаси ҳисобланган инсоннинг ёвузлигини тасвирлаган бадиият намуналари яратилди. Бугунги адабиётшунослик илми ўз зиммасига бадиий-эстетикадаги янги ҳодисаларни таҳлил-талқин ва танқид қилиш мажбуриятини ҳам олишга мажбур. Шундай экан, бугунги адабиётшунос дунё адабиётшунослигидаги назарий қарашлардан боҳабар бўлмоғи даркор. Биз фикр юритган Узоқ Жўрақуловнинг “Ҳудудсиз жилва” китоби ана шу мажбуриятнинг талаби натижасида яратилган. Китобнинг аҳамиятли томонларидан энг муҳими шундаги, олим адабиётшунослик фани олди-га ечимини кутаётган муаммоларни қўйган. Илмда муаммонинг кўтарилиши эса, ечим сари қўйилган илк қадамдир.

## Мақсад ойдинлашиши керак

Ҳар бир асар муаллифнинг истеъдод даражаси, бадиий нияти, бадиий талқин усули, энг муҳими, бадиий услубига кўра индивидуаллик касб этади. Юқорида келтирилган тавсифларнинг бузилиши ёки меъёрига етмаслиги бадиий асар матнини саёзланишига олиб келади. Ижодкор ўқувчига тақдим этаётган ҳаётий воқеликни бирор мақсади йўлида ҳавола этади. Мақсад мавҳумлашса, ўқувчи ижодкорнинг мақсадидан, унинг айтмоқчи бўлган бадиий ниятидан бебаҳра бўлиб қолади.

Бадиий асар воқелик инъикосининг ижодкор ички сезими орқали тасвирланиши экан, унда ҳар бир сўз, тасвирий ифода воситалари, бадиий деталлар, табиат тасвири ва қаҳрамонлар ҳаракати муаллиф ниятининг реал воқеликка қай даражада уйғун келганига қараб ўрта, яхши ёки олий мақом касб этиши мумкин.

Боборавшан Ҳозиддиновнинг “Сув” ҳикояси қаҳрамонлари саҳрода сувга муҳтожликда яшаётган одамлар. Ҳикоя қаҳрамонларидан бири Дилшод тирикчилик мақсадида кўп юртларни саргардон кезиб юрган. Натижада, жуфти ҳалоли Ойсифат ҳақида қишлоқ одамлари турли уйдирма гаплар тарқатган. Улар Яккатепага кўчиб келишлари билан сел келиб, қишлоқ одамларини сув билан таъминлайдиган булоқни ҳам ювиб кетади. Ҳикоя тағматнида тинч-тотув умргузаронлик қилиб келаётган қишлоқ ҳаётига фисқи-фасод, ғийбат, ҳаром-ҳариш аралашishi оқибатида келиб чиққан фожиаларни тасвирлаш мақсад қилиб олинганлиги сезилиб туради.

Ёзувчи бир замонлар Турди полвон “Эшмат тўқимчини қўшни аёлга ёвқараш қилди” деб, қишлоқдан бош олиб кетишига сабабчи бўлган эди. Мана шу кўргиликлар унинг бошига ҳам фарзандлари орқали тушди. Дилшод осон бойлик топаман деб, юртма-юрт кезиб юрмаганида хотини ҳақида фисқи-фасодлар бўлмас

эди. Ва қишлоқ эркакларининг майдагаплиги, ғийбатларга ўчлиги бутун фожеаларга сабаб бўлганлигини айтмоқчи бўлади. Бироқ ҳикояда ёзувчининг бу мақсади сезилмай қолган.

Ижодкор асар ёзишдан аввал ўқувчига айтмоқчи бўлган мақсадини аниқлаштириб олиши лозим. Асарда қўлланган барча воситалар ана шу мақсадни ёритишга қаратилиши керак бўлади. Ҳикоя қаҳрамони Дилшод: “Ўз оёғи билан жилдирабгина келмаган сув сувлик қиладими?! Кетаман бу Саҳройи кабирдан... кетама-ан-н!” – деган нидолари гарчи Т.Рустамовнинг “Капалаклар ўйини” романи қаҳрамони ҳайқириғига ўхшаб кетса-да, унчалик ишончли эмас. “Сувнинг ўз оёғи билан келиши”, от ҳақидаги “Забонсиз жонивор бор қувватини йиғиб, олд оёқларни ҳавода ўйнатганча силтаб, арқонни узди-да, қишлоқ томон югурди” тасвирлари ҳам ўқувчини ишонтирмайди. Аввало, Турди полвон отни боғлагани ҳақида бирор гап йўқ. Иккинчидан, от онгли мавжудотдай ҳаракат қила олмайди (Гарчи Тарлон (Т.Мурод) хожасини ҳимоя қилиш учун ғайритабиий кишнаган бўлса-да).

Адабиётшуносликда гендер психологияси деган тushунча бор. Унга кўра ижодкор асар қаҳрамонларини ўз табиатига кўра тасвирлаши лозим. “Сув” ҳикояси қаҳрамонлари Рустам, Анвар эркакча сўзламайди, балки аёлларга ўхшаб ғийбат, фисқи-фасод билан шуғулланишади.

Умуман, Боборавшан Ғозиддинов мавзу танлашда адашмаган. Ҳақиқатан инсониятни ёмонликлар, лоқайдлик, ғийбатлар таназзулга олиб боради. Қаердаки шу иллатлар авж олса, барча кўргуликлар шу жойда рўй беришидан ташвишга тушади. Тафсилотлар шундайлигича эмас, бадиият талаблари доирасида тасвирлашга ҳаракат қилади.

Ҳикоя уч тугун асосига қурилган. Шулардан Турди полвон тасвиригина ниҳоясига етгандай кўринади.

Чунки Турди полвондаги мардлик, фарзандлар, қишлоқдошлари олдидаги масъулият, бурч яхши ёритилган. Бироқ Дилшод, Ойсифат образлари тугалланмай қолган.

Боборавшан Ғозиддиновда ният яхши. Фақат ниятни амалга ошириш учун анчайин меҳнат қилиш талаб қилинишини ҳам унутмаслик керак. Ўқувчига ҳавола қиланаётган бадий асар мукаммал бўлсагина, чинакам санъат асарига айланишиши, умрбоқийлик касб этиши мумкин.

## ҚАЙДЛАР УЧУН

## МУНДАРИЖА

### 1 БЎЛИМ. ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИ ТАДРИЖИ

|                                          |    |
|------------------------------------------|----|
| Қиссалар оламига саёҳат.....             | 3  |
| Асқад Мухтор маҳорати .....              | 11 |
| Янгича талқин йўлларида .....            | 13 |
| Мавҳум туйғулар туғёни.....              | 16 |
| Икки қирғоқ – икки олам .....            | 38 |
| Муаззамнинг муаззам қўшиғи .....         | 48 |
| Тавба-тазаррунинг бадиий талқини .....   | 55 |
| Тун қўйнидан ёруғлик излаб.....          | 60 |
| “Бошимга кўрки, не тун келтурибсен ..... | 64 |
| Уйғунликнинг бадиий тасвири.....         | 66 |
| Турфа услублар жилоси .....              | 84 |
| Қиссаларни варақлаганда .....            | 87 |

### 2 БЎЛИМ. ҲАЙРАТ УЧҚУНЛАРИ

|                                            |     |
|--------------------------------------------|-----|
| “Юрагинг – умрингдир, ором билмайди” ..... | 99  |
| “Имтиҳони бордир ҳар оннинг...” .....      | 106 |

### 3 БЎЛИМ. АДАБИЙ ТАҚРИЗЛАР

|                                 |     |
|---------------------------------|-----|
| Танқидшунос олим .....          | 116 |
| Услуб назарияси хорижда.....    | 124 |
| Қўнгил сеҳр истайди .....       | 130 |
| Англанаётган руҳий олам.....    | 139 |
| “Ҳудудсиз жилва” жилолари ..... | 145 |
| Мақсад ойдинлашиши керак .....  | 150 |

*Адабий-илмий нашр*

**ДИЛМУРОД ХОЛДОРОВ**

# **ИЖОД МОҲИАТИ – УСЛУБ ХОСИЯТИ**

*Муҳаррир:*  
**Ирода Муҳиддинова**

*Техник муҳаррир:*  
**Файзулло Азизов**

*Мусахҳиҳ:*  
**Ғафур Умурзоков**

*Дизайнер:*  
**Василий Бурцев**

“Turon zamin ziyo” нашриёти  
Лицензия: АІ № 278. 2016 йил 11 январ.

Теришга 2017 йил 15 февралда берилди.  
Босишга 2017 йил 10 майда рухсат этилди.  
Бичими: 84x108 1/32. “Times New Roman” гарнитурасида  
офсет босма усулида офсет коғозида босилди.  
5 шарт. б.т. 8,15 ҳисоб нашр. таб.  
Адади 1000 нусха. 104-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.  
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзеи,  
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru.